

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш.Н. КЎЧИМОВ

**ЮРИДИК ТИЛ НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ**

ТОШКЕНТ – 2013

***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг
Илмий-мувофиқлаштириш кенгашида маъқулланган.***

Такризчилар:

Тошкент Давлат шарқшунослик институти доценти, филология
фанлари номзоди **У.Ф. ЛАФАСОВ**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти,
филология фанлари номзоди **А. ОРИПОВА**

Мазкур монографияда ҳуқуқ ва тил, улар ўртасидаги ўзаро муносабат, юридик тил, юридик терминлар (атамалар), қонунчилик услубияти масалалари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилади.

Мазкур монография ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар, юридик олий ўқув юрти ўқитувчилари ва талабалари учун юридик тил бўйича муҳим манба вазифасини бажаради.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритиши шарофати билан бугунги кунда ўзбек давлатчилиги ўзининг узок йиллик тажрибалари асосида қайтадан ривожлантирилмоқда, одил фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бориб, демократик ҳуқуқий давлатга айланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, миллий истиқлол янги ҳуқуқий уйғониш даврини бошлаб берди. Республикамиз ҳуқуқий ҳаётининг барча жабҳаларида янги ҳуқуқий тараққиёт босқичи бошланди.

Шу нуқтаи назардан ҳамда бугунги кунда жаҳон илм-фанининг бир фан доирасида эмас, балки фанлараро йўналишда ривожланаётганлигидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқ ва тил, уларнинг бир-бирига ўзаро муносабати, бу масалаларнинг жамият ҳаётига таъсири каби муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, бу шундай мураккаб жараёнки, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этмасдан ҳамда Ўзбек миллий юридик тилини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқмасдан туриб, ушбу вазифани амалга ошириш анча мураккабдир.

Шунга кўра, мазкур монографияда ҳуқуқ ва тил ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ҳуқуқнинг ривожидида тилнинг қандай вазифаларни бажариши, тил тараққиётида ҳуқуқнинг тутган ўрни аниқланади. Шунингдек, юридик тил, қонунчилик услубияти, юридик терминларнинг ҳуқуқ ва тил фанлари билан алоқадор алоҳида бир соҳа сифатида шаклланишини ўрганишни, бу мавзуни илмий жиҳатдан тадқиқ қилишни мақсад қилиб қўяди.

Монографияда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда юридик тил, қонунчилик услубияти ва юридик терминлар масалаларининг тутган ўрнини аниқлашга, қонун тилига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, монография ўзбек юридик терминларининг ягона ифода шакллари ишлаб чиқиш ва уларни барқарорлаштириш юзасидан тавсиялар беришни, ҳуқуқий амалиётда қонунчилик услубиятини махсус бир соҳа сифатида шакллантириш йўллари ўрганишни; жорий қонунларнинг қонунчилик техникаси талабларига қай даражада жавоб беришини назарий жиҳатдан аниқлаш ва бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатишни мақсад қилиб қўяди.

Монографияда халқаро ҳуқуқ тили масалалари ҳам изчил ва чуқур ўрганилиб, унда халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос лингво-юримдик қонуниятлари очиб берилади.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда мамлакатимиз ҳуқуқшунослик ва тилшунослик фанлари тизимида ҳозирги кунда жаҳон илм-фанида «Юрислингвистика» деб номланаётган янги махсус бир фанлараро илмий йўналишга асос солиш ва унинг ўрганиш объектини йўлга қўйиш юзасидан хулоса ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бу муаммоларнинг ўта кенг қамровлилиги ҳамда ҳуқуқ ва тилнинг бир-бирига ўзаро таъсири масалалари мамлакатимиз илм-фанида илк марта ўрганилаётганлиги сабабли, тадқиқотда мунозарали ўринлар бўлиши табиий бир ҳол, албатта. Шу боис, муаллиф тадқиқот юзасидан билдирилган бундай фикр ва мулоҳазаларни самимият ила қабул қилади ва, ўз навбатида, олдиндан миннатдорчилик билдиради.

I БОБ. ҲУҚУҚ ВА ТИЛНИНГ БИР-БИРИГА ЎЗARO ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ

1. КИШИЛИК ЖАМИЯТИДА ҲУҚУҚ ВА ТИЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар бир мамлакатнинг камол топишида, кўзланган олий мақсадлар сари олға боришида, давлат ҳудудида ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқ ва тил, улар ўртасидаги уйғунлик, бу муносабатларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки давлат мустақиллиги, давлат ва ҳуқуқ, давлат тили тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалар ҳисобланади. Бирисиз бошқаларининг бўлиши амри маҳол. Ҳар қандай мустақил мамлакат ўз яхлит ҳуқуқий тизимига ҳамда давлат тилига эга бўлади. Мамлакат ижтимоий ҳаёти ана шулар воситасида шаклланади ва ривожланади.

Шундай экан, ҳуқуқ ва тилнинг камол топиши жамиятнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этади, жамият ёки ҳуқуқнинг ривожига эса тил тараққиётида акс этади. Бу давлат ва жамият ривожига, қолаверса, ҳуқуқ ва тил илмларининг тараққиётига ҳам катта замин ҳозирлайди.

Бинобарин, ҳуқуқ кишилиқ жамиятининг объектив зарурий эҳтиёжи асосида пайдо бўлди. Жамиятда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини белгиловчи, тартиб-интизомни таъминловчи ҳуқуқий нормаларга эҳтиёж сезилган. Шунга кўра кишилиқ жамияти пайдо бўлибдики, шу жамиятнинг тартиб-қоидаларини ўзида акс эттирувчи қонунлар ҳам мавжуд. Чунончи, Бобилнинг милоддан аввалги 1792-1750 йиллардаги ҳуқимдори Шох Хаммурапининг адолатли қонунлар ва кейинчалик мажмуи, ундан ҳам қадимроқ милоддан аввалги 2111-2094 йиллардаги Ур-номунинг қонунлари, турк ҳоқонларининг “Қонунномаси”, Рим қонунлари, Чингизхоннинг “Ясоқлари”, буюк жаҳонгир Амир Темурнинг тузукларини ва бошқа кўплаб манбаларни келтириш мумкинки, улар ўз даврида мамлакатни идора қилишда, ҳарбий юришлар ўтказишда жуда муҳим аҳамият касб этган. Даврлар, замонлар ўзгариши билан жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бу қонунлар ҳам такомиллашиб, ривожланиб борган.

Тил эса ахборотни етказувчи, фикр алмашишни таъминловчи энг муҳим воситадир. “Тил - маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун авлодлар (олдинги авлодлар) томонидан тайёр ҳолга келтириб қўйилган, ҳамма учун умумий, яъни қабул қилиниши ва қўлланиши мажбурий, фикрни шакллантириш, ифодалаш ва бошқа мақсадлар учун хизмат этадиган бирликлар ҳамда бу бирликларнинг ўзаро

бирикишини ва боғланишини белгиловчи қонун-қоидалар йиғиндисидир”.³

Тил ғоя, туйғу, тафаккурни (шу жумладан, ҳуқуқий нормаларни ҳам) жонли тарзда намоён этади. У инсониятга бугуни, ўтмиши, келажаги билан ахборот алмашиш, инсоният томонидан тўпланган маънавий бойликларни сақлаш имконини беради.

Умуман, тил ва ҳуқуқ инсониятнинг энг қадимий ижтимоий ҳодисаларидан биридир. Инсоннинг пайдо бўлиши билан бирга унда алоқа алмашуви эҳтиёжи пайдо бўлди. Кейинчалик эса жамият қарор топиши билан ҳуқуқ вужудга келди. Шунга кўра тил ҳуқуққа нисбатан анча қадимийдир.

Тил инсонга ахборот алмашиш (коммуникатив) имконини берса, ҳуқуқ ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини белгилаб беради, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ўзаро бошқариб боради.

Ҳуқуқ ва тил ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ниҳоятда мураккабдир. Чунки улар, бир томондан, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлса, иккинчи жиҳатдан эса, улар бошқа-бошқа нисбатан мустақил соҳаларга тегишли бўлганлиги боис, ўзаро фарқли жиҳатлари мавжуд. Лекин шундай бўлса-да, кўпчилик ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар бу муносабатларни аниқлашга ҳаракат қилганлар.

XX асрнинг бошидаёқ ҳуқуқшунос Е.В. Васьковский ҳуқуқ ва тил, улар ўртасидаги муносабат масалаларига тўхталиб ўтиб шундай ёзади: “Ҳуқуқ ўзининг билиш (ҳуқуқни оммалаштириш - Ш.К.) вазифасини бажараётганида тил ҳуқуқий норманинг белгиси сифатида эмас ҳамда қонун чиқарувчининг амрини ифода этиш воситаси ҳам ҳисобланмасдан, балки инсонлар томонидан бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий норма ҳақидаги фикрнинг белгиси сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий норманинг ўзи эса қонун чиқарувчининг сўзлар ёрдамида ифодаланган фикрини акс эттиради”.⁴

Ҳуқуқшунос олим П. Верховский эса ҳуқуқий билимларни омма ўртасида ёйишда тилнинг вазифаси ҳақида “Тил давлат органлари билан фуқаро ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади.” - деб ёзади.⁵

1960-70 йилларда ҳуқуқшунос олим А.А. Ушаков ҳуқуқ ва тил, улар ўртасидаги муносабат масалаларини янада мукаммал ўрганишга ҳаракат қилиб, 1967 йилда “Совет қонунчилик услубиятидан очерклар”

³ *Неъматов Ҳ., Бозоров О.* Тил ва нутқ. – Т., 1993. – 8-б.

⁴ *Васьковский Е.В.* Учение о толковании и применении гражданских законов. – Одесса, 1901. – 21 с.

⁵ *Верховский П.* Письменная деловая речь. – М., 1931. – 58 с.

номли монографиясини нашр этди⁶, сўнгра 1970 йилда “Хуқуқда шакл ва мазмун ва совет ҳуқуқий ижодкорлиги” мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.⁷

А.А. Ушаков ҳуқуқ ва тил ўртасидаги алоқанинг мураккаблиги ҳақида шундай ёзади: “Тилнинг ҳуқуқ билан алоқадорлигини белгилаётиб, биз бир масалага – тил ривожига жамиятнинг таъсири каби умумий масалага дуч келамиз. Ҳуқуқнинг тил билан муносабатини аниқлаётганда эса тилнинг жамият ривожига таъсири масаласига рўпара келамиз. Лекин тил ва ҳуқуқ таъсирининг учинчи жиҳати ҳам мавжуд. Тил ва ҳуқуқни жиддий ўрганиш шуни кўрсатдики, тил ўзининг асосий вазифаси билан бирга кишиларнинг хулқ-атворини бошқариш вазифасини маълум маънода бажаради, яъни тил ижтимоий муносабатларни бошқаради. Маълумки, ҳуқуқ ҳам, айнан, худди шу вазифани бажаради”.⁸

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқ ва тилнинг ижтимоий ҳаётдаги вазифалари ҳақида гап кетганда, уларнинг инсонларнинг хатти-ҳаракатини бошқаришдек, айнан, бир хил вазифани бажаришини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлиши билан бирга, маълум маънода инсонларнинг хатти-ҳаракатини бошқариш вазифасини бажаради. Бу ҳақда машҳур немис олими Вильгелм Гумбольдт (1767-1835) жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларда тилнинг ўрнини белгилаётиб шундай ёзади: “Тил индивид (шахс)нинг ўз-ўзини билиш, англаш ва маълум маънода бошқариш воситаси ҳисобланади”.⁹ Ҳақиқатан ҳам тил натижасида инсонлар тафаккур юритиб, ўз хатти-ҳаракатларини бошқарадилар.

Бу ўринда ҳуқуқнинг ҳам асосий вазифаси жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга инсонларнинг хатти-ҳаракатини бошқариш эканлигини эслаш жоиз. Кўринадики, тил ва ҳуқуқ жамиятда вазифалари жиҳатидан маълум бир ўхшашликларга эга. Шунинг учун ҳуқуқ фанининг ривожига билан бирга юридик тил ҳам такомиллаштирилиб борилиши, ҳуқуқий нормаларнинг халққа тушунарли бўлиши учун янги ифода воситалари яратилиши, юридик терминлар ҳам вақти билан сараги саракка, пучаги пучакка ажратилиши, эскириб иш бермаётган ва ҳуқуқнинг ривожига тўсқинлик қилаётган сўз ва сўз бирикмалари ҳуқуқ тилидан

⁶ Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. – Пермь, 1967.

⁷ Ушаков А.А. Содержание и форма в праве и советское правотворчество: Автреф... докт. юрид. наук. – Свердловск, 1970.

⁸ Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. – Пермь, 1967. – 20 с.

⁹ Кондрашов Н.А. История лингвистических учений. – М.: Просвещение, 1979. – 51 с.

чиқарилиши керак. Ҳуқуқнинг ривожидан билан ҳуқуқ тили ҳам қадам-бақадам такомиллаштирилиб борилиши зарур.

2. ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖИДА ТИЛНИНГ ЎРНИ

Жамият тараққиётида ҳуқуқ ва тилнинг ўзаро вазифалари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш билан бирга тилнинг ҳуқуққа нисбатан ўрнини аниқ белгилаш ниҳоятда муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан, қадим-қадимдан, ҳуқуқшуносларни ҳуқуқий нормаларни фуқароларга етказишнинг ягона воситаси сўзми, уни бошқа илмий ёки амалий воситалар билан ифодалашнинг имкони йўқми, деган масала қизиқтириб келган. Бу саволга ҳуқуқшунос олим Ф. Лассаль, ҳуқуқни сўз билан ифодаламаслик ғайритабиий, лекин айрим ҳолларда уни қандайдир символик белгилар (йўл белгилари каби) билан ҳам кишилар онгига етказиш мумкин, деб жавоб беради.¹⁰

Бу фикрга қарши ҳуқуқшунослар бундай символик белгилар - жадвал, расм, мусиқа билан ҳуқуқий таълимотларни эмас, балки ҳуқуқий муносабатларнигина йўлга қўйиш мумкин деб ҳисоблайдилар.¹¹

Ҳақиқатан ҳам бу фикр жуда тўғри, бундай воситалар ёрдамида ҳуқуқий таълимотларни ифодалаб бўлмайди ва ифодалаш мумкин ҳам эмас. Бу воситалар фақатгина айрим ҳуқуқий ахборотни етказиш вазифасинигина бажаради. Эрамиздан аввалги V асрда машҳур қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг кўрсатишича, эрон шоҳи Дороскифлар мамлакатига юриш қилганда, скифлар шоҳи унга қуш, сичқон, қурбақа, бешта камон ўқи ва бошқа қимматбаҳо буюмлардан иборат совға-салом билан элчи юборади. Форсларнинг ўзлари бу совғанинг маъносини тушуниб олишлари керак бўлади. Буни Доронинг аъёнларидан бўлган Қубро: “Агар сиз, форслар, қуш каби осмонга учиб кетмасангиз, сичқонлардай ер остига бекинмасангиз ёки қурбақадек ботқоқликдан ўтиб кетмасангиз, ана шу ўқлардан ҳалок бўлиб, орқага қайта олмайсиз”, деб изоҳлайди.¹²

Кўринадики, айрим предметлар, символик белгилар ҳам ҳуқуқий ахборотни етказиш воситаси бўлиши мумкин, лекин шундай бўлса-да, улар ҳеч қачон тилнинг ўрнини боса олмайди. Тил – инсониятнинг борлиғи, ўтмиши, келажаги. Тилсиз фуқаролик жамияти бўлиши мумкин эмас, шу жумладан, ҳуқуқ ҳам.

Юқорида келтирилганидек, тилсиз символик белгилар орқали ҳуқуқий нормаларни фуқароларга етказиш мумкин деб ҳисоблашнинг

¹⁰ Лассаль Ф. Система приобретённых прав. Соч., т. III. – СПб, 1908. – 381 с.

¹¹ Ушаков А.А. Кўрсатилган манба. – 79-б.

¹² Маҳмудов Н.М. Тил ва ёзув. – Т.: Ўзбекистон, 1987. – 6-б.

ўзи мантиқан тўғри эмас. Майли, шу ҳуқуқий нормалар тилсиз турли воситалар ёрдамида етказилсин ҳам. Мушоҳада қилиб кўрилса, шу воситани етказувчи ҳам, уни қабул қилувчи ҳам тил воситасида фикр юритиб, маълум бир хулосалар чиқарадими?

Демак, айтиш мумкинми, тилсиз ҳеч қачон ҳуқуқий нормаларни фуқароларга етказиб бўлмайди. Тил бу ҳуқуқнинг “яшаш” шартидир. “Айнан мана шу тил, - деб ёзишади “ ”Юридик тил ” китобининг муаллифлари, - ҳуқуқий кўрсатмаларнинг мазмуни ҳақидаги ахборотни етказувчи ягона восита ҳисобланади. Ҳозирги замондаги ривожланган мамлакатларда ҳуқуқий нормалар бошқача шаклда “мавжуд” бўла олмайди. Тил ёрдамида қонун чиқарувчининг фикри шакллантирилади, расмийлаштирилади, қўллаш учун яроқли бўлади”¹³.

Ҳуқуқшунос олим В.М. Савицкий эса “Процессуал қонунлар тили” номли рисоласида ҳуқуқ ва тил масалаларига тўхталиб шундай ёзади: “Қонунда ифода этилган ҳуқуқий нормалар тил воситасида фуқаролар онгига етказилади. У тил орқалигина ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга киришади. Ҳуқуқий нормалар тилсиз яшай олмайди, табиийки, буни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин”.¹⁴

Умуман, юридик адабиётларда ҳуқуқнинг ривожидида тилнинг ўрни беқиёслиги таъкидланса-да, ҳуқуқнинг ривожидида тилнинг қандай муайян вазифаларни бажариши аниқ ва тўла кўрсатилмаган. Бу масалаларга бағишлаб ёзилган юридик адабиётларда шундай ёзилади: “Тил ҳуқуққа нисбатан ўзаро алоқада бўлган икки муҳим вазифаларни бажаради. Биринчиси, тил – ҳуқуқшуноснинг тафаккур юритиш қуроли; иккинчиси, ҳуқуқшуноснинг амрини ижтимоий муносабат қатнашчиларига етказади”.¹⁵

Ҳуқуқнинг ривожидида тилнинг вазифаларига берилган бу таъриф ҳам, бизнинг назаримизда, масаланинг моҳиятини тўлалигича қамраб ололмайди. Чунки юқоридаги таъриф ҳуқуқнинг бутун мазмуни ва моҳияти нуқтаи назаридан эмас, балки кўпроқ қонунчилик нуқтаи назаридан берилган. Шунга кўра ҳуқуқнинг ривожидида тилнинг бошқа вазифалари ҳам борки, бу муаллифларнинг диққат назаридан четда қолган.

Бизнинг фикримизча, тил ҳуқуқнинг ривожланишида қуйидаги асосий бешта вазифани бажаради:

- ҳуқуқий билимларни авлодлардан-авлодларга етказиш;
- ҳуқуқшунослар ўртасида ўзаро фикр алмашиш воситаси;

¹³ Язык закона. – М.: Юридик. литература, 1990. – 7 с.

¹⁴ Савицкий В.М. Язык процессуального закона (вопросы терминологии). – М.: Наука, 1987. – 3 с.

¹⁵ Ушаков А.А. Содержание и форма в праве и советское правотворчество: Автреф... докт. юридич. наук. – Свердловск, 1970. – 33 с.; Язык закона. – М.: Юридик. литература, 1990. – 8 с.

- ҳуқуқий тафаккур юритиш воситаси:
- қонун чиқарувчининг иродасини ифодалайди;
- ҳуқуқий нормаларни фуқароларга етказди.

Маълумки, ҳар қандай таълимотлар фан даражасида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У кекса авлод томонидан яратилиб, кейинги авлодга қолдирилади. Бу авлод уни ҳам ривожлантириб, такомиллаштириб келажак сари йўллайди. Шу тариқа ҳар бир фан ривожланиб, мукаммаллашиб, юксалиб боради. Хусусан, ҳуқуқий билимлар ҳам, таълимотлар ҳам шу тариқа йўлни босиб ўтади. қадимда яратилган бой ҳуқуқий манбалар кейинги шу соҳа вакиллари учун бебаҳо манба, пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бу жараённинг ҳаммаси тил воситасида амалга оширилади.

Бунда, айниқса, ёзув муҳим вазифани бажарди. “Тилнинг асосий функцияларидан бўлган эстетик ва гносеологик (дунёни билиш) функцияларини ёзувсиз тасаввур қилиш қийин. Кишилиқ жамияти яратган улкан билимлар (шу жумладан, ҳуқуқий билимлар - К.Ш.), бой тажрибалар, инсон закони яратган нодир (ҳуқуқий - К.Ш.) кашфиётлар, инсониятнинг олис, лекин ойдин бадиий бўлган сўз санъати дурдоналари, шу каби қимматли ахборотларнинг барча-барчаси авлодлардан-авлодларга, халқлардан-халқларга, китъалардан-китъаларга бевосита ёзув туфайли етиб боради. Бой ва улкан ўтмиш маданиятимиз, тинимсиз тарихимиз ҳақидаги бугунги устувор тасаввурларимизнинг мавжудлиги, тириклиги фақат ва фақат ёзув туфайлидир”.¹⁶

Дарҳақиқат, тил (ёзув) бўлмаганида бугунги кунда бутун инсониятнинг бой маънавий мулки ҳисобланган буюк ҳуқуқий таълимотлар ҳақида маълумотга эга бўлмаган бўлар эдик. Жаҳон ҳуқуқий таълимоти бу даражада юқори чўққига кўтарилмаган, ҳуқуқий кашфиётлар ер юзини ларзага солмаган бўлур эди. Шунга кўра тил ҳуқуқ илми ривожланишининг энг муҳим элементиدير.

Ҳар қандай фан ўзаро баҳс ва мунозаларда, фикр алмашиш натижасида ривож топади. Мутахассис шу соҳанинг бошқа фозилу фузалолари билан фикр алмашади, шу жумладан, ҳуқуқшунос ҳам бирор ҳуқуқий жараёнга ўз муносабатини билдиради. Шу ҳуқуқий ходисанинг ижобий ва салбий томонларини баён этади. Маълум бир меъёрларга амал қилган ҳолда хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма тарзда бўлсин суҳбатдоши билан ўзаро мулоқотга, баҳсга киришади, ўз нуқтаи назарини билдиради, ўз навбатида, муҳолифининг ҳам ушбу ҳуқуқий ходисага нисбатан фикрларини тинглайди ва баҳс шу тариқа давом этаверади. Бунда

¹⁶ Маҳмудов Н.М. Тил ва ёзув. – Т.:Ўзбекистон, 1987. – 4-б.

ҳуқуқшунос баҳсга киришар экан, ўз она тилининг нозик товланишларини чуқур ҳис этиб, нутқ маданияти қоидаларига риоя қилиб, фикрларини муҳолифи ва шу ерда ўтирган мутахассислар тушунадиган даражада аниқ ва раво курси, нутқидаги юридик термин ва ибораларни ўз ўрнида ишлатса ва шу воситалар орқали муҳолифига ўзининг ҳақлигини исбот эта олса, бу ҳуқуқий билимлар ривожига эмасми?

Ёки бўлмаса, бир тўда оломон айрим сабабларга кўра ғалаён кўтаряпти, дейлик. Мамлакатда ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, асосан, ҳуқуқшуносларнинг зиммасига тушади. Шунга кўра масъул (ҳуқуқшунос) шахс оломонга қарата нутқ сўзлаб, нотиклик санъати асосида ўткир мулоҳаза билан тегишли муассаса билан бу гуруҳ ўртасидаги муаммоларни ҳал этса, бу сўзнинг ҳуқуқий тартиботни, адолатни таъминлашдаги ўрни эмасми? Ваҳоланки, бу ғалаён қурол кучи билан бостирилиши, натижада қурбонлар ҳам бўлиши, гуруҳлар ўртасидаги низо яна ҳам чуқурлашиши, ғалаён янада авж олиши оқибатида жамият ривожига қанчадан-қанча зиён етарди, ўнлаб, минглаб вайронагарчиликларга олиб келар эди. Шундай экан, ҳуқуқнинг ривожига тилнинг энг муҳим вазифаларидан бири - ҳуқуқшунос мутахассисларнинг ўзаро ва бошқа фуқаролар билан фикр алмашиш воситаси эканлигидир.

Маълумки, тил ва тафаккур бир-биридан ажралмайдиган, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Тафаккур тил орқали амалга оширилади, ўз навбатида, тил тафаккурсиз бўлиши мумкин эмас. Тил тафаккурни акс эттиради, тафаккур эса ҳеч қандай монеликсиз тилда ифодаланади.¹⁷ Шунга кўра ҳуқуқий тафаккур юритишнинг қуроли ҳам сўздир. Ҳуқуқшунос ҳуқуқий муаммолар устида фикр юритар экан, у тилдаги сўзлар, хусусан, юридик терминлар асосида тафаккур қилади, мушоҳада юритади, қатъий бир қарорга келади, хулосалар ишлаб чиқади. Ҳуқуқнинг янги-янги қирраларини, ўзига хос жиҳатларини кашф этади, ўзидан олдин мавжуд бўлган баъзи ҳуқуқий таълимотларни инкор этади, буни ўз мулоҳазалари асосида исботлайди, айримларини ривожлантиради, ҳуқуқий нормаларнинг амалиётдаги ўрни, вазифаларини, қандай натижа ва самаралар беришини олдиндан чамалайди. Жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳуқуқий муаммоларни адолатли ҳал этиш йўлларини қидиради, изланади, ўйланади, ҳуқуқ илмининг келажакдаги мақсад ва вазифаларини белгилайди. Бундай тафаккур юритиш жараёнида ҳуқуқшуноснинг тафаккури (ўзи англамаган ва сезмаган ҳолда) сўзлар орқали амалга ошади. Бундай сўзлар ҳуқуқий тафаккурнинг ифодачиси сифатида намоён

¹⁷ *Колшанский Г.В* Логика и структура языка. – М., 1965. – 21 с.

бўлади. Тилнинг бу хусусияти ҳуқуқнинг ривожига муҳим асос вазифасини бажаради.

Тилнинг ҳуқуққа нисбатан энг муҳим ва асосий вазифаларидан бири - қонун чиқарувчининг иродасини ифодалашдир. Қонуншунос халқ орзу интилишларини тил ёрдамида умумлаштириб, яратилажак қонун лойиҳасини ҳуқуқий нормаларнинг моҳият ва мазмунига кўра бўлиб, боб ва моддаларга ажратади. Қайси бўлим ёки бобда қандай ҳуқуқий норма ёритилишини чамалаб кўради. Шундан сўнг, маълум бир лисоний бирликлар асосида ҳуқуқий нормаларни ифодалашга киришади. Бу ўринда қонуншунос тилнинг ёзма шакли асосида иш кўради. Бу эса унга ифодаланувчи ҳуқуқий нормаларни адабий тил қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда, маълум бир талаблар асосида мантиқий жиҳатдан изчил, яхлит ҳолатда ишлаб чиқиш имконини беради.

Қонуншуноснинг фаолияти, деб ёзади А.А.Ушаков, - сўз билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳуқуқнинг ривожи тилнинг тараққиёт даражасидан келиб чиқади.¹⁸

Бу фикрни кўпгина ҳуқуқшунос олимлар ҳам тасдиқлаб: “Қонунчиликнинг такомилли, аниқ ва тушунарли бўлиши у ёзилган тилнинг ривожига маълум маънода боғлиқдир. Агар қонун ёзилган тил илмий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаган, луғат захираси камбағал бўлса, бу тилда аниқ ва тушунарли қонун яратиш анча қийиндир. Ва, аксинча, қонун ёзилувчи тил қанчалик бой ва такомиллашган бўлса, қонуншуноснинг ўз фикрини унда аниқ ифодалаш, тайёрланаётган қонун лойиҳасининг мазмун ва шакл жиҳатидан юқори сифатга эришиши шунчалик осондир”, - деб ёзишади.¹⁹

Тил ҳуқуқий кўрсатмаларнинг мазмуни ҳақидаги ахборотни фуқароларга етказувчи асосий восита эканлиги билан ҳам ҳуқуққа нисбатан муҳим вазифани бажаради. Кишилар бу ҳуқуқий нормаларга кўра фаолият юритадилар. Бунда тил, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, юридик тил давлат ва фуқароларни бир-бирига боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Содда қилиб айтганда, юридик тил фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ҳамда юриш-туришларини қонуний асосда юритишлари учун давлат ва фуқаролар ўртасида “кўприк” вазифасини ўтайди. Ҳар бир тил лексикасидаги сўзлар эса қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Бу қурилиш материалдан мустаҳкам, талабга тўла жавоб берадиган ёки, аксинча, фуқаролар учун қулай бўлмаган омонатгина “кўприк” ҳам қуриш мумкин. Кўприкнинг мустаҳкам

¹⁸ Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. – 78 с.

¹⁹ Язык закона. – 8 с.

бўлиши, биринчи навбатда, қурилиш материалига, шунингдек, устанинг ўз касбини қанчалик ўзлаштирганига, унинг малака ва маҳоратига боғлиқ. Юридик тилни ҳам худди шу кўприкка қиёслаш мумкин. Қонуннинг қанчалик талабга жавоб бериши, аниқ, пухта, равон, мукамал ишлаб чиқилиши, амалиётда қўллаш учун қулай бўлиши шу тилнинг бой имкониятларига ва қонун тузувчи шахснинг малакасига, шу соҳани қанчалик ўзлаштирганлигига, юридик тилнинг ўзига хос жиҳатларини теран ҳис қилишига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий нормаларнинг амалиётда қанчалик натижалар бериши қонуннинг сифатига, унинг тил ва услуб жиҳатидан мукамал тузилишига чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, кўра қонун ва тил ўртасидаги алоқа, юридик тил, у қандай бўлиши керак, унинг мақсади, вазифалари ва тарихи каби масалаларни ўрганиш ҳар бир давлат фаолиятида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан муҳим ўрин тутади.

Демак, тил ҳуқуқнинг ривожиди: биринчидан, ҳуқуқий билимларни авлодлардан-авлодларга етказиш; иккинчидан, ҳуқуқшунослар ўртасида ўзаро фикр алмашиш воситаси; учинчидан, ҳуқуқий тафаккур юритиш воситаси; тўртинчидан, қонун чиқарувчининг иродасини ифодалаш; бешинчидан, ҳуқуқий нормаларни фуқароларга етказиш вазифаларини бажаради.

3. ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲУҚУҚНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳуқуқнинг ривожиди тил қанчалик муҳим вазифаларни бажарса, тилнинг ривожиди ҳуқуқ ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг назаримизда, ҳуқуқнинг тил ривожидидаги энг муҳим ва асосий вазифаларидан бири - тилнинг такомиллашуви, камол топиши, жамиятда тўла-тўқис қўлланиши учун тилнинг ҳуқуқий мақомини белгилашидир.

Бинобарин, тил - ижтимоий ҳодиса. Унинг тараққиёт ва камоли шу тилда гаплашувчи халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Халқнинг орзу-умидлари, қадриятлари қадр топса, унинг тили ҳам камол топади, бойиб боради. Шунга кўра ҳар бир халқнинг ўз тарихий тараққиётидаги энг ноёб ва мукамал бойлиги, санъати бу унинг тилидир. Ҳар жиҳатдан тараққий этган тилда шу халқнинг бутун Ватани гавдаланади. Шу сабабдан тил - халқнинг тақдири, руҳияти, яшаш тарзи ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир халқ ўз она тилининг тараққий этиши учун ғамхўрлик қилади, ўз тилининг ривожланиш асосларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга интилади.

Ҳозирги пайтда ер юзидида уч мингга яқин тил мавжуд бўлиб, уларни ҳуқуқий мақомига кўра уч турга бўлиш мумкин:

- 1) халқаро тил мақомига эга бўлган тиллар;

2) бир мамлакатнинг давлат тили мақомига эга бўлган тиллар;

3) давлат тили мақомига эга бўлмаган тиллар.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан инглиз, француз, рус, испан, араб ва хитой тиллари халқаро тил сифатида эътироф этилган бўлиб, халқаро муносабатлар асосан шу тилларда олиб борилади.

Бир мамлакатнинг давлат тили мақомига олган тилларга: инглиз тили (АҚШ, Буюк Британия, Канада каби давлатларда); немис тили (Германия, Австрия каби давлатларда); француз тили (Францияда); италян тили (Италияда); рус тили (Россияда); испан тили (Испанияда); голланд тили (Голландияда); япон тили (Японияда); хитой тили (Хитойда); корейс тили (Жанубий ва Шимолий Корея давлатларида); ҳинд тили (Ҳиндистонда); араб тили (Араб мамлакатларида); урду тили (Покистонда); турк тили (Туркияда) каби тилларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Бундай тилларнинг ҳуқуқий мақоми шу мамлакатларда мустаҳкамланган бўлиб, давлатнинг бутун фаолияти шу тилда олиб борилади ва, ўз навбатида, давлат бу тилларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни таъминлайди. Бу ҳуқуқнинг тил ривожига энг муҳим бирламчи вазифасидир.

Ҳар бир тилнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла-тўқис қарор топмас экан, шу миллат тилининг ижтимоий ривожланиши таназулга юз тутари, унинг таракқиёт босқичида маълум бир қийинчиликлар пайдо бўлади. Буни собиқ СССР даврида миллий тиллар мисолида кўриш мумкин.

Таассуфлар бўлсинки, узоқ йиллар давомида собиқ иттифоқда нафақат халқимиз, балки она тилимиз - ўзбек тилининг ҳам қонуний ҳуқуқлари поймол этиб келинди. Маълум бир сунъий шарт-шароитлар таъсирида ўзбек тилининг мавқеи аянчли бир ҳолга келиб қолди.

Бу йилларда ўзбек тилининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўша йиллардаги қабул қилинган барча Конституция ва қонуний ҳужжатларда ўзбек тили номигагина рус тили билан тенглаштирилди ва тенг ҳуқуқлар берилди. Ҳатто, октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларида, яъни 1918 йил Туркистон ўлкасининг асосий қонунида давлат тили сифатида икки тил: туркий ва рус тиллари қайд этилган эди. Ваҳоланки, ўша вақтлар аҳоли рўйхатида кўра Туркистонда ўзбеклар 37%, қирғизлар 35%, тожиклар 17%, руслар 7% ни ташкил қиларди. Асосий қонунда ўзбек тили эмас, балки аҳолининг энг кам фоизи гаплашадиган рус тили давлат тили сифатида қабул қилиниши таажжубланарлидир. Давлат тепасидагилар ва давлат идорасидагиларнинг аксарияти руслар эди. Шундай бўлганидан кейин

давлат тили ўз-ўзидан фақат рус тили бўлиб қолди. Ўзбек тили идоравий иш юритувчи тил сифатида четга сурилган.²⁰

Айниқса, 1930 йиллардан бошлаб Сталиннинг “барча тилларнинг бирлашиши”, яъни собиқ иттифоқдаги барча миллий тилларни “рус тили ютиб юбориши” тўғрисидаги “таълимоти” дан кейин миллий тилларнинг аҳволи ниҳоятда аянчли кечди. Рус тилидан ўйламай-нетмай кўплаб терминлар ўзлаштирила бошланди. Ваҳоланки, шу терминларнинг соф ўзбекча варианты мавжуд эди. Шу йўл барча тилларни рус тили томонидан ассимиляция этиш йўли деб тушунилди. Ўзбек тили давлат тили сифатида сунъий равишда қўлланилмади. Унинг луғат таркиби фақат рус тили ҳисобига бойиб, тилда ўзбекча миллий руҳ камайиб борди.

Маълумки, тил - миллатнинг энг муҳим ва рамзий белгисидир, тил бўлмаса, миллат ҳам бўлмайди. Дарҳақиқат, миллат ўз миллий давлатчилигига эга. Бу эса унга ўзининг энг олий қадриятларидан бири сифатида миллий тилга, унинг тараққиётига конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан ғамхўрлик қилиш ҳуқуқини беради. Бу қонуний ҳолатдир.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилининг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Унинг ривожини учун кенг йўл очилди. Айниқса, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзбек тилининг давлат тили эканлиги ҳақида махсус модданинг киритилиши, ўзбек тилининг Республикамиз ҳудудида тўла қўлланиши ва тараққиёти учун айни муддао бўлди.

Кўринадики, ҳуқуқ тил тараққиётида энг муҳим ўрин тутди, унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиб, такомилни учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажаради.

Ҳуқуқнинг тил ривожига муҳим вазифаларидан яна бири - ҳуқуққа бошқа тиллардан терминлар кириб келиши ёки ички имкониятлар асосида янги юридик терминнинг ясалиши натижасида тил бойиб боради.

Маълумки, ҳуқуқ ўзининг узоқ тарихига эга. Ҳуқуқ - табиий-тарихий ҳодисадир. У инсоннинг табиати ва ижтимоий эҳтиёжи асосида пайдо бўлиб тараққий этиб боради. Унинг ривожини давр, жамиятнинг ижтимоий сиёсий воқеалари билан чамбарчас боғлиқ. Вақт ўтган сайин у бойиб, юксалиб боради. Унга янги-янги ҳуқуқий таълимотлар кириб келади. Бу тушунчалар билан бирга янги-янги сўз ва терминларни ҳам тилга олиб киради. Жумладан, мамлакатимиз мустақилликка эришиши муносабати билан ҳуқуқда том маънодаги

²⁰ Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Т., 1992. – 8-б.

юксалиш юз бериб маъмурий-худудий тузилма, суднинг сайёр мажлиси, одил судлов, эҳтимолий ҳуқуқ, фармойиш мажлиси, обуначи, муаллифлик ҳуқуқи, гумон қилинувчи, қилмиш, қонун устунлиги, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, вазир, вазирлик, ҳокимлик, давлат маслаҳатчиси, давлат котиби, ички ишлар идоралари, ҳуқуқий тартибот, миллий-ҳуқуқий тизим, миллий-ҳуқуқий қонунчилик, ўзбек давлатчилиги, омбудсман каби юридик терминлар тилимизга кириб келиб тил ривожига, бойлигига маълум маънода ҳисса қўшди.

Бундан ташқари, ҳуқуқ бошқа соҳаларга нисбатан ижтимоий ҳаётда анча оммалашган. Инсон бошқа соҳаларга (химия, астрономия, физика кабиларга) маълум бир вақтдагина мурожаат этади, у шу соҳа тилида ўша вақтнинг ўзидагина гаплашади ва бу тил ушбу ходимлар учунгина кундалик фаолият касб этади. Шунга кўра бу соҳаларда қилинган кашфиёт ва яратилган таълимотлар натижасида кириб келган янги сўз ва иборалар, деяри, шу соҳа таркибидагина қўлланиб, халқнинг орасида юридик терминларчалик оммалашиб кетмайди. Шу нуқтаи назардан бошқа соҳаларга нисбатан ҳуқуқ тил ривожига асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тил ривожига икки энг муҳим вазифани: биринчидан, тил ривожига учун ҳуқуқий пойдевор, иккинчидан, тил луғат бойлигининг бойиш манбаларидан бири вазифаларини бажаради.

II БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА УНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

2.1. ЮРИДИК ТИЛНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Ҳуқуқ ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотларнинг пайдо бўлиши билан бирга юридик тил ҳақидаги фикрлар ҳам юзага келган. Антик даврдаёқ айрим олимлар юридик тил ҳақида маълумот берганлар. Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобийнинг “Талхису навомиси Афлотун” (Афлотун қонунлари моҳияти) номли асарида қонунларнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида Платон томонидан ёзилган асарга батафсил шарҳ берилади. Бу асарда таъкидланишича, Платон қонунларнинг тили масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, бу ҳақда шундай ёзади: “Соҳиби қонуннинг ҳар бир гуруҳ одамларга мурожаати тушунарли бўлиши лозим. Бунинг учун қонун чиқарувчи одамларнинг идрок этиш имкониятларини ҳисобга олиши керак, токи одамлар уни тушунсинлар. Чунки одамларга бирор нарсани тушуниш ва амалда қўллаш қийин бўлиши мумкин. Тушунмовчилик бундай соҳиби қонундан воз кечишга туртки ва ағдариб ташлашга сабаб бўлиши мумкин”.²¹ Шунингдек, Аристотель ҳам ўз асарларида юридик тил, унинг ўзига хос табиати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган.²²

Эрамининг I-III асрларида эса юридик тилнинг юксак намунасини Рим хусусий ҳуқуқида кўриш мумкин. Бу даврда Рим ҳуқуқшунослари ҳуқуқий билимларни ривожлантириш билан бирга юридик тил, унинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги ҳам мукамал маълумотга эга бўлганлар.²³ Улар қонунларни аниқ ва қисқа, қонун тузиш талабларига тўла риоя қилган ҳолда тузганлар, ҳуқуқий нормаларни равшан, тиниқ, тушунарли бўлишига асосий эътиборни қаратганлар. Шунинг учун ҳам бу хусусиятлар Рим қонунчилигининг устун томони ҳисобланади.²⁴ Бу қонунлар ҳали ҳалигача ўзининг пухта ва пишиқлиги билан бутун инсониятга завқ-шавқ бағишлаб келяпти, қонунчиликнинг энг юксак намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам кўплаб буюк даҳолар, саркарда ва подшолар ўз қонунлари ва кодексларига Рим қонунчилиги услубини асос қилиб олганлар ва ўз қонун тузувчиларидан Рим қонун тузиш услубиятини ўрганишни, унинг энг муҳим зарур жиҳатларини англашни талаб

²¹ *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – 24-б.

²² *Античные теории языка и стиля*. – М., 1936. – 188 с.

²³ *Люблинский П.И.* Техника, толкование и казуистика уголовного кодекса. – П., 1917. – 9 с.

²⁴ *Римское частное право*. – М., 1949.; *Всеобщая история государства и права*. I ч. Древний мир. Вып. II. Древний Рим. – М., 1949.

этганлар. Жумладан, Петр I ўз қонунларига, Наполеон ўз кодексига Рим қонунчилиқ техникасини ижодий ўзлаштириб, қонунларини шу давр нуқтаи назаридан мукамал тузишга эришганлар. Наполеон ўз кодексининг аниқ ва равшан, ҳар жиҳатдан пухта ва пишиқлиги билан фахрланар эди²⁵.

Айниқса, XVII-XVIII асрларга келиб юридик тил олимлар томонидан жуда чуқур ўрганилган. Шу даврларда юзага келган янги буржуазия синфи давлат миқёсида ислоҳотлар қилишни талаб қилган. Улар ислоҳотларни бошлашни кўпроқ ҳуқуқий тизимга - қонунларга, юридик тилнинг аниқ ва тушунарли бўлишига боғлашган. Қонунлар аниқ ёзилсагина, уларни ҳар хил талқин этишга йўл қўйилмайди, деб ҳисоблаганлар.²⁶

Юридик тил ҳақида XVII асрнинг буюк француз файласуф олими Шарль Луи Монтескье “Қонун руҳи” номли асарини ёзган. Унда юридик тил, унинг мазмун ва моҳияти тўғрисида шундай дейилади: “Юридик тил барча фуқароларга бир хил тушунча бериши лозим, унда тушунарсиз жумлаларга ҳеч қачон йўл қўймаслик зарур. Қонунчилиқ услуги ўзининг қисқа ва аниқлиги билан ажралиб туриши керак”.²⁷ Шунингдек, Ш.Монтескье давлат органларини, маъмуриятни, ижтимоий жамоатчиликни қонунларни ҳамма тушунадиган тилда ёзилиши кераклиги ҳақида бир неча марта огоҳлантирди.

Ш.Монтескьенинг бу асаридан руҳланган ҳолда инглиз ҳуқуқшунос олими И.Бентам “Номографии” номли рисоласини яратди. У ўз асарида юридик тилга қўйиладиган талабаларни ишлаб чиққан бўлиб, қонуннинг фуқаролар тушунадиган тилда яратилишини ягона талаб деб билган, қонунни амалиётда қўллаш учун қулай бўлишини юридик тил билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблаган.²⁸

Бу давр етук ҳуқуқшуноси А.Штосс эса қонун чиқарувчи фикрини қанчалик содда қурса, матн шунча тушунарли ва аниқ бўлади, деб таъкидлайди.²⁹ “Олий мақсадлар учун, - дейди ҳуқуқшунос А.Вах, - қонунларни шундай таҳрир этиш лозимки, натижада улар ниҳоятда содда ва ҳамма учун тушунарли бўлсин”.³⁰

Айниқса, XIX аср немис ҳуқуқшуноси Р.Иеринг қонунчилиқ техникаси, юридик тил масалаларига алоҳида аҳамият берди. У ўз асарларида: “Ҳуқуқшунос бўлмаган фуқароларга ҳуқуқий

²⁵ Жени Ф. Революция права // 1929. – № 2. – 14 с.

²⁶ Люблинский П.И. Техника толкования и казуистика уголовного кодекса. – 9 с.

²⁷ Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – 651 с.

²⁸ Люблинский П.И. Кўрсатилган манба. – 37-б.

²⁹ Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. – 6 с.

³⁰ Ўша жойда. – 6-б.

билимларнинг тушунарли бўлиши учун ҳуқуқнинг халққа сингиб кетган ифода воситаларидан кенг фойдаланиш - бу ушалмас орзудир” - деб ёзди.³¹

Умуман олганда, тарихан қонун тузиш услубиятига ҳуқуқшунослар томонидан нозик бир санъат сифатида қаралган. Унинг нозик жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари махсус фан даражасида ўқитилган ва шу соҳа билан шуғулланувчи махсус мутахассислар тайёрланган. Тарихий манбаларда келтирилишича, айрим ҳолатларда баъзи гуруҳлар томонидан ҳуқуқнинг мазмунини, моҳиятини яшириб, кўпроқ фойда олиш учун қонунларни халқ тушунмайдиган тилда, мавҳум ҳолатда, ниҳоятда узундан-узун тузишига ҳаракат қилинган.

Баъзан эса қонунларни шу мамлакат аҳолиси учун тушунарли бўлмаган тилларда қабул қилиш билан ҳуқуқнинг мазмуни яширилган. Жумладан, Ўрта асрларда ғарбий Европада қонунлар фақат лотин тилида қабул қилинган ва узоқ вақт у расмий тил сифатида юритилган. Лотин тилида қабул қилинган қонунлар кенг халқ оммаси (масалан, немислар) учун тушунарли бўлмаган, айрим асилзодаларгагина хизмат қилган. Шунинг учун ҳам улар ўзларининг асл мақсадларига эришиш учун қонунларни ҳар хил талқин этганлар.

Худди шундай ҳолат XVII-XVIII асрларда Данияда (немис тили), қадимги Ҳиндистонда (санскрит тили), XX аср бошларида Монголияда (Хитой ва манжур тиллари) юз беради. Бунда юридик тил айрим тоифа асилзодалар манфаати йўлида муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Чунки фуқаролар қонунлардан қанчалик узоқ бўлсалар, бунинг натижасида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танимасалар, уларни бошқариш шунчалик осон кечади.

Айрим ҳолатларда эса давлат бошлиқлари халқнинг ичида ўз обрў-эътиборини орттириш мақсадида қонунларни халқ тушунадиган тилда содда ва аниқ тузиш ҳақида топшириқлар берганлар.

Баъзи қонунлар шеърий шаклда битилган. Жумладан, қадимги ҳиндларнинг Ману қонуни шеърий шаклда ёзилган бўлиб, унда кўпроқ юридик терминлардан эмас, балки эпик шакллардан, эмоционал-экспрессив сўзлардан фойдаланилган. Бундай бўлиши табиий ҳол. Сабаби инсонлар шу даврларда насрий йўл билан ёзилган асарларга қараганда, назм асосида битилган манбаларни яхшироқ қабул қилишган.

Афсуски, илмий адабиётларда қадимги халқларнинг қонунлари тилига баҳо беришда айрим олимлар томонидан бир ёқламаликка ҳам йўл қўйилади. Жумладан, ҳуқуқшунос И.М.Волков Шох Хаммураппининг қонунлари тилига баҳо берар экан, унинг тилининг

³¹ Иеринг Р. Юридическая техника. – СПб., 1909. – 31-32 с.

ниҳоятда узундан-узоқлиги, асосий мақсадга етиб келгунга қадар худоларнинг мадҳ этилиши, натижада, асосий маъно сояда қолишини таъкидлайди.³²

Шунингдек, Хаммураппи қонунлари тили ҳақида А.А.Ушаков шундай ёзади: “Бу қонуннинг мазмунини тушуниш кўп меҳнат ва вақт талаб қилади. Ундаги узундан-узун мадҳу саноларни соддароқ қилиб ифодалаш мумкин эди. Бироқ, қонун чиқарувчи, инсонларни чалғитиш учун, қонунларда қасддан сўз ўйинига йўл қўяди. Бу билан ҳуқуқнинг моҳиятини, мақсад ва вазифаларини яширади”.³³

Бизнинг назаримизда, юқоридаги муаллифларнинг бундай хулоса чиқаришлари бир оз мунозарали. Хаммураппи қонунлари тилига ўша пайт нуқтаи назаридан ёндашиш керак. У пайтларда дин ижтимоий турмушнинг асосий мазмунини ташкил этиб, инсонлар фаолиятида жуда катта ўрин тутган. Кишилар бутун борлигини динга боғлаганлар. Шунинг учун улар бу қонунларни, бу ҳуқуқий нормаларни бизга худо берган, деб тушунишган. Шу боис қонунни ҳам илоҳий ҳодиса деб билганлар. Қонуншунослар қонунга унинг ҳар бир жумласига шу руҳни сингдиришга ҳаракат қилганлар. Ҳуқуқий нормаларни худога, динга боғлаб бериш билан инсонларни ҳуқуқбузарликлардан тийганлар. Бу шу давр фуқаролари онгига самарали таъсир этган, улар ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этишни худога шак келтириш деб ҳисоблаган.

Шу боис, у пайтда, одамларга қонунларнинг ҳозиргидек фақат қуруқ матни берилса, улар унчалик қабул қила олмас эдилар. Шунга кўра ўша замон ҳуқуқий нормаларининг дин билан боғлаб берилишини табиий бир ҳол деб тушуниш лозим.

Айрим юридик адабиётларда баъзи ҳуқуқшунос олимлар томонидан муқаддас Қуръони каримнинг тилига ҳам худди шундай фикрлар билдирилиб, ҳуқуқнинг асл моҳияти яширилган, у сирли бўлиб қолган деган назариялар илгари сурилди.³⁴

Бундай фикрлар совет мафқурасининг “меваси”, “дин - афюндир” деган атеистик сиёсатнинг натижаси, ҳар бир нарсага синфийлик нуқтаи назаридан баҳо беришнинг оқибатидир.

Қуръони каримнинг тили ҳақида гап кетганда, унинг илоҳий китоблигини, Оллоҳнинг сўзи эканлигини, бу самовий илоҳий ваҳий эканлигини назарда тутмоқ лозим. Қолаверса, ўша давр нуқтаи

³² Волков И.М. Законы Вавилонского царя Хаммараби. – М., 1915. – 18-19 с.

³³ Ушаков А. Очерки советской законодательной стилистики. – 97 с.

³⁴ Ўша жойда.

назаридан келиб чиққан ҳолда Қуръон тилига баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Қуръон VII асрда дунёга келган, ҳозир эса XXI аср бошида турибмиз. Ҳар бир нарса ҳаракатда бўлгани сингари тил ҳам, инсонларнинг онги ҳам доимо ўсишда, ривожланишда. VII асрда халқ учун тушунарли бўлган матннинг бугунги замон кишиси учун тўла аниқ ва равшан бўлмаслиги бу табиий бир ҳол, албатта.

Иккинчидан, Қуръон тили ҳақида нотўғри назария вакилларининг кўплари, асосан, ўзга миллат вакиллари. Улар Қуръони каримнинг асл нусхасини эмас, таржимасини кўришган. Ҳар бир матнни бошқа тилга таржима қилганда, унинг сифатига путур етади. Айниқса, шарқ кундалик турмуши ва маънавиятидан беҳабар киши учун уни ўқиганда яна ҳам қийинчилик туғилади.

Бу Қуръон тили оғир, ноаниқ, бу ҳуқуқнинг мазмуни ва моҳияти яширилган деган маънони англатмайди. Аксинча, ўша даврларда арабларда чиройли гапира билиш, ўз фикрини тўғри ва аниқ ифодалай олиш катта маҳорат саналган. Сўз билимдонлари шу маҳоратни эгаллашга ҳаракат қилар эдилар ва улар халқ орасида обрў-эътиборли кишилар ҳисобланарди. Қуръони карим оятларини жамлаб, уларни ёзишга яна ҳам катта эътибор берилган. Унинг оятларини ёзиб борувчи саҳобага ниҳоятда оғир вазифа юкланган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом Қуръон оятларини ёзиб боришни ҳаммага ҳам ишонавермаган, уни фақат тўрт киши (Убай ибни Каъб, Маод ибни Жабал, Зайд ибни Собит, Абу Зайд) кайд этиб борган.³⁵ Улар пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломга келган ваҳийни ёзиб борган машҳур саҳобалар эди.

Шариатшунос олим Ю.Шокиров таъкидлаганидек, “Пайғамбаримиз алайҳиссалом саҳобалар учун мисли йўқ илм манбаи эдилар, уларга Қуръони карим оятларини тартиб ила талқин қилар эдилар. Саҳобайи киромлар бутун вужудлари билан унга қулоқ солиб ғоятда диққат билан ҳар бир ҳарфига риоя қилган ҳолда ёдлаб олар эдилар. Саҳобалар ёд олган оятларини бир-бирларига ўқиб бериб, текшириб олар ва агар бирор оятни ўқишда ҳар хил раъй бўлиб қолса, дарҳол пайғамбар Алайҳиссалом ҳузурларига келиб, ҳақиқатни аниқлаб, тўғрилаб олар эдилар... Шундай қилиб, шу йўл билан саҳобалар Қуръони карим оятларини бирор нотўғрилиқ кириб қолишидан ёки

³⁵ Шокиров Ю. Ислом шариати асослари. – Т., 1992. – 12-б.

Қуръонда бўлмаган сўз кириб қолишидан ёки Қуръон оятларидан бирор сўз тушиб қолиш эҳтимолидан сақлаганлар”.³⁶

Ҳақиқатан ҳам Қуръони каримнинг шу йўсинда ёзилиши, ўзига хос нодир услуби, фикрларнинг теран ва ўткирлиги инсонлар учун тушунарли ва дилларига яқин бўлиш имконини берди, натижада улар Қуръони каримни тезда қабул қилдилар. Бу эса кейинчалик ислом динининг кенг ёйилиши ва кўпгина халқлар томонидан қабул қилинишига муҳим асос бўлди.

Ислом шариатининг асосий қонунлари пайғамбаримиз ҳаёт вақтларида ёзилган. Кейинчалик ҳаёт, давр ривожланиши билан Қуръон ва суннага асосланиб, Қироат ва Тафсир илмлари вужудга келган. “Қироат илми мутавотир ривоятлар (кўп ишонарли кишилар қилган ривоятлар)га оид ихтилофларни назарда тутиш билан Оллоҳ каломини тўғри ва хатосиз ўқиш масалаларини ўрганадиган фандир”.³⁷

Тафсир (илм-ул-тафсир) илмининг асосий мақсади араб тилининг грамматикаси асосида Қуръон оятларидаги сўзларнинг маъносини очиб бериш, оятларининг ҳақиқий мазмун ва моҳиятини тўғри тушунтиришдир. Тафсир илми бўйича Ибн Аббос, имом Муҳаммад Бокир каби улуғ алломалар рисоалар ёзишган. Айниқса, Муҳаммад ибн Жарир-ат-Табарийнинг “Тафсири кабир” (“Буюк тафсир”) номи билан шуҳрат қозонган “Жомиъул-баён фе тафсир Ал-Қуръон” асари кенг эътироф этилган.³⁸

Шундай қилиб, шарққа хос ҳуқуқ ижодкорлиги, қонун тузиш услубияти қадимдан мавжуд бўлган. Буюк Турон заминида туғилиб, жаҳон фикҳшунослик илми тараққиётига катта ҳисса қўшган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Абу Исо ат-Термизий (825-892), Нажмиддин Абу Хадас ибн Муҳаммад ибн ан-Насафи (1068-1142), Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний, ар-Риштоний, Бурҳониддин Марғиноний (1123-1197), Абу-л-Фатх Носир ибн Абд-ас-Сайиди ал-Мутарризиди (1160-1223), Убайдулло ибн Маъсуд Мотрудий каби шариат-мусулмон илмининг билимдонлари фикҳ илмининг назарий жиҳатларини ёритаётиб, ўз асарлари тилининг нодир услубда ёзилишига ҳам катта эътибор қаратганлар. Уларни тузишда тез ва узоқ вақт эсда сақлаб қолишни кўзда тутган ҳолда, қисқа ва аниқ бўлишига ҳаракат қилганлар. Муаллифлар тилнинг ўзига хос фазилатларини ва гўзалликларини бера олганлар.

³⁶ Шокиров Ю. Юқоридаги манба. – 11-12-б.

³⁷ Саидов А. Х. Бурҳониддин Марғиноний – буюк ҳуқуқшунос. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 83-б.

³⁸ Ўша жойда. – 84-б.

Буюк аждодларимиз Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Адаб ал-Муфрадат”, “Ал-жомийъ ас-сахих”, Абу Исо Ат-Термизийнинг “Аш шамоил ан-Набавийа” каби ҳадислар тўплами, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Убайдулло ибн Масъуднинг “Мухтасар” каби асарларининг бутун мусулмон оламида кенг ёйилишига, жаҳон олимларининг диққатини жалб қилишига бу асарларнинг ёзилиш услуби ҳам, маълум маънода, катта аҳамият касб этган.

Афсуски, бу асарларнинг тил ва услубий хусусиятлари шу пайтгача ўрганилган эмас. Шунга кўра шарққа хос ҳуқуқ ижодкорлиги, шариатнинг тили ва услубини ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим долзарб вазифаларидан биридир.

Ҳозирги пайтда қонун ижодкорлиги фаолиятида ота-боболаримиз томонидан тузилган фикҳга оид барча адабиётларни ўрганишимиз, улардаги нафақат ҳуқуқий нормалардан, балки қонун тузиш услубиятнинг ўзига хос томонларидан, илғор жиҳатларидан қонунларимизни тузишда фойданишимиз лозим. Улар амалиётда қонунларимизнинг янада пишиқ ва мукаммал бўлиши, ҳуқуқий нормаларнинг фуқароларимиз онгида янада узоқроқ сақланишида муҳим аҳамият касб этади.

2. ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИ

Барча собиқ иттифоқдош жумҳуриятлар сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам қарийб 75 йил давомида совет қонунлари асосида иш кўрди. Бу даврда ҳуқумат ва олимлар томонидан эътибор, асосан, рус қонунлари тилига қаратилди. Айниқса, 1920-30 йилларда юридик тил жиддий ва чуқур ўрганилди.

Ўша даврдаги “Власть советов”, “Советское строительство”, “Советская юстиция” каби журналларда юридик тил масалалари бўйича баҳс ва мунозаралар кучайди. Юридик тил бўйича кўплаб қизиқарли мақолалар, жумладан, И.Ильинскийнинг “Юридик тил”, “Яна бир марта юридик тил ҳақида”, А. Елизаровнинг “Қонунларни қандай ёзиш керак”, В. Соколовнинг “Юридик тил учун кураш - маданият учун кураш” каби бир қанча мақолалари эълон қилинди. Айниқса, бу даврда юридик тилни ўрганишга ҳуқуқшунос олим П.В.Верховский катта ҳисса қўшди. У бу соҳага доир “Қарорларни қандай тузиш керак”, “Ёзма расмий нутқ” сингари рисоалар яратди.³⁹

1960 йиллардан бошлаб юридик тилга бўлган эътибор янада кучайди. Ҳуқуқшунос олим А.А.Ушаков асосий умрини, илмий изланишларини шу соҳага бағишлаб, кўплаб рисоалар ёзди, номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилди. Унинг бу

³⁹ *Верховский П.В.* Как составлять обязательные постановления. – М., 1930.

илмий-тадқиқот ишлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.⁴⁰

1987 йилда ҳуқуқшунос В.М.Савицкий юридик терминлар соҳасига бағишлаб, ўзининг “Процессуал қонунлар тили” рисоласини ёзди ва унда рус юридик терминлари борасидаги муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилди.⁴¹

1990 йилда эса ҳуқуқшунос олимлар жамоаси томонидан “Қонун тили” рисоласи чоп этилди.⁴² Унда таъкидланадики, қонун тили масалалари ҳуқуқнинг ривожини учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади, лекин у юридик фанда жуда ҳам кам ўрганилган. Бунинг сабаблари унинг икки фан: ҳам ҳуқуқшунослик, ҳам тилшунослик илмлари билан боғлиқ эканлиги кўрсатилади.

Россиялик ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг қонунчилик услуби, юридик тил масалаларини жуда кам ўрганилган соҳа деб ҳисоблашса-да, ҳар ҳолда, уларда бу йўналиш бўйича анча-мунча ишлар қилинган.

Лекин афсуски, ўзбек қонунларининг тили ва услуби шу пайтгача деярли ўрганилган эмас. Бунинг реал сабаблари мавжуд бўлиб, улар давр ва ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлиқ:

- биринчидан, республикамиз узоқ йиллар давомида собиқ совет тузуми исканжасида яшаб, совет қонунлари асосида иш кўриб келди. Табиийки, бундай шароитда республикамиз мустақил равишда ўз қонунларини қабул қила олмас эди. Шунга кўра бу даврларда республикамизга хос қонун ижодкорлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди.

- иккинчидан, ҳар бир мустақил мамлакатда бир ёки бир неча тил давлат тили сифатида белгиланиб, бутун давлат фаолияти шу тилда олиб борилади, хусусан, қонунлар ҳам давлат тилида тайёрланиб, шу тилда қабул қилинади. Собиқ иттифоқ даврида бу вазифани норасмий бўлса-да, рус тили бажариб, миллий тилларнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилди.

- учинчидан, миллий тиллар сингари ўзбек тили ҳам шу қолипдан четга чиқа олмади, натижада ўзбек тили расмий иш юритишда, турли давлат ишларида тўла-тўқис қўлланмасдан, русча қонунлар асосида иш юритилди.

⁴⁰ Ушаков А.А. Важнейшие кодификационные работы на первой фазе развития советского государства: Автореф. дис... канд. юрид.наук. – Л., 1953. – 21 с.; Ушаков А.А. Содержание и форма в праве и советское правотворчество: Автореф... докт. юрид. наук. – Свердловск, 1970.; Ушаков А.А. Очерки советской законодательной стилистики. – Пермь, 1967.; Ушаков А.А. О науке законографии, её содержании и задачах. // Правоведение, 1975. – № 4.

⁴¹ Савицкий В.М. Язык процессуального закона. – М., 1987.

⁴² Язык закона. – М.: Юридическая литература, 1990.

- тўртинчидан, марказ томонидан юборилган қонунлар ўзбек тилига ўта сифатсиз, номигагина таржима қилинди. Таржима жараёни шундай кечганки, рус тилида гап қандай тартибда тузилган бўлса, ўзбек тилида ҳам худди шундай тартибда тузилиши, рус тилида нечта сўз бўлса, ўзбек тилида ҳам шунча бўлиши лозим эди, яъни бу моддалар калькаланишган, холос. Ҳеч қандай ҳуқуқ ижодкорлигига йўл қўйилмаган. Матн, ўзбекча бўлишидан қатъи назар, русча қолиплар асосида қурилган.

Маълумки, ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос табиати, хусусиятлари мавжуд. Айниқса, бошқа-бошқа тиллар оиласига кирувчи рус ва ўзбек тилларнинг табиатида осмон билан ерча фарқ бор. Шунинг учун ҳам ўзбек тилига ўгирилган қонун матнлари тушунарсиз, тўмтоқ жумлаларга айланиб қолган. Буни собиқ шўролар давридаги ўзбек тилидаги қонунлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 9-моддасига эътибор беринг:

Агарда жиноятни содир этган шахс ўз ҳаракати ва ҳаракатсизлигидан жамоат учун хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига кўзи ета туриб, лекин хом хаёллик билан шу оқибатларнинг олдини олишни мўлжаллаб ҳаракат қилса ёки бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши мумкин ва лозим бўлса, бундай жиноят эҳтиётсизлик билан қилинган жиноят деб танилади (ЖК 9-м).

Бу моддани қандай тушуниш мумкин? “Бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши мумкин ва лозим бўлса” жумласини-чи? Юристарлар-ку бу моддани ҳар ҳолда тушунишар, лекин бошқа соҳа мутахассислари-чи?

Қонун фақат юристарлар учун эмас, шу жамиятдаги барча фуқаролар учун тегишли бўлади. Улар кундалик фаолиятида ана шу қонуларга амал қилиб яшайдилар. Ваҳоланки, фуқаролар шу қонунларга тўла тушуниб етмасалар, қандай қилиб бу қонунларга оғишмай риоя қиладилар, ҳуқуқ ва бурчларини аниқлаб оладилар?

Асосий сабаб шундаки, собиқ иттифоқ даврида қонунларни, ҳатто, миллий тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эркин таржима қилишга ҳам йўл қўйилмаган. Бунинг илмий-назарий қоидалари ҳуқуқшунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Профессор А.С.Пиголькиннинг ёзишича: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий таржима қилиб қайта нашр этишда уларнинг матнини ўзгартиришга, терминларни изоҳлаш ва алмаштиришга, жумлалар қурилишини ўзгартиришга ва бошқа таҳририй ишларни амалга оширишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, матннинг

ўзгартирилиши ва яхшиланиши таржима қилинган ҳужжатнинг сифатини туширади, таржимоннинг масъулиятини пасайтиради”⁴³.

Шу принципга кўра юқоридаги моддада ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Юридик тилга қўйиладиган қисқалик, аниқлик, соддалик талабларига риоя қилинмаган. Аслида, шу модданинг маъносидан келиб чиққан ҳолда, бир нечта гапларга бўлиб, қисқа ва аниқ ифодалаш мумкин эди. Бунга она тилимизнинг имкониятлари беҳад кенг. Афсуски, собиқ совет ҳокимияти йилларидаги қонун матнларида юқоридаги типдаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қонунлар тўла мукамал бўлиши учун бу қонун лойиҳалари, авваламбор, давлат тилида тайёрланиши, шу тилда муҳокамадан ўтиши, сўнгра, лозим бўлса, бошқа тилларга таржима қилиниши зарур. Ана шундагина қонунлар ҳар жиҳатдан пухта ва пишиқ тайёрланади ва амалиётда кўзланган натижаларни беради. Чунки таржима, минг моҳир мутаржимлар таржима қилганда ҳам, барибир таржима

Бунинг ёрқин мисоли сифатида бош қомусимиз бўлган Конституциямизни келтириш мумкин. Конституция илгари рус тилида тайёрланиб, ўзбек тилига ўгирилган Конституция ва қонунлардан мантиқан фарқ қилиш билан бирга тил ва услуб жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Олдинги Конституция ва қонунларга бир томонлама ёндашиллар, уларда иложи борица русча-европача терминларни ишлатишга ҳаракат қилинар эди. Матн ўзбекча бўлишидан қатъи назар, ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига бўйсунмаган.

Конституциямизга эса ҳар томонлама ижодий ёндашилган. Конституцияни тузишда юридик тилга қўйиладиган барча талабларга тўла риоя қилинган. Матнлар ўзбек тилининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Шунга кўра матндаги ҳар бир жумла содда ва равон тузилган. Бу эса матнда аниқликни таъминловчи омил бўлиб хизмат қилган. Бирорта ҳам узундан-узун, аниқ ифодаланмаган ўринлар учрамайди. Ҳар бир модда аниқ, қисқа, равон, ўз навбатида, қатъий ифодаланган. Ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига тўла амал қилинган. Буларнинг ҳаммаси Конституциянинг давлат тилида тайёрланиши ва шу тилда муҳокамадан ўтишининг самарасидир.

Бинобарин, истиқлол Ўзбекистонда юридик тилнинг тараққиёти учун ҳам кенг йўл очиб берди. Юридик тилнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш

⁴³ Научные основы советского правотворчества. // Под ред. Р.О.Халфиной. – М.: Наука, 1981. – 305 с.

тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида: “Қонун лойиҳасидаги қоидалар аниқ ва равшан бўлиши лозим. Лойиҳада ишлатиладиган тушунчалар ва терминлар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади”, - дейилади.

“Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равои тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва терминлар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди”, - деб таъкидланади.

Юридик тил ҳақидаги бу икки ҳуқуқий норма Ўзбекистонда юридик тилнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг тили ана шу талабларга тўла жавоб бериши лозим. Бу эса эндиликда юридик тилнинг илмий асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Истиқлол шарофати билан бу соҳада Республикаимизда эндиликда асосий ишлар қилинмоқда. Республикаимиз раҳбарияти томонидан ўзбек юридик тилига, юридик терминларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлиси таркибида “Норматив-ҳуқуқий атамалар бўйича махсус комиссия” ташкил этилиб, унга терминларнинг барқарорлиги нуқтаи назаридан қонун лойиҳаларини таҳлил этиш, юридик терминларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, қонун лойиҳаларини тили ва услуб жиҳатидан экспертизадан ўтказиш каби бир қанча вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номли Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан ўзаро ҳамкорликда тузилган “Юридик терминлар шуъбаси” фаолият кўрсатди. 1993 йилда бу шуъбада ҳуқуқшунос олимлар Ғ.Аҳмедов ва А.Саидовлар раҳбарлигида бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар томонидан “Юридик терминлар ва иборалар луғати” чоп этилди. Бу луғат олдинги собиқ иттифоқ пайтида яратилган ҳуқуқий луғатлардан фарқ қилиб, унда юридик терминлар ўзбек тилининг, ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланган.

Шунингдек, ўзбек юридик тили ва терминлари бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.⁴⁴ Тилшунос олима М.Қосимованинг “Ўзбек юридик терминологиясининг таркибий тузилиши” номли диссертациясида юридик терминлар тузилиши жиҳатидан таҳлил этилиб, уларнинг ясалиш йўллари ҳақида маълумот берилади. Тадқиқот иши соф филологик нуқтаи назаридан ёритилади. Шунинг учун айрим юридик терминларнинг семантик маънолари юридик жиҳатдан тўғри изоҳланмайди. Жумладан, олима ўз кузатишларида *судланган-маҳкум*, *айбланувчи-судланувчи* каби терминларни жуфт (ҳар доим бирга қўлланиб, бир маънони англатувчи) терминлар сифатида талқин этади.⁴⁵

Ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги терминларнинг ҳар бири юридик жиҳатдан алоҳида мустақил маъно касб этади. Шунга қарамасдан, М.Қосимованинг ушбу тадқиқот иши юридик терминларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ўзбек қонунларининг тили, юридик терминларимизнинг ўрганилиши ҳақида гап кетганда бу масалалар бўйича ҳуқуқшунос олим Ф. Бакировнинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ф. Бакиров 1950 йилларнинг ўрталарида, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ниҳоятда чигал бир пайтда, ўзбек юридик терминлари, уларнинг шакли ва мазмуни, тарихи ва эртаси тўғрисида бир мунча ишларни амалга оширди, жумладан, “Ўзбек юридик терминларининг айрим масалалари” каби илмий мақолалар ёзди ва “Юридик терминлар луғати” ни тузди.⁴⁶

Истиқлолдан сўнг бу мавзуга бағишлаб ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар томонидан бир қанча диққатга сазовор илмий рисоалар яратилди⁴⁷. Бу рисоалардан А.Саидов ва Г.Сарқисянцларнинг “Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи” номли рисоласи диққатга сазовор

⁴⁴ *Қасимова М.* Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Дисс. канд. филолог. наук. – Т., 1986.; *Кўчимов Ш.Н.* Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филология фанлари номзоди... диссертацияси. – Т., 1995.

⁴⁵ *Қасимова М.* Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филолог. наук. – Т., 1986. – 20 с.

⁴⁶ *Бакиров Ф.* Некоторые вопросы узбекской юридической терминологии В сб: Учен зап. Таш. юрид. ин-та. Вып. 1, 1956; *Бакиров Ф.* Юридик терминлар луғати. – Т., 1959.

⁴⁷ *Саидов А., Сарқисянц Г.* Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т.:Адолат, 1994.; *Саидов А., Саидова Л., Кўчимов Ш., Қосимова М.* Қонун ва тил. – Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.; *Кўчимов Ш.Н.* Ўзбекистон Республикасида қонунчилик техникаси: тил, услуб, ҳуқуқий атамашунослик. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996.; Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. Профессор А.Х. Саидов таҳрири остида. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, 1999.

бўлиб, унда миллий ўзбек юридик тилининг илмий-назарий моделини яратиш ғояси илгари сурилади.⁴⁸

Сўнгги йилларда республика нашрларида юридик тил ва юридик терминларга бағишланган бир қанча илмий-оммабоп мақолалар ҳам эълон қилинди.⁴⁹ Жумладан, А. Саидовнинг “Тил сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатлари”, Ғ.Аҳмедов ва А.Саидовларнинг “Терминология - бу жуда муҳим”, Ғ.Абдумажидов, А.Саидовларнинг “Қонун ва давлат тили: муаммолар ва ечимлар”, Ғ.А.Абдумажидовнинг “Қонун тили ўзбекчалашмоқда”, А.Саидов, М.Қосимова, Л.Каримоваларнинг “Ўзбек юридик терминлари муаммолари” каби мақолалари ўзбек юридик тилини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек қонунлари тилини такомиллаштириш юзасидан айрим мақолаларда берилаётган фикрлар анча мунозаралидир. Профессор Б. Мамедов “Ўзбек юридик тилининг долзарб муаммолари” деб номланган мақоласида шундай ёзади: “Бугунги терминларни ўзбекчалаштириш жараёни ақалли 30-йиллар даражасида ҳам эмас. Масалан, 30 йилларда “прокурор” термини *муддаи умуми ёки қораловчи, процессуальный кодекс - тузук, уголовный кодекс - жазо тузуги* тарзида берилганки, бу терминларни бугунги юридик терминларга тиклаш вақти етмадимикан?”⁵⁰

Бу ўринда ҳар бир тилнинг ўзаро ривожланишда эканлигини унутмаслик зарур. Бундан ташқари, ҳар бир соҳа тилининг ўз лисоний нормаси мавжуд бўлиб, эскирган сўзларни ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунга кўра юқоридаги каби сўзларни қонун матнларида ишлатиш асло мумкин эмас. Чунки юридик тилда эскирган сўзларни ишлатиш амалиётда салбий оқибатларга олиб келади, қонунни турлича шарҳлашга йўл очиб беради.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида

⁴⁸ Саидов А., Сарқисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т.: Адолат, 1994.

⁴⁹ Саидов А. Тил сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатлари // Тошкент ҳақиқати. – 1989, 5 июль.; Аҳмедов Ғ., Саидов А. Терминология – это важно // Народное слово. – 1991, 16 август.; Абдумажидов Ғ., Саидов А. Қонун ва давлат тили: муаммолар ва ечимлар // Туркистон. – 1992 й. 8 октябрь.; Абдумажидов Ғ.А.. Қонун тили ўзбекчалашмоқда. // Хуррият. – 1997.; Мамедов Б. Қонун тили қандай бўлиши керак? // Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. – 103-б.; Саидов А., Қосимова М., Каримова Л. Ўзбек ҳуқуқий атамалари муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1993, 2-сон.

⁵⁰ Мамедов Б. Ўзбек юридик тилининг долзарб муаммолари // Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1999. – 128-б.

эскирган сўзларни қонун лойиҳалари матнида ишлатиш мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбек миллий юридик тили ва терминларининг истиқболлари ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда миллий юридик тилимиз амалиётида мавжуд бўлган муаммоларни лингвистик билимларга таянган ҳолда кўпроқ юридик нуқтаи назаридан ўрганиш мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бунда, айниқса юридик тилни ҳуқуқнинг соҳалари бўйича алоҳида-алоҳида ўрганилишига эътибор қаратилиб, фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман, ўзбек қонунларнинг тили бўйича бу илмий тадқиқот ишларини, яратилган илмий рисола ва мақолаларни бошқа давлатларнинг қонунлари тилини ўрганиш бўйича қиёслаганда, ўзбек қонунларининг тили ҳали деярли ўрганилмаган деган фикрга келиш мумкин. Лозим даража ўрганилмаслигининг сабабларидан яна бири қонунчилик тилининг ҳам юридик, ҳам тилшунослик фанлари доирасига тегишли мураккаб бир илмий йўналиш эканлигидир.

Тадқиқотлар бир вақтнинг ўзида ҳам юридик, ҳам лингвистик билимларни талаб қилади. Амалиётда эса, афсуски, ҳуқуқшунослар етарли даражада лингвистик билимлардан хабардор бўлмаганлиги сабабли қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ, содда, тушунарли тарзда ёзиш керак деган умумий фикрдан нарига ўта олмайдилар. Ўз навбатида, тилшунослар эса юридик билимлардан хабарсиз бўлганлиги боис қонунларни ёза олмайдилар.

Юридик тилни ҳуқуқшунос ҳам, тилшунос ҳам ўрганиши мумкин, лекин уларнинг тадқиқот объекти турлича бўлади. Ҳуқуқшунос қонунларнинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратса, тилшунос эса норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг лексик-грамматик жиҳатларини таҳлил этишга киришиб кетади. Агар шу норматив ҳуқуқий ҳужжат матни бир мутахассис томонидан лингво-юридик билим доирасида ўрганилса, бундай ҳужжат юқори сифатга эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан тараққий топган ҳар қандай мамлакатда қонун ижодкорлиги ишига алоҳида эътибор билан ёндашилади. Жумладан, Чехия Республикаси қонунларида тил ва терминларни тўғри ишлатиш масаласи диққатга сазовордир. 1986 йил апрелда Чехия ҳукумати томонидан махсус қарор қабул қилиниб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ ва тўғри ифодалаш, уларда терминларни тўғри ишлатиш таъкидланади. Қонун ҳужжатларида юридик терминлар бир хил ишлатилиши зарурлиги нуқтаи назаридан, қонун тайёрланганидан сўнг тақриз учун, Чехия Фанлар академияси ҳамда

Словакия Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти қошидаги терминлар қўмитасига жўнатиш лозимлиги расман қайд этилади.⁵¹

Германияда эса ҳуқуқшунослар томонидан тузилган қонун лойиҳаси Бонн шаҳридаги Немис тили олий жамиятига тақдим этилади ва бу ерда тилшунослар томонидан кўриб чиқилади. Тилшунослар лойиқ деб топсагина қонун амалга киритилади. Бундан ташқари, Немис тили олий жамияти томонидан (Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда) қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тили бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.⁵²

Францияда ҳам юридик тилга алоҳида эътибор билан ёндашилади. 1972 йил январда Франция Бош вазири томонидан №72-19 сонли декрет қабул қилинган бўлиб, Француз терминлар қўмитасини тузиш таъкидланади. Қўмитанинг асосий вазифаси француз тили луғати таркибидаги камчиликларни аниқлаш, янги терминларни ишлаб чиқиш, бошқа тиллардан ноўрин ўзлашган сўзларни алмаштиришдан иборатлиги таъкидланади. Ишлаб чиқилган терминлар Вазир томонидан тасдиқланади.⁵³ Қонун ҳужжатларида эса фақат тасдиқланган терминларгина ишлатилиши лозимлиги қайд этилади.

Швейцарияда эса қонун ҳужжатлари устида ҳуқуқшунослар билан бир қаторда тилшунос олимлар ҳам иш олиб боришади. Бир гуруҳ швейцариялик олимлар томонидан ёзилган “Швейцария федерал бошқарувида қонунларни таҳрир этиш” номли мақолада қайд қилинишича, қонунларни яратиш ва уларни таҳрир этиш ишлари учун махсус комиссия ташкил этилган. Бу комиссияга турли идоралардан ҳар хил соҳа мутахассислари жалб қилинган, жумладан, комиссия таркибига Федерал канцелярия хизматининг марказий лингвистик ва таржимашунослик вакиллари, Адлия вазирлигининг ҳуқуқ ижодкорлиги бош вакили ва бошқа ваколатли мутахассислар киритилган. Адлия вазирлигининг тил хизмати ходимларига алоҳида талаблар қўйилади. Қонун ижодкорлиги фаолиятида қатнашаётган тилшунослардан маълум маънода юридик фанлардан хабардор бўлиш, ҳуқуқшунослардан эса лингвистик билимларни ўзлаштириш талаб

⁵¹ Legislativni pravidla vldy Ceskoslovenske republiky, aprel 1986.

⁵² Қаранг: Pravnicke studie, 1969, XY11, s. 660-665.

⁵³ Қаранг: Journal officiel de la Republique Francaise, 1972, Nr., p.388. Шунингдек: Jacques Rigaud, Xavier Delcros. Les institution administratives francaises. Les structures. Paris, Dalloz, 1984 – P. 49.

қилинади. Бу борада Туркия Республикасида ҳам ўзига хос ижобий тажрибалар мавжуд.⁵⁴

Хорижий мамлакатларнинг бу илғор тажрибалари махсус ўрганилиши, мамлакатимиз миллий қонунчилигига мос жиҳатлари қабул қилиниши лозим. Жумладан, юқоридаги мамлакатларнинг қонунчилик тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳаси қабул қилинишидан олдин, Ўзбекистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт институтига экспертиза учун жўнатилиши зарур. Қонун лойиҳаси бу ерда тилшунослар томонидан муҳокамадан ўтказилиши керак. Улар томонидан чуқур илмий асосланган ёзма хулоса бўлгандагина қонун лойиҳаси муҳокама учун парламент аъзоларига берилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида қонунчиликнинг истиқболлари ҳақида гап кетганда яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунчилик тили ва услуби масалалари юридик олий ўқув юртларида шу пайтгача деярли ўргатилган эмас. Маълумки, қонун ижодкорлиги фаолияти асосан юристлар зиммасига юкланади. Улар қонун ёзиш илми, қонунчилик техникаси, қонунчилик услубияти, юридик тил ва унинг ўзига хос хусусиятлари каби билимлардан хабардор бўлмасдан туриб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мукамал туза олмайдилар.

Шу нуқтаи назардан ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида бўлажак ҳуқуқшунос кадрларнинг тил тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади. Ҳатто, эрамиздан олдинги 388 йилда Платон Академиясида, шахснинг ҳар жиҳатдан эркин камол топиши учун, нотиклик санъати, судда нутқ сўзлаш, қонунларни тайёрлаш ҳақидаги илмлар билан мунтазам шуғулланилган.⁵⁵ Шунингдек, 1918 йилгача Европанинг машҳур Нюрнберг (1526) ва Страсбург (1538) гимназияларида 12 йиллик таълимида ўқув жараёнининг 55 фоиз вақти ўқувчиларнинг тил тайёргарлигига ажратилган ва бу ҳозир ҳам айрим мамлакатларнинг таълим тизимида сақланиб қолган.⁵⁶

АҚШнинг Чикаго ва Иллинойс университетларининг юридик факультетларида таълим олувчи ҳар бир талаба 45 фан (нутқ ўрганишга кириш, ёзма нутқ, оммавий муомала нутқи, сиёсий нутқ, полемика асослари, суд нотиклиги кабилар)дан иборат цикл - “Нутқ мактаби” деб номланган курсни ўқишлари лозим. Юридик дипломи олиш учун “Нутқ мактаби” циклидан 6 фанни топшириш мажбурий

⁵⁴ Қаранг: Саидов А., Қосимова М., Каримова Л. Юқоридаги манба. – 41-б.

⁵⁵ Ἰεᾶδοί. Ῥαῆτιύ .Ἐί. 7- Ἰεᾶδοί. Ἴί÷. ᾶ 3-ᾶ. Ὀ.3.Ἐί.Ἰ., 1972. – р. 264-308.

⁵⁶ Губаева Т.В., Малков В.П. Словесность в юриспруденции как учебная дисциплина // Государство и право. – 1996. – №12. – 108-116-с.

қилиб белгиланган. Англияда ҳам юристларнинг тил тайёргарлиги худди шу тарзда амалга оширилади.

Швецияда эса давлат тили француз ва немис тиллари бўлгани учун, бўлажак ҳуқуқшуносларга “Юридик нутқ” фани уч йил давомида француз ва немис тилларида (иккала тилда умуммажбурий ҳолатда) ўргатилади. Амстердам университетининг ҳуқуқшунос талабалари голланд, инглиз, француз, немис тиллари бўйича имтиҳон топширадилар ва “Ижтимоий нутқий алоқа”, “Судда нутқ сўзлаш ва ҳақиқат муаммолари”, “Баённомалар (протоколлар) таҳлили” каби нутқни ривожлантиришга қаратилган фанлардан таҳсил оладилар.

Афсуски, собиқ шўролар даврида (шу жумладан Россияда ҳам) юридик факультетларда талабаларнинг тил тайёргарлигига эътибор берилмади. Айрим университетларда “Нотиклик санъати” деб номланган 12-16 соатга мўлжалланган факультатив курсдан бошқа тил билимлари ўргатилмади.

Шунинг асорати ўлароқ демократик ҳуқуқий жамият кураётган деярли барча МДҲ мамлакатларининг юридик таълим тизимида юристларнинг тил тайёргарлиги юзасидан “бўшлиқ” мавжуд. Бугунги кунда бу бўшлиқни тўлғизиш учун Россияда кўпдан кўп мақола ва рисоалар нашр этилмоқда. Уларнинг илм фанида юридик тил билан боғлиқ “юридическая лингвистика”, “юрислингвистика”, “законодательная лингвистика”, “законопроектная лингвистика”, “правовая лингвистика” “законодательная стилистика”, “юридическая речь”, “судебная речь” каби хилма хил терминлар кириб келмоқда. Ҳатто, бу йўналишга ҳуқуқ ва тил илмлари билан чамбарчас боғлиқ махсус янги илм сифатида қаралиб, унинг шу мамлакат ҳуқуқшунослигини ривожлантириши эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, юридик билимлар таркибидан янги шифр (12.00.00) очиш кўзда тутилмоқда. Ёки 12.00.01 - “Ҳуқуқ ва давлат назарияси, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи”ни ҳуқуқ ҳақидаги “Юриспруденцияда сўз санъати” янги йўналиш билан тўлдириш таклифлари билдирилмоқда.⁵⁷

Шунингдек, Россиянинг Иркутск, Красноярск, Пермь, Екитеринбург, Саратов, Саранск, Самара, Қозон каби шаҳарларининг олий ўқув юртларида ҳуқуқшунос кадрларнинг тил тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилиб, талабаларга юридик тил ва юридик нутқ билан боғлиқ хилма хил фанлар ўргатилмоқда. Жумладан, Қозон Давлат университетининг юридик факультетида 1993 йилдан

⁵⁷ Абулғалиев О.А., Ҳаётият А.И. Ёришнинг асослари ва алоқаси ҳақидаги таълимотлар. Ёришнинг асослари, 1996, 112.

“Юриспруденцияда сўз санъати” (“Словесность в юриспруденции”) ўқув курси жорий этилди.

Хорижий мамлакатлар юридик таълими тизимидаги бу жиҳатлар ўрганилиб, мамлакатимиз юридик олий ўқув юртлирининг ўқув жараёнига киритилса, биринчидан, ҳар жиҳатдан малакали юрист кадрлар тайёрлашга эришилди, иккинчидан, миллий юридик тилни такомиллаштириш учун ҳам муҳим бир қадам қўйилган бўларди.

Масаланинг ниҳоятда муҳимлиги ҳисобга олинган ҳолда, дунёдаги илғор юридик олий ўқув юртлирининг таълим тажрибаларидан келиб чиқиб, бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ҳар томонлама етук кадр бўлиб етишишлари учун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг “Халқаро ҳуқуқ” ва “Халқаро муносабатлар” факультетларида ҳамда Тошкент Давлат юридик институтида 1997-98 ўқув йилидан бошлаб “Мутахассислик тили” фани йўлга қўйилди.⁵⁸ Талабалар томонидан юридик тил, унинг ўзига хос табиати ва турлари, қонунчилик услубияти, юридик нутқ, суд нотиклиги, прокурор нутқи, адвокат нутқи каби масалалар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилмоқда.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси денгиздан бир томчи, холос. Мазмун ва моҳияти жиҳатидан том маънодаги миллий ҳуқуқий тизим шаклланиб бораётган бугунги кунда Республикаимиз ҳуқуқшунослик фанида юридик тил ва юридик нутқ масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Токи бўлажак ҳуқуқшунос кадрлар юқори профессионал нутқий малакага эга бўлишсин; қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий нормаларни тўғри ифода усулларини ўргансин; қонун нормаларини тўғри шарҳлаш малакасини ҳосил қилсин ва юридик тил билан боғлиқ муаммоларни тўғри ҳал қила олсин.

Умуман олганда, ҳуқуқшуносликда юридик тил ва юридик нутқни такомиллаштириш шундай мураккаб жараёнки, бу соҳада узоқ келажакка мўлжалланган истиқболли стратегик йўналишларни, унинг илмий-назарий методологик асосини белгиламасдан туриб, уларни ҳал этиб бўлмайди.

Мамлакатда юридик тил ва юридик нутқ масалаларини узлуксиз равишда такомиллаштириш, бу соҳада маълум бир билимларни изчил ривожлантириш, юридик тил ва юридик нутқ назарияси билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва шу соҳада етук малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳуқуқшунослик фанида “Юрислингвистика” деб номланган янги илмий йўналишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

⁵⁸ Мамедов Б., Кўчимов Ш. Мутахассислик тили. // Тошкент Давлат юридик институти талабалари учун дастур. – Т.: Адолат, 1998.

Бу, биринчидан, юридик тил ва юридик нутқ назарияси тараққиёти учун катта замин ҳозирлайди. Иккинчидан, мамлакат қонун ижодкорлиги фаолиятининг такомиллашуви учун хизмат қилади. Учинчидан, ҳар жиҳатдан етук, шу жумладан, юқори профессионал касбий нутққа эга бўлган ҳуқуқшунос кадрларни доимий тайёрлаш учун муҳим асос яратилади.

Масаланинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда “Юрислингвистика” илмий йўналишининг ўрганиш объектига қуйидаги масалаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- * юридик тил, қонунчилик лингвистикаси ва қонунчилик услубиятига доир назарияни муттасил такомиллаштириш;
- * юридик тил ва унинг таркибий қисмларини чуқур илмий-назарий таҳлил этиш асосида юридик тилнинг моделини яратиш;
- * юридик терминлар муаммоларини чуқур илмий асосда ўрганиш;
- * амалиётда ҳуқуқнинг ривожига тўсқинлик қилаётган, қонунни қўллаш учун қийинчилик туғдираётган ифода усулларини аниқлаш;
- * ҳуқуқий нормаларни ифодалашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;
- * қонун таржимашунослиги муаммолари билан шуғулланиш;
- * юридик нутқ назариясини илмий-назарий таҳлил этиш;
- * ҳуқуқшунос кадрнинг касбий фаолияти билан боғлиқ “Суд нотқлиги”, “Ижтимоий нутқий алоқа”, “Судда нутқ сўзлаш ва ҳақиқат муаммолари”, “Юриспруденцияда сўз санъати” каби ўқув курсларининг илмий асосларини белгилаш.

Бу масалаларни фундаментал асосда ўрганиш учун, мамлакатимизда ҳуқуқшунос ҳамда тилшунос олимларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозим ва улар томонидан қонунчилик техникаси бўйича фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши керак. Ўзбек қонунчилиги услубининг ўзбек тилининг ўз табиатиغا мувофиқ ҳолда тегишли лексик-грамматик шакллар асосида қолиплашуви, силлиқлашуви, барқарорлашуви учун ҳуқуқшунос ва тилшунос олимларнинг ўзбек қонун тузиш услубияти юзасидан биргаликдаги илмий тадқиқотлари зарур. Улар томонидан ўзбек юридик тили, унинг тарихий тараққиёт босқичлари, ўзбек қонунчилик услуги юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши, юридик терминлар луғати яратилиши, ҳуқуқнинг турли соҳаларига оид терминлар тартибга солиниши, ўзбек қонун тузиш услубияти махсус соҳа даражасида ўрганилиши зарур. Бинобарин, бу масалага барча масъул шахслар - ҳуқуқшунослар, тилшунослар жиддий эътибор бериши керак, деб ҳисоблаймиз.

Қолаверса, қонунларимизнинг дунё андозалари талабларига тўла жавоб бериши, ҳар жиҳатдан мукамал тузилиши, келажакда Рим қонунлари сингари ижобий ном қолдириши юридик олий ўқув юртларимизда қонунчилик техникасига йўналтирилган махсус бўлим очилиши ва бу ерда қонун тузувчи махсус мутахассислар тайёрланишини йўлга қўйиш лозим. Бу талабаларга ҳуқуқ, тил, мантик, муҳаррирлик ишлари, қонун тузиш сирлари, қонунчилик техникасининг тарихи, бугуни, келажаги, жаҳон қонунчилик техникаси жуда чуқур ва мукамал ўргатилиши зарур. Токи, талабалар юқоридаги билим сирларини илмий ва амалий жиҳатдан пухта ўзлаштириб, етук кадрлар бўлиб етишсин. Шундагина қонунларимиз дунё андозалари талабларига жавоб бериб, ҳуқуқий давлат қуриш учун муҳим шарт-шароитлар яратилади.

3. ЮРИДИК ТИЛ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ

Барча кишилар бир-бири билан тил орқали муомалада бўлгани сингари, қонун ҳам ўз ҳукмини тил воситасида кишилар онгига етказди, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ҳар қандай мамлакатда маълум бир тил давлат тили қилиб белгиланади, давлатнинг бутун фаолияти мана шу давлат тилида олиб борилади, шу жумладан, давлат қонунлари ҳам дастлаб шу тилда қабул қилиниб, сўнгра, зарурат бўлса, ўзга тилларга таржима қилинади. Юридик тил давлат тилининг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан маълум бир нормага солинган ёзма адабий тили асосида иш кўради.

“Юридик тил” термини алоҳида бир тил тушунчасини англатмайди. У “юридик тил” деб номланса-да, миллий адабий тилнинг ажралмас бир таркибий қисми ҳисобланади. “Юридик тил” термини шу маънодаки, унда ҳуқуқшуноснинг ўз фикрини ва ҳуқуқий нормаларни ифодалашда тил воситалари мажмуидан қандай фойдаланиши тушунилади. Тил жамиятдаги ҳамма масалалар бўйича инсонларнинг ўзаро муомала воситаси бўлса, юридик тил эса унинг муҳим бир таркибий қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг қонун, ҳуқуқ иш кўрадиган соҳасига тааллуқлидир.

Айрим илмий адабиётларда тор доирага мўлжалланган ва тор соҳага хизмат қиладиган соҳаларнинг ихтисослашган тили ҳақида гап боради, масалан, ҳозирги замон физика-атом тили ёки математик тил. Бу соҳа ўзининг тор доирадаги кишиларга тушунарли бўлган луғат захирасига эга. Уни ҳамма ҳам тушунавермайди. Шунинг учун бу соҳага хизмат қилувчи тилни ихтисослашган тил деб аташ мумкиндир, лекин юридик тилни ихтисослашган тил деб бўлмайди, чунки қонун ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига тегишли бўлади. У барча

инсонларга (тор доирадаги махсус бир соҳа кишиларига эмас) хизмат қилади. Шунга кўра у асосан юридик терминлар асосида иш кўрса-да, унинг луғат таркибида умумистеъмолдаги сўзлар асосий ўрин тутлади.

Бундан ташқари, юридик терминлар бошқа соҳа терминларига нисбатан халққа яқин бўлади. Масалан, математика, тиббиёт, физика соҳаларининг терминларини ҳамма ҳам тушунавермайди, лекин кишилар кундалик фаолиятида ҳар соат ва минутда ҳуқуққа, қонунга дуч келганлиги туфайли, юридик терминлар кенг оммага тушунарли бўлади. Шу нуқтаи назардан юридик тилни миллий адабий тилнинг бир таркибий қисми сифатида баҳоламоқ керак.

Илмий адабиётларда юридик тил, хусусан, қонун тили тушунчасига турлича шарҳ берилади. Ҳуқуқшунос олим Т.Гизберта-Струдницкий “Юридик тил мавжудми?” мақоласида тилнинг маълум бир ҳудуд бўйича диалект ва шеваларга бўлиниши масаласини ҳал этаётиб, тилни маълум бир соҳалар бўйича қўлланиши ҳақида тўхталиб, “юридик тил” тушунчасини соф лингвистик нуқтаи назардан тушунмасликни таъкидлайди.⁵⁹ Бу фикрга кўпгина ҳуқуқшунослар қарши фикр билдирадilar. Айрим муаллифлар эса, шундай ёзадилар: “Қонунчилик тили бу давлат ҳокимиятининг расмий тили, бу тил орқали давлат ўз фуқаролари билан “гаплашади”.⁶⁰ Польшалик ҳуқуқшунос Бронислав Врублевский эса қонун тили билан биргаликда юридик тилнинг ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидлайди.⁶¹

Бу баҳсга Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар А.Х.Саидов ва Т.П.Сарқисянцлар аниқлик киритиб шундай ёзадилар: “Юридик тил бир қанча кенжа системасига эга: юридик тил ёки давлат юридик тили, илмий юридик тил, суд тили, ҳуқуқшунос-муаллим тили, публицист-юрист тили, прокурор тили, адвокат тили ва бошқалардир. Юридик тилнинг мазкур барча турлари умумий асосга эга ва бир хил тоифага мансуб бўлса ҳам барибир бир-биридан мазмунан фарқ қилади. Масалан, публицист тили ёки адвокат тили кўплаб адабий образлар, истиоралар, қиёслашлар, мисоллар ва бошқалардан фойдалангани туфайли катта ҳиссиёт ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Судья, ҳуқуқшунос-олим ёки қонун чиқарувчиларнинг тиллари эса бошқача характерга эга бўлади. Булар орасида қонун чиқарувчилар тили расмий давлат юридик тили ҳисобланганлиги учун алоҳида ўрин эгаллайди”.⁶² Ҳақиқатан ҳам қонун тили юридик тилнинг ўзаги, туб

⁵⁹ Язык закона. – 16 с.

⁶⁰ Юқоридаги манба. – 17-б.

⁶¹ Юқоридаги манба. – 16-б.

⁶² Саидов А., Сарқисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т.:Адолат,1994. – 5-б.

“мағзи ҳисобланади ва юридик тилнинг барча кўринишлари учун энг муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Юридик тил - биринчи навбатда, давлатнинг ўз фуқаролари билан “гаплашадиган” тили. У юридик тил орқали ўз амрини инсонларга етказди.

Юридик тил учун энг муҳими бирор хатти-ҳаракатни тақиқлаш ёки мумкинлигини билдириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашдир. Содда қилиб айтганда, юридик тил фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ва юриш-туришларини қонуний асосда юритишлари учун давлат ва фуқаролар ўртасида восита вазифасини ўтайди.

Юридик тил кишиларнинг хулқ-атворини бошқарадиган восита бўлиб, бадий ва публицистик нутқлар сингари кишиларнинг ҳис-туйғуларига эмас, балки ақл-идрокига мурожаат этади. Бадий, публицистик матнларни ёзувчи ўзи истаганча тузиши мумкин. Бадий нутқнинг олдига қўйиладиган вазифа, ҳаётни бадийлаштириб, умумлаштириб ифодалашдан иборат. Бунинг учун ёзувчи ўзи хоҳлаган тарзда воқеаларни акс эттириш, турли сўз, ибора, мақола, матал ва топишмоқларни ишлатиши, турли маъно товланишларидан - ўхшатиш, метафора, синекдоха, литота, аллегория, жонлантириш, гипербола ва сўз ўйинларидан фойдаланиши мумкин. Юридик тил эса нутқнинг турли кўринишларидан тубдан фарқ қилади. У инсоннинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, руҳий ҳолатини акс эттирмайди, илмий тушунчаларни ифодаламайди.

Ҳуқуқшунос олим А.С. Пиголькин юридик тил тушунчасига шарҳ бераётиб, “Қонунчилик матни (тили) воқеа-ҳодисаларни, факт ва илмий тушунчаларни, инсонларнинг ҳиссиётларини ифодаламайди. У фақатгина бир кишига нисбатан воқеликни акс эттирмайди. У асосламайди, тушунтирмайди, ишонтирмайди, балки ҳуқуқ субъектларининг маълум бир хулқ-атворини бошқаради, умуммажбурий талабларни акс эттиради”, - деб ёзади.⁶³

Профессор Д.А. Керимов А.С. Пиголькиннинг бу фикрини маъқуллаб шундай ёзади: “Қонун тили қахрамоннинг ҳис-ҳаяжони, ички кечинмаларини, орзу-умидлари ва ҳиссиётларини ифодаловчи ҳамда образ яратувчи бадий услуб эмас. У изоҳ берувчи, ишонтирувчи, асословчи ва, ўз навбатида, фан ютуқларини ифодаловчи усул ҳам эмас. У белгиланган қоида ва кўрсатмаларни ифодалаш усулидир.”⁶⁴

⁶³ Язык закона. – 18 с.

⁶⁴ Керимов Д.А. Законодательная техника. – М.: Норма, 2000. – 61 с.

Юридик тил адабий тилнинг муҳим функционал услуби сифатида ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Шундай хусусиятлардан бири - қонуншунос фикрининг ташқи кўриниши жиҳатидан расмий характерга эга бўлишидир.

Юридик тил - биринчи навбатда, давлат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатнинг тили. У айрим шахсларнинг хоҳиш-истакларини ифодаламасдан, балки шу жамиятдаги барча фуқароларнинг орзу, ният ва интилишларини акс эттиради. Қонунни айрим шахслар томонидан ўзгартириб бўлмагани сингари, юридик тилни ҳам ўзбошимчалик билан ўзгартириб бўлмайди. У давлатнинг амри асосида иш кўради. Одат тусига айланган ва олдиндан мавжуд бўлган услуб, тил шакллари, лексик-грамматик қолиплар асосида иш кўради. Шунга кўра юридик тил, биринчи навбатда, **расмийлик, холислик (нейтраллик)** белгиларига эга бўлади.

Қонун давлат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжат. Унинг амрини шу ҳудудда, жамиятда яшовчи фуқаро, ким бўлишидан қатъи назар, бажариши, унга амал қилиши шарт. Унда ифодаланган ҳуқуқий нормалар тахмин, истак, ёки гумон деб эмас, балки бажарилиши шарт бўлган ҳуқуқий норма деб қабул қилинади. Унинг амри ҳамма фуқароларнинг хоҳиш-иродасидан устун туради. Шунга кўра қонунда **қатъийлик** белгиси кучли бўлади. Буни қонуннинг ҳар бир моддасида кузатиш мумкин. Масалан:

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-м.).

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 12-м.).

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 21-м.).

Матндан кўринадики, бу ҳуқуқий нормалар ўта қатъий ифодаланган. Айниқса, бу моддалардаги “сўзсиз”, “ҳеч қайси”, “ягона фуқаролик” сўзлари ҳуқуқий нормаларнинг қатъийлигини янада оширган.

Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, қатъийлик нисбий тушунча бўлиб, у баъзи қонунларда ўта кучли, айримларида эса сал бўлса-да, кучсизроқ бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан Конституция ўта қатъий ифодаланиш хусусиятига эга бўлади. Буни бош қомусимиз - Конституциянинг ҳар бир моддасида кузатиш мумкин. Ҳуқуқий нормаларнинг қатъий ифодаланиши қонуншуносликда ижобий ҳолат ҳисобланади.

Юридик тил маълум бир тоифадаги айрим кишиларгагина эмас, шу жамиятдаги барча шахсларга тааллуқли бўлади, улар кундалик фаолияти давомида ана шу қонунларга амал қилиб яшайдилар. Шунинг учун барча шахслар давлат қонунлари билан танишганларида қонундаги ҳар бир моддани, ҳар бир сатрни бир хил тушунишлари, бир хил “ҳазм қилиш” лари керак, акс ҳолда, ҳар ким ўзича тушунадиган бўлса, бу турли ножўя ҳаракатларга, оғир оқибатларга олиб келиши, ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг содир этилишига кенг йўл очиши мумкин. Бундай салбий ҳолатларга йўл қўйилмаслик учун қонунда ифодаланаётган ҳуқуқий нормалар ниҳоятда аниқ ва равон тузилиши лозим.

Бадиий матнни, масалан, юз нафар китобхон ўқиса, ҳар ким ўзича тушуниши, турлича, шарҳлаши мумкин ёки бир шахс бадиий матнни бир неча марта ўқиб, ҳар ўқиганда турли маъноларни “кашф” этиши мумкин. Лекин қонун матнини барча фуқаролар бир хил тушуниши ёки уни бир шахс такрор-такрор ўқиганда ҳам фақат ва фақат бир ҳуқуқий маънони англаши лозим. Бусиз қонун ўз кучини йўқотади. Буни юридик тил билан шуғулланувчи ҳуқуқшунослар юридик тилга қўйиладиган энг муҳим ва асосий талаб деб биладилар.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юридик тилнинг аниқлиги юзасидан ғарб ҳуқуқшунос олимлари ўртасида хилма-хил фикрлар мавжуд. Шуниси қизиқки, кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар юридик тилнинг аниқ бўлиш принципини ёқламайдилар. Улар таракқиёт юқори чўққиларга эришиб, инсон онги юксалган ҳозирги пайтда юридик тил мавҳум ва мураккаб бўлишини табиий ҳолат деб биладилар. Жумладан, немис ҳуқуқшунос олими А.Штицнер: “Қонуннинг аниқ ифодаланиши - мамлакат фуқаролари онгининг ривожланиш даражаси пастлигидан дарак беради”, - деб ёзади.⁶⁵

Бу фикрни Ғарб қонунчилиқ техникаси бўйича кўзга кўринган ҳуқуқшунос олим В.Гедеман ҳам маъқуллаб: “Қонуннинг аниқлиги билан боғлиқ муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Қонун ўта мураккаб ҳаётий воқеаларни тартибга солади. Агар қонун ҳар бир ҳаётий воқеага мослаб ёзилса, у ўз ички мазмунини йўқотади ҳамда унинг нормалари ўртасида қарама-қаршилиқларни келтириб чиқаради”, - деб ёзади.⁶⁶

Бундай фикрларга немис ҳуқуқшунос олими Гаральд Киндерманн қарши фикр билдириб, қонунлар тушунарли бўлиши лозимлигини таъкидлаган ҳолда, шуни ҳам қайд этадики, бу қонунларнинг аниқлиги

⁶⁵ Керимов Д.А. Законодательная техника. – М.: Наука, 2000. – 28-29 с.

⁶⁶ Ўша жойда.

билан зиддиятга сабаб бўлади. Барибир қонунларнинг аниқ бўлишини энг муҳим талаб деб билади.⁶⁷

Юридик тилнинг аниқ бўлиш принципини россиялик ҳуқуқшунос олимлар қўллаб қувватлашади. Профессор Д. А. Керимов: “Қонун ижодкорлиги фаолиятининг вазифаси шундан иборатки, қонунларни мумкин қадар аниқ ва тушунарли тузишдан иборат. Чунки қонун фақат судьялар ва давлат амалдорлари учун яратилмайди. У барча фуқаролар учун тегишли бўлади”, - деб ёзади.⁶⁸

“Қонуннинг ноаниқ тузилиши – қонунийликка зарар етказувчи, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик келтириб чиқарувчи асосий манбадир. Ноаниқ қонун - қонун эмас, у ҳуқуқнинг вазифаларини чалкаштиришга сабаб бўлади. Қонунинг аниқлиги – фақат қонунчилик услубининг талаби эмас, балки қонун моҳиятининг энг бирламчи шартидир”.⁶⁹ Академик Л.В.Шчерба бу ҳақда шундай ёзади: “Юридик, тил биринчи навбатда аниқликни, қандайдир чалкашликларга йўл қўймасликни талаб қилади. Манфаатдор шахс ҳуқуқий нормаларни тезликда тушуниши ва ўзлаштириши, енгилгина қабул қилиши шарт”.⁷⁰

Умуман, юридик тилнинг аниқлиги қонунийликни мустақамлашга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқий нормаларни аниқ қўллашга таъсир этиб сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида қонун лойиҳасидаги қоидалар аниқ, оддий ва раво бўлиши лозимлиги таъкидланиши жуда ҳам ўринлидир.

Юридик тилнинг аниқ бўлиши ҳуқуқий давлат куришнинг, қонунчилик обрў-эътиборини оширишнинг ҳамда фуқаролар онгида қонунийликка риоя этиш ҳисларини шакллантиришнинг бош омилидир.⁷¹ “Қонунни амалиётда қўллаш самарадорлиги, кўп жиҳатдан, юридик тилнинг аниқлиги, унинг ғоявий-ахлоқий таъсир этиш кучи, фуқаролар кўнглини топиши, тушунарли бўлиши, улар манфаатларини кўзлаши ҳам катта аҳамиятга эга”.⁷² Шундай қилиб, юридик тилнинг энг муҳим белгиларидан бири - **аниқликдир**.

Юридик тилда аниқликни таъминлаш учун, биринчи навбатда, қонун ёзилаётган тилнинг маълум бир илмий қонун-қоидаларига тўла

⁶⁷ *Kindermann H.* Die Rechtlinien der Gesetzesteshnik. – Berlin, 1978. – S.39-40.

⁶⁸ *Керимов Д.А.* Законодательная техника. – М.: Наука, 2000. – 59 с

⁶⁹ *Ушаков А.А.* Очерки советской законодательной стилистики. – 153 с.

⁷⁰ Современный русский литературный язык // Русский язык в школе. – 1939. – №4. – 24 с.

⁷¹ Язык закона. – 19 с.

⁷² *Саидов А., Қосимова М., Каримова Л.* Кўрсатилган мақола. – 39-б.

бўйсундирилади. Бундан ташқари, юридик тилда шевага хос сўзларни, эскирган сўзлар - историзм ёки архаизмларни, шунингдек, халқ тилига ҳали унчалик сингмаган янги сўзларни (неологизмларни) қўлламаслик керак, унда содда ва тушунарли терминларни қўллаш, ҳаммага маълум ва тушунарли бўлган лексик-грамматик қолиплардан фойдаланиш лозим.

Айниқса, қонун мураккаб, узундан узоқ грамматик қолиплар билан берилмаслиги зарур. Иложи борича гаплар қисқа-қисқа, лўнда-лўнда тузилиши керак. Шунинг учун қонун матнида тил воситалардан мумкин қадар тежаб фойдаланишга, фикрни содда гаплар асосида беришга, қўшма ва мураккаб жумлаларни кўп ишлатмасликка ҳаракат қилинади. Чунки ортиқча сўзлар, сўзларни ўз ўрнида ишлата билмаслик ифодаланаётган ҳуқуқий нормани тушунишни қийинлаштиради. Шу боис ҳам юридик тилнинг энг муҳим белгиларидан яна бири - **қисқалиқдир**.

Қонун чиқарувчи, қонун матнини тузар экан, ўз фикрини мантиқий асосда, аниқроғи, мантиқий кетма-кетлик асосида куришга ҳаракат қилади. Чунки фикрларнинг мантиқий жиҳатдан боғланиши бу нафақат юридик тилда, балки, умуман, бутун инсоният ижодий фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Демак, юридик тилнинг асосий белгиларидан яна бири - **фикрларнинг мантиқий боғлиқлиги ва мантиқий изчиллигидир**.

Юридик матн кишиларга нима қилиш тўғри, нима нотўғри, бундай ҳаракатни содир этсанг, мана бундай жазо белгиланади деб кўрсатади. Содда қилиб айтганда, қонун қандайдир тушунчани фақатгина шарҳлаб ёки тасдиқламасдан, балки нима қилиш лозимлигини ҳам кўрсатади. Шунга кўра юридик тил учун турғун ҳолат эмас, **йўлловчилик** (динамиклик) хусусияти хосдир.

Юридик тилнинг муҳим белгиларидан яна бири унинг **қолиплашганлик** (шаблонлашган) характерга эга бўлишидир. У ёки бу ҳуқуқий тушунчалар қўлланавериб қолиплашиб қолади. Масалан, *Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси... - моддасининг биринчи қисмига мувофиқ...; Маъмурий жавобгарлик кодексининг... -моддаси бўйича жавобгарликка тортилади* каби қолиплашган лисоний тизимларни мисол сифатида келтириш мумкин. Юридик тилнинг маълум бир қолиплашиши бу унинг ижобий жиҳатидир. Чунки юридик тилни маълум бир жумла, сўз бирикмалари асосида шакллантириш ҳуқуқий нормани ёки ҳуқуқий тушунчани осонлик билан тушунилишига, фуқаролар томонидан тез қабул қилинишига, улар онгига бу қонуннинг тез сингишига сабаб бўлади. Шунинг учун юридик тилни маълум бир жумлалар асосида қолиплаштириш лозим.

Ҳуқуқий нормаларни баён этишда иложи борича шундай қолиплардан кенг фойдаланиш зарур. Бунда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қолиплар халқ манфаатини кўзлаб мумкин қадар қисқа ва аниқ тузилиши лозим. Қонунни тузишда шу қолипларни бузмасликка, уларни ягона шаклда ишлатишга амал қилиш керак.

Шундай қилиб, ҳар қандай юридик тил, биринчи навбатда, **расмийлик, нейтраллик, қатъийлик, аниқлик, қисқалик, мантикий изчиллик; йўлловчилик (динамиклик), қолиплашганлик** белгиларига эга.

Дарҳақиқат, юридик тил бир вақтнинг ўзида ўз-ўзидан пайдо бўладиган нарса эмас. У умумадабий тил асосида иш кўрса-да, унинг барча хусусиятларини қамраб ола олмайди. У лисоний тизимлар асосида йиллар давомида ривожланиб, сайқаллашиб, юксалиб боради. Унинг ҳар доим тўла талабга жавоб бериши учун ҳуқуқнинг ўзгариши, ривожланиши билан бирга юридик тил ҳам ўрганилиб, иш бермаётган, ҳуқуқ ривожланишига тўсқинлик қилаётган айрим лисоний бирликлар “олиб ташланиши”, янгиланиб, тўлдириб борилиши, ҳуқуқий нормаларни янада аниқроқ ифодалаш учун айрим лексик-грамматик бирликлар ижод этилиши зарур. Ҳуқуқшуносликнинг ўзи ривожланса-ю, лекин уни ифода этувчи тил бирликлари бу талабга жавоб бера олмаса, бу, ўз навбатида, ҳуқуқнинг ривожланишига салбий таъсир этади.

4. ЮРИДИК ТИЛ ЛЕКСИКАСИ ВА УНИНГ ТАСНИФИ

Умумадабий тилдаги ҳар қандай услуб маълум бир мақсад ва вазифага қаратилган бўлади. “Илмий нутқнинг мақсад ва вазифаси илмий алоқадан: информация берувчи - олимлар, қабул қилувчи - олий маълумотли кишилардан, алоқа формаси ёзма ёки оғзаки адабий нутқ формасидан иборат бўлишидир. Шу факторлар натижасида илмий услуб шаклланади ва яхлит адабий тил фонида бошқа нутқ туридан ажралиб туради”.⁷³

Бадиий услубнинг мақсад ва вазифаси эса, ҳаёт воқеликларини бадиийлаштириб, умумлаштириб, ҳаққонийлик билан ёритиб беришдан, бундан ташқари, тингловчига эстетик ва эмоционал таъсир кўрсатишдан иборат. Асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш учун ёзувчи тилнинг барча лексик ва грамматик воситаларидан, шунингдек, турли бадиий тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланишга, янги-янги ифода воситаларини яратишга ҳаракат қилади. Шунга кўра

⁷³ Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Т., 1984. – 16-б.

барча услублар тил воситаларини ишлатиш юзасидан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Ижтимоий ҳаётнинг маълум бир соҳасига хосланган ҳар қандай услуб адабий тил доирасида иш кўрса-да, адабий тилда мавжуд бўлган барча тил воситаларини ўзида тўла акс эттира олмайди, тил воситаларининг айрим томонларинигина ўзида мужассамлаштириши ёки умуман ифодамай олмаслиги мумкин.

Юридик тил ҳам расмий иш услубининг асоси сифатида, лексик-семантик жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эгадир. Маълумки, юридик тилнинг қатъийлик, холислик (нейтраллик), расмийлик, аниқлик ва қисқалик ва мантиқий изчиллик хусусиятлари унинг асосий белгиларидир.

Бу белгилар умумида адабий тилдаги барча сўзларнинг юридик тилда қўлланилмаслигини тақозо этади ҳамда юридик тилнинг лексик жиҳатдан сўз танлаш мезонини белгилайди.

Юридик тилдаги барча сўзларни ўз мазмун ва моҳиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга таснифлаш (классификация қилиш) зарур:

1. Умумистеъмолдаги лексика.
2. Фразеологик лексика.
3. Терминлар лексикаси.

Умумистеъмолдаги лексика. Умумистеъмолдаги лексика барча функционал услубларда ишлатиладиган, қўлланиш доираси чегараланмаган, шунингдек, барча кишилар учун тушунарли бўлган сўзлардир. Улар инсонларнинг кундалик фаолиятида кенг қўлланилади. Бундай сўзларга *виждон, инсон, сўз, ахборот, ҳаёт, шароит, тажриба, сир, мулк, меҳнат, дам олиш, таълим, тарбия* каби сўзларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бундай сўзлар ҳар қандай тил луғат таркибининг асосини ташкил қилади.

Юридик тилда ҳам умумистеъмолдаги сўзлар кенг қўлланади. Ҳуқуқий нормаларни ифодалашда умумистеъмолдаги сўзлар юридик тил лексикасининг асосий қисмини ташкил қилади. Масалан:

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 4-модда).

Кўринадикки, бу ҳуқуқий нормани ифодалашда ҳаммаси бўлиб 28 та сўз қатнашган бўлиб, шундан қуйидаги 23 таси умумистеъмолдаги сўзлардир: *тил, ўз, ҳудуд, истиқомат қилувчи, барча, миллат, элат, урф-одат, анъана, ҳурмат қилиниши, таъминлайди, улар, ривожланиши, ва, учун, шароит яратади* каби умумистеъмолдаги сўзлар иштирок этган.

Юридик тилда умумистеъмолдаги сўзларнинг кўпчиликни ташкил қилиши бу табиий ҳол ҳисобланади, чунки қонун азал-абад мазмунан беҳад хилма-хил, айти пайтда, бениҳоя қамрови кенг ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб турадиган ҳужжат бўлиб, унга фақат мутахассисларгина эмас, балки мамлакатнинг барча фуқаролари бирдай у ёки бу йўсинда мурожаат қиладилар. Бу ҳолатни алоҳида таъкидлаб, “Юридик тил” китобининг муаллифлари шундай ёзадилар: “Қонунчилик кенг тарқалган терминлардан фойдаланади, у тилнинг одатдаги луғати асосида қурилади”.⁷⁴

Ҳақиқатан ҳам, қонун тил жиҳатидан кенг омманинг идрок имконларини ҳисобга олган ҳолда тузилмоғи зарур, бусиз қонун ва жамият ўртасидаги узлуксиз алоқанинг устуворлигини таъминлаш амримаҳол. Ана шу маънода юридик тилда умумистеъмолдаги лексика салмоғининг юқори бўлиши зарурийдир, юридик тилнинг лексик жиҳатдан ўта ихтисослашуви мақсадга мувофиқ эмас.

Юридик тилда умумистеъмолдаги сўзларнинг қўлланиши ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқа қонунларга нисбатан Конституцияда умумистеъмолдаги сўзлар жуда кенг ишлатилади. Кузатишлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида юқорида таъкидлаганимиздек, 5421 та сўз ишлатилган бўлса, шунинг етмиш фоизини умумистеъмолдаги сўзлар ташкил қилади. Бундай сўзлар гуруҳига қуйидагиларни мисол сифатида киритиш мумкин: *халқ, манба, ҳаёт, муҳим, масала, умумий, иш, алоҳида, принцип, инсон, шаън, қадр-қиммат, қадрият, фаолият, меҳнат, фаровонлик, тил, дин, эътиқод, барча* ва бошқалар.

Шунингдек, баъзи умумистеъмолдаги сўзлар сўзлашувдаги эмоционал-экспрессивлик хусусиятини йўқотиб расмийлик касб этади. Масалан, сўзлашувда *ўзрилиқ, чайқовчилик, фирибгарлик* сўзлари услубий бўёққа эга бўлиб, кўпроқ салбий маънода қўлланади. Қонун матнида эса уларнинг бу хусусиятлари йўқолиб, расмийлик, аниқ бир маънолилиқ хусусиятига эга бўлади, натижада улар юридик термин вазифасини бажарди. Масалан:

Ўзрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тароғ қилиш -

... уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

(Жиноят кодекси 169-м).

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мол-мулкани ёки мулкый ҳуқуқларини қўлга киритиш -

⁷⁴ Язык закона. – 15 с.

... олти ойгача қамоқ билан жазоланади

(Жиноят кодекси 168-м).

Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, юридик тил умумистеъмолдаги барча сўзлар гуруҳини ҳам қабул қилавермайди.

Фразеологик лексика. Нутқда нафақат сўзлар, балки сўз бирикмалари ҳам фаол қўлланади. Жумладан, *жиноят кодекси, маъмурий кодекс, жиноят ҳуқуқи* кабилар. Бундай сўз бирикмалари икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топса-да, луғавий жиҳатдан бир маънони ифодалайди, яъни бир сўзга тенг келади, масалан *жиноят кодекси* дейилганда жиноятга жазо белгилаш тўғрисидаги кодекс тушунилади.

Бундай бирикмалар эркин бирикмалар саналиб, уларнинг ўрнини истаган сўзлар билан алмаштириш мумкин, масалан, *жиноят ҳуқуқи - жиноят процесси - жиноят кодекси*. Лекин унда улар бошқа-бошқа ифода воситалари сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, тилимизда турғун бирикмалар ҳам мавжуд бўлиб, уларни бир-биридан ажратганда улар шу маънони бермайди. Масалан, *айбини бўйнига олмоқ, меҳнат қобилиятини йўқотмоқ, жиноят ишини тугатмоқ* кабилар. Бундай бирикмалар кўчма маъно касб этиб, улар ўзларининг тўғри маъносида қабул қилинмайди. Бундай турғун бирикмалар қонун матнларида кенг қўлланади. Масалан, *айбини бўйнига олмоқ* деганда айбдор айбини тан олганлиги, *жиноят ишини тугатмоқ* деганда жиноят ишини олиб бориш тамомланганлиги тушунилади. Тилшунослик илмида бундай турғун бирикмалар - ибора (фразеологизм) деб юритилади. Масалан:

Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзларни эшитиб бориш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

(Жиноят-процессуал кодекси, 18-модда)

Кўриниб турибдики, бу моддада *эгаллаб турмоқ, тинтув ўтказмоқ, олиб қўйиш, кўздан кечириш, хатлаб қўйиш, сўзлашув қурилмалари, олиб бормоқ, амалга оширмоқ* каби иборалар мавжуд.

Умуман, бугунги кундаги қонун матнларида *атроф-муҳитни соғломлаштирмоқ, меҳнат қобилиятини йўқотмоқ, жазони енгиллаштирмоқ, айбни оғирлаштирмоқ, айбини бўйнига олмоқ, айбини бўйнига қўймоқ, жиноят иши қўзгатмоқ, ишни очиқ кўрмоқ* каби бир қанча иборалар қўлланилмоқда.

Бундай ибораларнинг юридик тилда кенг қўлланишининг объектив сабаби бор, албатта. Маълумки, юридик тилга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири аниқликдир. Бу талабни бажариш учун кўплаб ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва, шунингдек, ҳаётнинг турли соҳаларидан олинган терминлар ишлатилади. Ибораларнинг ҳам энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, улар терминларга яқин туради. Шунинг учун ҳам баъзи иборалар қонун матнларида кўп ишлатилади.

Юридик матнда қўлланиладиган иборалар ҳуқуқий соҳага тегишли бўлган ёки шу соҳага яқинроқ бўлган тушунчаларни ифодалайди. Масалан, *меҳнат қобилиятини йўқотмоқ* ибораси меҳнат қилишга қодир эмасликни, *жиноят иши қўзғатмоқ* ибораси бирор факт, воқеа-ҳодисанинг асл моҳиятини аниқлаш учун олиб бориладиган тергов ишларини бошлаш, *жавобгарликка тортмоқ* ибораси содир этилган бирор жиноят учун суд олдида жавоб бериш маъноларини англатади.

Кўринадикки, юридик тилда умумистеъмолдаги ҳамда фразеологик лексика жуда фаол қўлланиб, улар ҳуқуқий нормаларни юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида мукамал ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

III БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

1. ЮРИДИК ТИЛДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Юридик тилга қўйиладиган расмийлик, қатъийлик, нейтраллик, ўта аниқлилик, қисқалик каби талаблар қонун матнларида ҳамма сўзларни ишлатмасликни, барча функционал услубларда қўлланадиган сўзларни ишлатишни тақозо этади. Терминларда эса айнан мана шундай хусусиятлар тўла мавжуд. Шу боис, нутқнинг бошқа турларига нисбатан, юридик тилда терминлар кенг қўлланиб, улар юридик тилнинг асосий луғавий таркибини ташкил қилади.

Бундан ташқари, юридик матн ўз мақсад ва моҳиятига кўра барча томонидан айнан бир хил идрок этилмоғи, англомоғи шарт. Агар терминларнинг маъноси тавсифий йўл билан берилса, улар ўрнида тавсифий ифода ва жумлалар қўлланса, ўз-ўзидан ҳуқуқий нормани турлича талқин қилиш учун йўл очилади.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар ҳуқуқий нормаларни ифодалашда кўпроқ терминларни ишлатишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда ҳуқуқшунос В.Н. Когон шундай ёзади: “Қонун матнининг фақат терминлардангина ташкил топиши – энг юксак орзудир. Бунга ҳуқуқ доимо интилади, лекин ҳуқуқшунослик фани ва мақсадининг мураккаблигидан бу юксак орзуга эришиб бўлмайди”.⁷⁵

Юридик тилдаги терминларнинг аксарият қисми барча фуқаролар учун тушунарли бўлади. Чунки улар (фуқоролар) кундалик ҳаёти давомида ҳуқуқий нормаларга асосланиб иш тутадилар, фаолият юритадилар. Шунинг учун, юридик терминлар кенг омма учун яқин бўлади. Шундай бўлса-да, тадқиқотчилар томонидан “қонун матнида оддий ва тушунарли терминларни қўллаш керак”лиги кўп таъкидланади.⁷⁶

Юридик тилда қўлланиладиган барча терминларни қуйидагича гуруҳлаштиришни лозим топдик:

- 1) ижтимоий-сиёсий терминлар;
- 2) юридик соҳага оид бўлмаган терминлар;
- 3) кенг қўлланадиган, аммо ҳуқуқий ҳужжатда махсус маъно касб қиладиган терминлар;
- 4) соф юридик терминлар.

⁷⁵ Когон В.Н. К вопросу о формализации отрасли права // Вопросы кибернетики и права. – М.: Наука, 1967. – 106 с.

⁷⁶ Язык закона. – 19 с.

Ижтимоий-сиёсий терминлар. Ҳар қандай давлатнинг сиёсий устқурмаси фаолияти қонунларда ифодаланади. Шунга кўра шу давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, миллий мафкураси, ижтимоий-сиёсий воқеалари, улар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар қонун матнларида ўз аксини топади, шунингдек, қонунни яратувчи “муаллиф” – давлат, ҳукумат, жамиятдир. Қонун шу давлат, шу жамият манфаатларига хизмат қилади. Шунинг учун қонун матнларида кўплаб ижтимоий-сиёсий терминлар қўлланилади. Бундай ижтимоий-сиёсий терминларга *давлат, давлат ҳокимияти, мустақиллик, истиқлол, ҳокимият, референдум, республика, парламент, депутат, байроқ, герб, давлат мадҳияси, фуқаро, миллий мафкура, касаба уюшмаси, виждон эркинлиги, миллат, маҳаллий ҳокимият органлари* кабиларни мисол қилиш мумкин.

Тилшунос А.А. Бурячок терминларда ижтимоий-сиёсий терминларнинг ўрни ҳақида “улар терминлар лексикасининг асосий қатламидир”, - деб ёзган эди.⁷⁷

Ҳақиқатан ҳам, юридик матнларда ижтимоий-сиёсий терминлар юридик тилда қўлланиладиган терминларнинг бошқа гуруҳларига нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Айниқса, бундай ҳолат Конституцияда жуда ҳам юқоридир. Масалан, мамлакатимиз Конституциясининг биринчи бўлимида ҳаммаси бўлиб 498 та сўз ишлатилган бўлса, шундан 119 таси ижтимоий-сиёсий терминларга, 41 таси соф юридик терминларга тўғри келади. Конституцияда бошқа соҳаларнинг терминларига нисбатан ижтимоий-сиёсий терминларнинг кўп бўлиши табиий ҳолат ҳисобланади. Чунки у Бош қомус сифатида мамлакатнинг бутун ижтимоий сиёсий ҳаётини белгилаб берувчи, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитадиган расмий ҳужжатдир.

Юридик соҳага оид бўлмаган терминлар. Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, албатта, шу соҳанинг ички ва ташқи тартиб-интизоми бўлади. Бу қонун қабул қилиш йўли билан мустаҳкамланади. Бундай қонун матнларида ижтимоий-сиёсий терминлар билан биргаликда шу соҳага тегишли бўлган терминлар ҳам кенг қўлланилади. Масалан:

қишлоқ хўжалигига оид қонун матнларида: *ер мониторинги, лимит, питомник, давлат ер кадастри, ер кадастри, кадастр* кабилар;

химия саноатига оид қонун матнларида: *модда, азот, туз, ишқор, кислота, кислород, асос, реакция, темир* кабилар;

адабиёт ва санъат соҳасига оид қонун матнларида: *театр, актер, артист, ҳофиз, рассом, маданият* кабилар.

⁷⁷ Бурячок А.А. Формирования стильного фонда социально-политической лексики восточнославянских языков. – Киев, 1989. – 22 с.

Қонун қанчалик тор доирадаги кишиларга, яъни фақат маълум бир соҳа ходимларигагина мўлжалланган бўлса, унда шу соҳанинг терминлари шунчалик кўп қўлланиши кузатилади. Бундай қонун матнларида ижтимоий-сиёсий терминларга нисбатан шу соҳа терминлари кўп ишлатилади. Жумладан, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Наслчилик тўғрисидаги қонунда: *наслчилик, селекция, генетик белги, генофонд, наслдорлик* сингари 400 га яқин терминлар ишлатилган. Ҳатто, айрим моддаларнинг асосан шу соҳага оид терминлардан тузилганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан:

3- модда. Наслчилик объектлари

Наслдор ҳайвонлар - қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, шунингдек паррандалар, балиқлар, асаларилар, ипак қурти, ёввойи ҳайвонлар (бундан буён матнда ҳайвонлар деб юритилади) ва уларнинг насли маҳсулоти наслчилик объектлари ҳисобланади.

Кўринадикки, айрим соҳаларигагина оид бўлган қонун матнларида шу соҳага оид терминлар кўпчиликини ташкил қилади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида бундай қонунларнинг барча учун тушунарли бўлмаган терминлардан ташкил топишига йўл қўйилади. Чунки бундай қонунларнинг шу соҳа ходимлари учунгина тушунарли бўлиши табиий ҳолдир.

Кенг қўлланадиган, аммо ҳуқуқий ҳужжатда махсус маъно касб этадиган терминлар. Юридик тилда қўлланиладиган терминларнинг яна бир гуруҳи борки, бу терминларни ижтимоий-сиёсий терминларга ҳам, юридик терминларга ҳам киритиб бўлмайди. Бундай терминлар оммавий равишда кундалик фаолиятимизда жуда кўп ишлатилса-да, уларнинг туб илдизида расмийлик ётади, ўз навбатида, уларни том маънодаги ҳуқуқий соҳанинг термини, деб ҳам бўлмайди.

Бундай терминлар ҳуқуқий ҳужжат матнига киргач, ўз маъносини бир қадар торайтириб, махсус маъно касб этади. Бундай терминларга юридик тилда қўлланиладиган ҳар хил иш қоғозларининг номлари *ариза, шикоят, тавсиянома, таржимаи ҳол, ишонч хати, мажлис, меҳнат стаж*и каби терминларни киритиш мумкин. Улар қонун матнларида қўлланиши жиҳатидан камчиликни ташкил қилади.

Шундай қилиб, қонун матнларида ишлатиладиган терминларнинг асосини ижтимоий-сиёсий, юридик ҳамда юридик соҳага оид бўлмаган терминлар ташкил қилади.

2. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбек ҳуқуқшунослик фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ўзининг узоқ асрлик тарихига эга. У энг қадимий манбалар - “Авесто”

(эрамиздан олдинги IX-IV асрлар), Сўғд ҳужжатлари каби ёзма ёдгорликларда ўз аксини топган бўлиб, ўша даврнинг энг муҳим ҳуқуқий манбаси сифатида жаҳон олимларини ўзига жалб этиб келмоқда. Айниқса, ўзбек халқининг тарихида ислом ҳуқуқи – шариат алоҳида ўрин тутди. У Ўзбекистонда тоталитар шўролар тузуми мажбуран ўрнатилгунга қадар амалда бўлиб, ўзбек миллий-тарихий ва ҳуқуқий-маънавий меросида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбек қонунчилиги ўзбек адабий тили асосида иш кўради. Шунга кўра, ўзбек миллий юридик терминларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ўзбек халқининг, ўзбек ҳуқуқшунослиги фанининг тарихи билан бевосита чамбарчас боғлиқ.

Ўзбек юридик терминларининг ривожланиш тараққиётини аниқлаш мақсадида шариат манбаларини, айниқса, собиқ совет ҳокимияти даврида, яъни октябрь тўнтаришидан то ҳозиргача қабул қилинган қонунларни ва бу даврда яратилган юридик терминлар луғатини ўрганиб чиқдик.

Бу кузатишлар 1920-2010 йилларда юридик терминлар 5 даврни босиб ўтганлигини кўрсатди. Бу даврларни қуйидагича номлаш мумкин:

1. Арабча юридик терминларнинг салмоқли ўрин эгаллаган даври (1920-1937 йиллар).

2. Русча (европача) юридик терминларнинг мажбуран ёппасига киритилиши (1938-1950 йилларнинг ўрталаригача).

3. Русча (европача) юридик терминлар кириб келишининг бир маромга тушиши (1950 йилнинг ўрталаридан 1990 йилгача),

4. Русча (европача) юридик терминларни ўзбекчалаштириш жараёнининг бошланиши (1989-93 йилларда).

5. Ўзбек юридик терминлари тараққиётининг тўғри йўналиш тамойиллари белгилаб олиниши.

Арабча юридик терминларнинг салмоқли ўрин эгаллаган даври

Таъкидланганидек, рус истилосигача ўзбек халқининг ҳуқуқий тизими шариат ҳисобланган. Шариат нормалари араб тилида битилган бўлиб, шунга кўра бу даврларда ўзбек ҳуқуқий тушунчалари араб тилидаги сўз ва терминлар асосида юритилар эди.

Октябрь тўнтаришидан сўнг қози судлари йўқотилиб, совет судлари вужудга келди ва шу даврлардан бошлаб кўплаб қонунлар қабул қилинди. Дастлабки йилларда ўзбек юридик тилини яратиш борасида, яъни рус тилида ёзилган қонунлардаги ҳуқуқий сўз ва терминларни ўзбек тилида қандай ифодалаш мумкинлиги ҳақида кўпдан-кўп тортишувлар бўлди.

Айрим олимлар русча юридик терминларни илгаридан мавжуд бўлган, яъни шариат нормаларидаги арабча терминлар асосида

юритишни таклиф қиладилар. Шу нуқтаи назардан бу йилларда бир қанча юридик терминлар араб тилидан олинган терминлар асосида юритилди, масалан: *прокурор - муддаи умуми, томонлар - тарафайин, нотариус - мукавала маъмури, ҳомийлик ҳуқуқи - васоят ҳуқуқи, озошлик ҳуқуқи - варосат ҳуқуқи* тарзида.

Айрим олимлар эса ўзбек юридик терминларини туркий тилларга хос сўзлар асосида юритишни маъқул деб биладилар. Бу йўлда маърифатпарвар олим Ғози Юнус томонидан кўп ишлар қилинди. У 1926 йилда “Русча-ўзбекча қисқача ҳуқуқий ва сиёсий луғат”ни тузди.⁷⁸ У луғатда русча юридик терминларни туркий сўзлар асосида беришга ҳаракат қилган, у бу ишда кўпроқ буюк жаҳонгир Амир Темурнинг “Темур тузуклари” китобига асосланади ва кўп юридик терминларни шу китобдан олади. Масалан: *суд-йорғу, гувоҳ - айговчи, кодекс - тузук, судья - йорғувчи*.

Шу терминларга асосланган ҳолда 1926 йилда “Ўзбекистон Ижтимоий Шўро Жумҳуриятининг жазо тузуги” номли жиноят кодекси, “Ўзбекистон Ижтимоий Шўро Жумҳуриятининг жазо-йўруқ тузуги” номли жиноят-процессуал кодекслари нашр этилди.

Умуман, бу йиллардаги қонун матнларига назар ташлайдиган бўлсак, унда барибир арабча юридик терминлар салмоқли ўрин эгаллашини кўриш мумкин.

ТЕРМИННИНГ ҲОЗИРГИ НОМИ	ТЕРМИННИНГ 1920-30 ЙИЛЛАРДАГИ НОМИ
<i>Конституция</i>	<i>Асосий Қонун, Асли Қонун, Қонуни Асосий</i>
<i>Жиноят кодекси</i>	<i>жазо тузуги, жазо қонунлари мажмуаси</i>
<i>Жиноят-процессуал кодекси</i>	<i>жазо-йўруқ тузуги, жиноят муҳокамасининг қонунлар мажмуаси.</i>
<i>Декрет</i>	<i>Фармойиши</i>
<i>маълумотнома</i>	<i>Кафирнома</i>
<i>манифест</i>	<i>Баённома</i>
<i>жарима</i>	<i>жазо пули</i>
<i>жиноят ҳуқуқи</i>	<i>жазо ҳуқуқи</i>
<i>кодекс</i>	<i>тузук, кодекс, қонунлар мажмуаси</i>
<i>устав</i>	<i>устав, низомнома, дастуриламал</i>
<i>суд тузилиши</i>	<i>суд тузув</i>
<i>пленум</i>	<i>ялпи ўлтириши</i>
<i>инструкция</i>	<i>дастуриламал</i>

⁷⁸ Ғози Юнус. Русча-ўзбекча қисқача ҳуқуқий ва сиёсий луғат. – Т., 1926. – 33-б.

<i>милиционер</i>	<i>миришаб, соқчи</i>
<i>шартнома</i>	<i>Муаҳда</i>
<i>муддат</i>	<i>мурури замон</i>
<i>трибунал</i>	<i>ҳукм минбари</i>
<i>судья</i>	<i>воситачи, қози, йорғучи</i>
<i>инспекция</i>	<i>Нозирлик</i>
<i>съезд</i>	<i>Қурултой</i>
<i>союз</i>	<i>Уюшма</i>
<i>байналмилал</i>	<i>байналхалқ</i>
<i>пролетариат</i>	<i>Йўқсил</i>
<i>империализм</i>	<i>жаҳонгирлик</i>
<i>археология</i>	<i>осориатиқа</i>
<i>диалектик материализм</i>	<i>мужодалавий моддачилик.</i>

Бу даврнинг ўзига хос хусусияти сифатида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йиллардаги айрим юридик терминларнинг дастлабки шакллари ҳозиргига нисбатан ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини тўғри ифодалаган. Жумладан, *жазо тузуги, жазо-йўруқ тузуги, жиноят муҳокамасининг қонунлар мажмуаси, жазо ҳуқуқи* терминлари ҳозирги *жиноят кодекси, жиноят-процессуал кодекси, жиноят ҳуқуқи* терминларига нисбатан ҳуқуқий тушунчанинг моҳиятини тўғри англаган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда муаммоли бўлган айрим терминлар 20 йилларда қабул қилинган шаклига қайтмоқда. Жумладан, *инспекция* ўрнида *нозирлик*, *союз* ўрнида *уюшма*, *археология* ўрнида *осориатиқа* терминлари ишлатилмоқда.

1933 йилда маъмурий-ҳуқуқий луғат чоп этилди. Бу луғатда ҳам русча сўзларни мумкин қадар ишлатмасликка, кўпроқ арабча, шунингдек, туркий тилларга хос ясама юридик терминларни киритишга ҳаракат қилинган. Бундай интилиш ва арабча юридик терминларни сақлаб қолиш анъанаси 1938 йилгача давом этган.

Русча (европача) юридик терминларнинг мажбуран ёппасига киритилиши. 1938 йилдан бошлаб ўзбек қонунларининг матнларида ёппасига бир қанча русча юридик терминлар қўлланила бошланди. Буни Ф.С. Бакировнинг кузатишлари ҳам тасдиқлайди. Унинг аниқлашича, 1927 йилда нашр этилган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг биринчи бўлимида 41 та юридик термин мавжуд бўлиб, шундан 38 таси арабча, 3 таси русча юридик терминлар бўлган. 1938 йилда қайта нашр этилган китобнинг шу бўлимида 41 та юридик терминдан 35 таси русча юридик терминга айлантирилган, 6 таси эса арабча юридик терминлигича қолган ёки 1927 йилда чоп этилган

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг “Давлатга қарши жиноятлар” бўлимида 142 та юридик термин қўлланилган бўлиб, шундан 123 таси арабча, 19 таси русча бўлган. 1938 йилда қайта нашр этилган шу китобнинг юқоридаги бўлимида 142 та юридик терминдан 129 таси русча юридик терминга айлантирилган, қолган 13 таси арабча юридик терминлигича қолган.⁷⁹

Умуман, бу йилларда (1938-1950 йилларнинг ўрталаригача) русча юридик терминлар мажбуран, (уларнинг ўзбекча муқобили бўлса-да) сунъий равишда, ёппасига олиб кирила бошланди. Бу йилларда амалда бўлган қонун матнларига назар ташлайдиган бўлсак, унда куйидаги терминлар рус тилида қандай бўлса, ўзбек тилида ҳам шундайлигича ишлатилганини кўриш мумкин: *отвод, давность, секретарь, протокол, заседатель, суд состави, орган, определение, эксперт, свидетель, гражданлик делоси, статья, штраф, справочник* кабилар. Бу жараён 1950 йилларнинг ўрталаригача давом этди. Бу даврда русча юридик терминлар таркибининг кескин ошиб кетишининг сабаблари, 1920 йилларнинг охирларидан бошлаб шўролар томонидан “барча тилларнинг ассимиляцияси (бирлаштириш)” сиёсати олиб борилди. Бу ҳаракатнинг бошчиси И.В.Сталин бўлиб, у 1929 йилнинг май ойида “Миллий масала ва ленинизм” асарини ёзди. Асарнинг учинчи қисми “Миллатлар ва миллий тилларнинг келажаги” деб номланган бўлиб, унда миллий тиллар тақдири ҳақида шундай дейилади: “Миллий тафовутлар ва миллий тиллар йўқ бўлиб кета бошлайдилар, улар ўз ўринларини ҳамма учун умумий бўлган дунё тилига (рус тилига - Ш.К.) беради”.⁸⁰ Бу “таълимот”нинг “илмий-назарий қоидалари” грузиялик тилшунос олим Н.Я.Марр (1864-1934) томонидан ишлаб чиқилди. Бу “назария”ни амалиётга мажбуран жорий этиш 1937-1950 йилларнинг ўрталаригача ниҳоятда кучайди.

Русча (европача) юридик терминлар кириб келишининг бир маромга тушиши. 1950 йилларнинг ўрталаридан бошлаб, русча юридик терминлар кириб келиш жараёни бир оз секинлашди. Бу даврга келиб, ҳатто, айрим (1938-1950 йилларнинг ўрталаригача русча бўлган) терминларни ўзбекчалаштиришга эришилди, чунончи, бу йиллардаги қонун матнларида русча *заседатель - маслаҳатчи, определение - ажрим, свидетель - гувоҳ, статья - модда* тарзида берилди, лекин асосий юридик терминлар рус тилида қандай бўлса, уларни ўзбек қонунларининг матнларида шундайлигича ишлатиш давом этди.

⁷⁹ Бакиров Ф. Некоторые вопросы узбекской юридической терминологии. // Учен. зап. Таш. юрид. ин-та. Вып. 1. – Т., 1956. – 283 с.

⁸⁰ Сталин И.В. Соч., Т. 11. – 349 с.

1959 йилда ҳуқуқшунос олим Ф. Бакиров томонидан “Юридик терминлар луғати”⁸¹, 1983 йилда Ф. Муҳитдинов, К. Мирзажоновлар томонидан “Юридик терминларнинг қисқача русча-ўзбекча луғат-справочниги”⁸² нашр этилди. Бу луғатларда ҳам айрим юридик терминларнинг ўзбекча муқобили бўлса-да, уларнинг ўрнида кўпроқ русча терминларни бериш тамойилига амал қилинди.

Русча (европача) юридик терминларни ўзбекчалаштириш жараёнининг бошланиши ва ундаги айрим бир ёқлама ҳаракатлар (1989-1993 йиллар). 1989 йил 21 октябрь ўзбек тилининг Давлат мақомини олиши ва Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганилиги шарофати билан бугунги кунда ўзбек юридик тилини ривожлантириш юзасидан ижобий жараён кечмоқда. Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида Рус ва Европа тилларидан ноўрин ўзлашган аксарият юридик терминларнинг ўзбекча муқобил шакллари танланмоқда.

1993 йилда масаланинг ниҳоятда муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос олимлар Ғ.Аҳмедов, А.Саидов, У.Бозоров раҳбарлигида “Юридик терминлар ва иборалар луғати” яратилди.⁸³ Бу луғатда Европа тилларидан ўзлашган юридик терминларнинг ўзбекча муқобилларини беришга ҳаракат қилинган бўлиб, бу билан луғатни тузувчилар октябрь тўнтаришидан сўнгги дастлабки луғат тузиш анъанасини давом эттирганлар.

Луғатнинг энг аҳамиятли томони шундаки, унда Европа тилларидан ўзлашган юридик терминларнинг ўзбекча муқобили ўзбек халқининг, ўзбек тилининг ички хусусиятларидан келиб жуда тўғри танланган. Масалан: *аукцион - ким ошди савдоси, гонорар - қалам ҳақи, двоевластие-қўшҳокимиятчилик, арест дисциплинарный - интизомий қамоқ, выездное судебное заседание - сайёр суд мажлиси* кабилар.

Аммо, луғатдаги барча сўзларнинг, юридик терминларнинг ўзбекча муқобили тўғри танланган деб бўлмайди, унда айрим бир ёқлама ҳаракатлар ҳам кузатилади. Чунончи: *Ветеран Великой Отечественной войны - Улуг Ватан уруши кайвонийси (?) Ветеран Труда - меҳнат кайвонийси (?)* яъни *ветеран* термини *кайвоний* деб берилади.⁸⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *кайвоний* сўзининг: 1) *дастурхончи хотин*, 2) *уй бекаси*; 3) *кўп нарсани биладиган, билимдон*

⁸¹ Бакиров Ф.С. Юридик терминлар луғати. – Т., 1959.

⁸² Муҳитдинов Ф. Мирзажонов К. Юридик терминларнинг қисқача русча-ўзбекча луғат-справочниги. – Т., 1983

⁸³ Юридик атамалар ва иборалар луғати. – Т.: Адолат, 1993.

⁸⁴ Ўша жойда. – 19-б.

маънолари қайд этилади.⁸⁵ Кўринадик, *кайвоний сўзи ветеран* терминининг маъносини бермайди.

Луғатда рус тилидаги *ездовые - чопар, чавандоз, салт (?)* тарзида берилади.⁸⁶ Бунда *салт* сўзи ноўрин танланган. Чунки *салт* сўзининг маъноси: 1) *аравага қўшилмаган, аравасиз (от ҳақида)*; 2) *юксиз*, 3) *бекорга* маъноларини бериб, умуман от (ҳайвон)ларга нисбатан ишлатилади.⁸⁷ *Ездовые* термини эса *от* эмас, балки *чавандоз, чопар* маъноларини англатади.

Луғатда айрим ҳолатларда рус тилидан ўзлашган икки термин ўзбекча бир термин асосида берилади. Масалан, *союз* ва *ассоциация - уюшмалар уюшмасидир*.

Умуман, ҳар қандай луғатда бундай мулоҳазали ўринлар бўлиши табиий. Энг муҳими луғатни тузувчи олимлар, биринчи навбатда, соф миллий ўзбек юридик терминларини шакллантиришга ва ривожлантиришга ҳаракат қилганлар ва маълум маънода бунга эришганлар.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг мустақил қонунчилик тизими тантанаси ўлароқ кўпгина чет тилларидан ноўрин ўзлашган юридик терминларнинг қонун матнларида миллий-ҳуқуқий шакллари берилмоқда, жумладан: *давность - ўтган муддат, суд состави - суд таркиби, секретарь - котиб, заседатель - маслаҳатчи, штраф - жарима, справочник - маълумотнома, отвод - раддия, протест - эътироз, администрация - маъмурият, маъмурий идора, канцелярия - идора, девонхона, кабинет - девон, маҳкама, виемка - олиб кетиш, гарантия - кафолат, гаров, договор - шартнома, гражданлик - фуқаролик, гражданин - фуқаро* тарзида берилмоқда.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1990 йиллардан кейин айрим юридик терминларнинг семантик тузилишида маъно ўзгаришлари ҳам юз берди. Жумладан, ўзбек тилига арабчадан ўзлашган *фуқаро* сўзи 1990 йилларга қадар қуйидаги икки маънони ифодалаган: 1) бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси; 2) оддий қора халқ вакили.⁸⁸ Бу сўз ўша йилларда асосан юқоридаги иккинчи маъносида ишлатилиб, биринчи маъносини ифодалаш учун русча *гражданин* сўзи ишлатилган.

Ҳозирда *фуқаро* сўзи ўзининг иккинчи (оддий қора халқ вакили) маъносини йўқотиб, мамлакатнинг доимий аҳолиси маъносини тўла

⁸⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – 358-б.

⁸⁶ Юридик атамалар ва иборалар луғати. – 39-б.

⁸⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – 358-б.

⁸⁸ Ўша жойда. – 309-б.

ифодаламоқда. Бундай айрим сўзларнинг ўз тараққиёти давомида маъно ўзгаришига учраши табиий ҳолат ҳисобланади.

Бош қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг матнида ҳам Европа тилларидан ўзлашган қатор сўзларнинг ўзбекча муқобиллари берилган, чунончи: *система - тизим, территория - ҳудуд, состав - таркиб, гражданин - фуқаро, союз - уюшма, район - туман, программа - дастур, комитет - қўмита, министр - вазир, ревизия - тафтиш, область - вилоят, идеология - мафкура, акт - ҳужжат, ветеран - фахрий, гарантия - кафолат, гимн - мадҳия, группа - гуруҳ, министерство - вазирлик, традиция - анъана, фонд - жамғарма, экономика - иқтисодиёт* тарзида ифодаланган. Ўз навбатида, бу терминларнинг ўзбекча муқобиллари ўзини тўла оқлайди ва шу терминнинг маъносини айнан ифодалайди.

Умуман, Конституциямиз тилига узоқ келажакни кўзлаб ҳар жиҳатдан ижодий ёндашилган бўлиб, унда бутун дунё халқлари томонидан бир хил тарзда ишлатиладиган терминларнинг асл шаклида берилиши айни муддаодир. Юқорида таъкидлаганимиздек, Конституцияда ҳаммаси бўлиб, 5421 та атрофида сўз ишлатилган бўлса, шундан 43 таси халқаро терминларга тўғри келади. Улар қуйидагилар: *республика, конституция, суверенитет, демократия, принцип, орган, герб, референдум, президент, партия, суд, институт, норматив, субъект, норма, телефон, банк, пенсия, юридик, цензура, суверен, округ, депутат, стратегик, валюта, кредит, бюджет, комиссия, прокурор, ратификация, денонсация, парламент, смета, аккредитация, дипломатик, орден, медаль, амнистия, нормал, материал, адвокатура, кооператив, молия.*

Бундай сўзлар дунё халқлари билан алоқа ўрнатишимизда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, бутун дунё юридик терминларининг аксарият қисмини лотин юридик терминлари ташкил қилади. Қадимги Рим ҳуқуқи лотин юридик терминларининг бутун дунё миқёсида кенг тарқалиши учун муҳим омил бўлди. Лотин тили узоқ асрлар давомида кўпгина Европа халқларининг расмий тили сифатида юридик тилнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилди. Шу боис бугунги кунда бундай юридик терминлар барча халқларнинг тилларида кенг ишлатилмоқда.

Европа тилларидан ўзлашган юридик терминлар ўзбек юридик тилида ҳам маълум бир қисмини ташкил қилади. Ушбу тадқиқот давомида бундай сўзларнинг нисбий бўлса-да, таркибини аниқлаш учун 1993 йилда яратилган “Юридик терминлар ва иборалар луғати”ни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиб чиқдик. Маълум бўлишича, луғатда ҳаммаси бўлиб, 6700 атрофида юридик терминлар мавжуд бўлиб, шундан 389 таси европа тилларидан ўзлашган терминлардир.

Агар бу фоизлар билан ҳисобланса, луғатда ҳаммаси бўлиб 6 фоизни русча-европача терминлар ташкил қилади.

Бундай терминларнинг аксариятини рус тилидан ўзлашган дейиш унчалик тўғри бўлмайди. Улар рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардир. Масалан:

лотин тилидан: *адвокат, акция, декларация, диктатура, делегат, депутат, империализм, император, инспектор, инструкция, инструктор, канцелярия, квалификация, кодекс, коллегия, конституция, прокурор, манифест, нота, орден, консул* кабилар.

француз тилидан: *гарантия, декрет, анкета, атташе, баланс, буржуазия, бюджет, бюллетень, жюри, директива, комитет, коммерсант, компания, министр, модель, паспорт, армия* кабилар;

немис тилидан: *арест, гаупвахта, вексель, лагерь, группа, ефрейтор, квартира* кабилар;

инглиз тилидан: *бандит, брифинг, брокер, блок, вариант, ваучер, грант, коллеж, концерт, мистер, монополия, монархия, музей, некролог, амнистия, гегемон, монография, демократия* кабилар;

юнон тилидан: *амнистия, анархия, аноним, архив, гегемония, геноцид, гипотеза, гомосексуализм* кабилар.

араб тилидан: *адлия, адмирал, қонун, жинойат, жосус, қотил, маҳбус маҳкум, мусодара, маҳкама, ҳукумат, давлат, мулк, маъмурият, муҳокама, арсенал* кабилар.

1999 йилда Ҳ.Бектемиров, Ҳ.Холмедов, С.Содиқов томонидан “Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар” луғати нашр этилди.⁸⁹ Унда ўзбек юридик тилига бошқа тиллардан ўзлашган 800га яқин терминларнинг изоҳи берилган.

Шуниси қизиқки, “Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар” луғатининг муаллифлари таъкидлаганларидек, “айрим ўзлашма терминлар ўзи англатган бирламчи маъносидан шунчалик узоқлашиб кетганки, уларнинг дастлабки маъноси билан ҳозирги маъноси ўртасида алоқа узилиб қолган. Бундай ўринларда унинг асл маъноси эмас, балки ҳозирги англатган маъноси асосий ўрин тутади”.⁹⁰ Масалан, “армия” сўзининг дастлабки маъноси лотинчада “қуролсизлантирмоқ”, “архив” сўзининг дастлабки маъноси юнончада “хизмат жойи”, “паспорт” сўзининг дастлабки маъноси итальянчада “портга кириш рухсатномаси” маъноларини англатган. Бугунги кунда эса бу терминлар янгича мазмун билан ўзбек тилига кириб келган.

⁸⁹ Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. – Т.: Адолат, 1999. – 4-б.

⁹⁰ Ўша жойда.

Бинобарин, бутун дунё халқлари томонидан мустақил мамлакатимизнинг салоҳияти эътироф этилаётган бугунги кунда ўзбекча юридик терминларнинг инглиз, француз, немис, япон, хитой тиллари луғатини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. 1999 йилда тилшунос Ғ.Сотимов томонидан “Юридик терминларнинг инглизча-русча-ўзбекча луғати” яратилди.⁹¹ Луғатда бир қанча инглизча юридик терминларнинг ўзбекча шакллари берилган.

Шундай қилиб, ўзбек юридик терминлари сўнгги бир аср давомида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бешта муҳим даврни ўз бошидан кечирди. Бу қуйидаги айрим юридик терминларнинг тараққиёт йўлида яна ҳам аниқроқ кўринади:

АЙРИМ ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИ

<i>Терминнинг русча номи</i>	<i>1917-1937 йиллар</i>	<i>1938-1955 Йиллар</i>	<i>1955-1989 йиллар</i>	<i>1989-1992 йиллар</i>	<i>1993-2010 йиллар</i>
заседатель	ўлтирдош маслаҳат- чи	заседатель	маслаҳатчи	маслаҳатчи	маслаҳатчи
народный заседатель	йорғу жўралари	халқ заседатели	халқ маслаҳатчи си	халқ маслаҳатчи си	халқ маслаҳатчи си
определение	тайин қилиш қарори	определени е	ажрим	ажрим	ажрим
свидетель	шоҳид, айғоқчи, гувоҳ	Свидетель	гувоҳ	гувоҳ	гувоҳ
статья	модда	Статья	модда	модда	модда
отвод	эътироз	Отвод	отвод	раддия, рад этиш	рад этиш
давность	мурури замон	Давность	давность	ўтган муддат	ўтган муддат
состав суда	суд ҳайъати	суд состави	суд состави	суд ҳайъати	суд таркиби
секретарь	мирза, котиб саркотиб	Секретарь	секретарь	котиб	котиб
прокурор	прокурор, муддаи	Прокурор	прокурор	прокурор	прокурор

⁹¹ Сотимов Ғ. Юридик атамаларнинг инглизча-русча-ўзбекча луғати. - Т.: Адолат, 1998.

	умуми, қораловчи				
суд	йорғу, суд	Суд	суд	суд	суд
судья	йорғучи, қози судья	Судья	судья	судья, ҳакам	судья
следователь	терговчи	Терговчи	терговчи	терговчи	терговчи
эксперт	синовчи	Эксперт	эксперт	синовчи, эксперт	эксперт
президиум	раёсат	Президиум	президиум	президиум раёсат	президиум
гражданский иск	ҳақ талаб даъвоси	гражданлик даъвоси	гражданлик даъвоси	фуқаровий даъво	фуқаровий даъво
гражданское дело	муомала ишлари	гражданлик иши	гражданлик иши	фуқаролик иши	фуқаролик иши
уголовно- процессуаль- ный кодекс	жазо- йўруқ тузуғи, жиноят муҳокама қонунлар мажмуаси	жиноят процесси кодекси	жиной процессуал кодекс	жиноят процессуал кодекси	жиноят процессуал кодекси
уголовный кодекс	жазо тузуғи	жиноят кодекси	жиноят кодекси	жиноят кодекси	жиноят кодекси

Бинобарин, бугунги кунда юридик терминларимиз тараққиётидаги энг муҳим муаммолардан бири бошқа халқларнинг тилларидан ўзлашган юридик терминларга муносабат масаласидир. Бу масала 1989 йилнинг 21 октябрида “Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисида” қонун қабул қилинганидан ва, айниқса, истиқлолга эришганимиздан бери ижтимоий ҳаётда долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Бу масалага Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда бир томонлама ёндашиш ҳолатлари ҳам юз бериб, айрим русча-европача терминлар бирваракайига ўзбекчалаштирила бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ тилимизда *тайёра*, *тайёрагоҳ*, *нақлиёт*, *олийгоҳ*, *илмгоҳ* сингари ҳар хил сунъий терминлар пайдо бўлди. Бундай ҳолат юридик терминларимизда ҳам ўз аксини топиб, *судья* ўрнида *ҳакам*, *кодекс* ўрнида *қонунлар мажмуаси*, *адвокат* ўрнида *ҳимоячи*, *адвокатура* ўрнида *ҳимоячилар идораси*, *ҳимоячилар жамоаси*, *ветеран* ўрнида *кайвоний*, *пенсионер* ўрнида *нафақахўр* каби терминлар ишлатила бошланди. Лекин бундай сўзлар тилимизга сингмади.

Албатта, четдан кириб келган сўзларни ўзбек тили имкониятлари асосида бериш лозим. Лекин бу рус тили орқали Европа тилларидан кириб келган, ҳуқуқий тушунчанинг моҳиятини тўғри ифодаладиган барча терминларни бир бошидан ўзбекчалаштириш керак деган маънони англатмайди. Ва шу билан бирга, четдан кириб келаётган барча терминларни қабул қилавериш ҳам тил тараққиётига салбий таъсир этади.

Ўзбек юридик терминлари тараққиётининг тўғри йўналиш тамойиллари белгилаб олинishi. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги собиқ Атамашунослик кўмитаси ва ЎзФА Тилшунослик институти билан ҳамкорликда “Русча байналмилал ўзлашмаларга муқобил танлаш принциплари”ни ишлаб чиқди.

1998 йилда академик А.Ҳожиёв томонидан “Термин танлаш мезонлари” рисола ҳолатида чоп этилди.⁹² Унда таъкидланадики, “Умуман, ўзга тилдан ўзбек тилига кирган сўзларни алмаштириш ёки алмаштирмаслик, алмаштириладиган бўлса, буни қандай амалга ошириш масаласи ниҳоятда мураккаб бўлиб, бунда жуда кўп нарсаларни эътиборга олиш, шу йўл билан иш тутиш талаб этилади. Шунинг учун бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу ишнинг муваффақиятли бажарилиши унинг ижрочисидан эҳтиёткорлик, юксак билим, маҳорат талаб этади. Амалда эса шундай имкониятга эга бўлмаган, масаланинг моҳиятига умуман тушунмайдиган шахслар ҳам бу ишда “фаоллик” кўрсатяптилар. Масалан, “Русча ўзлашма сўзларнинг барчасини алмаштириш керак”, “Ўзбек тилида қўлланган жами сўзлар тикланиши керак”, “термин асосан туркий бўлиши шарт” деган даъволар ҳодисанинг моҳиятини тўғри англамасликдан келиб чиққан гаплардир.”⁹³ Ҳақиқатан ҳам, бундай даъволар тил қонуниятларини яхши тушунмаслик, термин танлаш мезонларини билмасликнинг оқибатида келиб чиқади.

Академик А. Ҳожиёв русча-европача сўз ва терминларни ўзбек тилига ўзлаштиришда, асосан, қуйидаги мезонларга амал қилиш лозимлигини таъкидлайди:

1. Фан, техника, касб ҳунарнинг бирор соҳасига оид тушунчани аниқ ифодаловчи сўз ўзбек тилининг ўзида бўлгани, қўлланиб тургани ҳолда улар ҳеч қандай асоссиз, эҳтиёжсиз, фақат субъектив сабаб билан рус тилидаги сўзларга алмаштирилган бўлса, бундай сўзлар қайта тикланиши керак. Шу жиҳатдан *зиёли, инқилоб, жамоа, муҳаррир,*

⁹² Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996.

⁹³ Ўша жойда.– 12-б.

наср, назм, рисола, матн, муаллиф каби сўзларнинг истеъмомга киритилишини фақат қўллаб-қувватлаш керак.

2. Маълум бир тушунчани аниқ ва тўғри ифодалайдиган сўз ўзбек тилининг ўзида бўлгани ҳолда ёки шундай сўзни ўзбек тилининг материаллари ёрдамида ҳосил қилиш мумкин бўлгани ҳолда (бунга эътибор бермай, уни ҳисобга олмай ёки сезмай) рус тилидаги сўз қабул қилинаверган бўлса, ўзбек тилининг ўз имконияти ишга солиниши лозим. Яъни ўзбек тили имконияти асосида ҳосил бўлган сўз русча сўзнинг ўрнига қабул қилиниши керак. Шу нуқтаи назардан *совет, фактор, процесс, состав, союз* сўзларини *кенгаш, омил, жараён, таркиб, уюшма* тарзида алмаштирилиши тўғридир.

3. Рус тилидан ўтган сўзни бошқа сўз билан алмаштириш ёки алмаштирмасликни ҳал этишда бу сўзнинг дунё тилларида қўлланиш-қўлланмаслик томонига ҳам эътибор бериш керак. Бунда бутун дунёдаги тиллар билан яқинлашиш, улар билан бир хилликка интилиш асосий йўлдир. Шунга кўра *республика, демократия, аэропорт* каби сўзларнинг ўз ҳолатича қолиши тўғридир.

4. Рус тилидан ўтган сўзни ўзбек тилидаги сўз билан алмаштириш ёки алмаштирмаслик масаласида сўзнинг бир маъноли ва кўп маъноли бўлишига эътибор бериш лозим. Агар рус тилидан ўтган сўз кўп маъноли бўлса ва унинг барча маъноларини бекам-кўст ифодалайдиган бўлса, ўзлашма сўз шу сўз билан алмаштирилиши мумкин. Масалан, *революция* сўзининг ўрнига *инқилоб* қабул қилингани сингари.

Агар ўзбек тилидаги сўз рус тилидаги кўп маъноли сўзнинг айрим маъноларинигина ифодалай олса, уни шу маъноларидагина қўллаш лозим, бошқа маъноси ёки маъноларида эса рус тилидан олинган сўзнинг ўзи қўлланавериши керак. Масалан, *программа* сўзи ўрнида *дастур* сўзи қўлланишига эътироз йўқ. Масалан, *эшиттиришларимиз дастури, конференциянинг дастури* ва бошқалар. Лекин *программист, программировать* сўзлари ўзбек тилида *программист* ва *программалаштириш* тарзида ишлатилиши лозим.

Кўринадики, академик А.Ҳожиев томонидан сўз ва термин танлаш принциплари ҳар жиҳатдан мукамал ишлаб чиқилган бўлиб, бу мезонларни ўзбек миллий-юридик тилида ҳам тўғри қўллай билишга эришилса, юридик тилимиз такомил учун муҳим шарт-шароитлар яратилади.

Афсуски, ҳозиргача бу принципларни юридик тилимизда тўғри қўллашга эришилган деб бўлмайди. Бу ҳуқуқий тушунчанинг моҳиятини ифодалайдиган сўз бўла туриб, русча-европача сўзлар ишлатилганида намоён бўлади. Жумладан, ўзбек тилида *ижара, жамғарма, битим, рухсатнома, эътирознома, нозир, нозирлик,*

тасдиқлаш, рад қилиш каби сўзлар бўла туриб: *прокат* (ФК, 558-м.), *фонд* (ФК, 75-м.), *контракт* (ФК, 461-м.), *лицензия* (ЖК, 190-м.), *протест* (ФПК, 499-м.), *инспектор* (Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонун, 9-м.), *инспекция* (Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонун, 9-м.), *ратификация* (Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонун, 19-м.), *денонсация* (Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонун, 38-м.) каби терминлар ишлатилган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим русча-европача юридик терминлар қонун матнида ишлатилганида, шу сўз узоқ вақтдан бери кўп ишлатилиши натижасида, ўзбекча сўзлар билан ўзаро ҳамоҳангликда матнга сингиб кетади, яъни тингловчининг эътиборини жалб қилмайди (қулоққа дағал эшитилмайди). Айрим русча-европача сўзлар борки, улар матнда услубий жиҳатдан ғализлик (қўполлик) касб этади. Масалан, қуйидаги матнга эътибор беринг:

Оқлов ҳукми, шунингдек ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар шахсни реабилитация этишига асос бўлади (ЖПК, 301-м.).

Матнда *реабилитация* термини услубий жиҳатдан ниҳоятда ғализ бўлиб, у ўзбек тилининг ўзига хос миллий оҳангига ҳам маълум маънода путур етказган.

Бундан ташқари, юридик тилнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳамма учун тушунарли бўлиш талабини ҳам унутмаслик керак. *Реабилитация* сўзининг маъносини кўпчилик яхши тушунмайди. Шунинг учун бундай ҳолатларда, бизнинг назаримизда, халқ тилидаги айрим сўзларни юридик тил нормасига киритиш мақсадга мувофиқ. Юқоридаги *реабилитация* сўзининг ўрнига *оқланиш, реабилитация этилган шахс ўрнига оқланган шахс* деб ишлатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки у халқ тилида “*Кеча судда Мирзаев оқланибди*” тарзида ишлатилади. Шунингдек, *оқламоқ* феъли билан шу ҳуқуқий нормага узвий боғлиқ бўлган *оқлов ҳукми* термини ясалади. Бу билан, биринчидан, ҳуқуқий нормалар халқ дилига яқин бўлади, халқнинг тушуниши осонлашади, иккинчидан, тилда миллийлик руҳи сақланади, учинчидан *реабилитация этилган шахс* термини учта сўздан тузилмасдан, иккита сўз (*оқланган шахс*) билан ифодаланади.

3. ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ВА УНИНГ ТАСНИФИ

Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг асосини юридик терминлар ташкил қилади. Улар ҳуқуқий билимлар таркибида ишлаб чиқилиб, ҳуқуқ ижодкорлигида ҳуқуқий тушунчанинг энг муҳим рамзий белгиси сифатида намоён бўлади. Кишилар шу рамзий белгилар орқали ҳуқуқий нормаларни англаб оладилар. Шунга кўра,

юримдик терминлар юримдик фанда жуда муҳим аҳамият касб этади. Юримдик терминларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳуқуқшунос олимлар А.С.Пиголькин ва Е.А.Прянишниковлар тўхталиб: “Ҳуқуқшунослик фанида терминлар муаммоси жуда ҳам долзарб масаладир. Жамиятда қонунчилик қанчалик мукаммаллашган бўлса, у ижтимоий муносабатларни шунчалик яхши тартибга солади. Ва бунда терминлар муаммолари ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Мукаммал терминларсиз қонунчилик матнининг энг юқори даражада аниқ бўлишига эришиб бўлмайди. Улар қонунларни анча ихчамлаштиради, ортиқча тавсиф ва ифодалардан халос этади”, – деб ёзишади.⁹⁴

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатда қонунларнинг мукаммал ишлаб чиқилишида, ҳуқуқий тартиботнинг таъминланишида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишида юримдик терминлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Юримдик терминлар ҳуқуқий тушунчаларнинг мазмунини тўғри ифодалаб, фуқаролар ўртасида оммалашиб борса, шу жамиятда ижтимоий адолат қарор топиб, шу юрт тараққиётга эришади.

Бинобарин, “юримдик терминларнинг илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқилиш даражаси шу мамлакатнинг юримдик маданияти ва қонунийликка муносабатидан дарак беради. Юримдик тизим қанчалик мукаммал ишлаб чиқилган бўлса, ҳуқуқ ҳам кенг ривожланади, қонунчиликни ва қонунийликни такомиллаштириш юзасидан энг муҳим ишлар амалга оширилади”.⁹⁵

Юримдик терминлар, биринчи навбатда, ҳуқуқ фанининг алоқа воситасидир. Агар бир терминнинг бир неча шакллари мавжуд бўлса ёки мавжуд юримдик терминлар ўз моҳиятини тўла ифодамай олмаса, ҳуқуқнинг мазмунига путур етади.

Термин - маълум бир соҳага оид махсус тушунчани англатувчи ва мазмун жиҳатдан бир маънони ифодаловчи сўз (сўз бирикмаси)дир. Сўзларнинг асосий қисмларига нисбатан термин аниқ бир маъноли тушунчани ифодалаши билан фарқ қилади.

Шакл ва маъно муносабатига кўра бир сўз бир нечта тушунчаларни (*ўт* - олов, *ўт* - ҳаракат, *ўт* - майса сингари) ифодалаши мумкин. Ёки аксинча, бир тушунча бир нечта сўзлар орқали (*осмон*, *кўк*, *фалак*, *само*, *гардун* каби) аталиши мумкин. Лекин терминларда бундай ҳодисаларга йўл қўйилмайди. Улар фақат биргина маънони англатади ва, аксинча, бир тушунча фақат бир ном билан юритилади. Масалан, *адвокат* дейилганда

⁹⁴ Язык закона. – 53 с.

⁹⁵ Ўша жойда.– 59 с.

махсус юридик дипломга эга бўлган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида адвокат лавозимида ишлайдиган расмий шахс тушунилади. Шунга кўра у юридик тилга қабул қилинган махсус терминдир.

Ваҳоланки, тилимизда шунга яқин маънони ифодаловчи *ҳимоячи*, *қўриқловчи*, *муҳофаза этувчи* каби сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, улар *адвокат* сўзининг ўрнини боса олмайди.

Шунингдек, сўзларда маъно кўчиш ходисалари (метонимия, метафора, синекдоха кабилар) юз бериши мумкин. Масалан, *Навоийни олдим қўлимга* (Э. Воҳидов); *совуқ хабар билдирилди*; *у бир неча йиллардан бери тирноққа зор бўлиб юрибди*. Бу гапларда *Навоий* сўзи Навоийнинг асари, *совуқ* сўзи ёмон, *тирноқ* сўзи фарзанд тушунчаларини ифодалаб кўчма маънода келган.

Бундан ташқари, “сўз тушунчадан ташқари баъзан кишининг англашаётган нарса ва ҳодисага бўлган ижобий ёки салбий муносабатини ифодалаши мумкин. Масалан, *бош* сўзи одам аъзосининг бир қисми эканлигини англатади. Аммо, худди шу тушунчани ифодалайдиган *калла* сўзи сўзловчининг ўша предметга бўлган салбий (киноявий, кесатиқ билан) қарашини билдиради. *Чехра* сўзи эса, аксинча *юз (бет)* тушунчасидан ташқари, унинг қандайдир ёқимли, гўзал эканлигига ишора қилади. Демак, *калла* ва *чехра* сўзлари маълум тушунчаларни ифодалаши билан бирга қўшимча маъно оттенкасини ҳам беради”.⁹⁶ Айнан мана шу хусусият тилшунослик фанида услубий бўёк деб юритилади.

Сўздан фарқли равишда маъно кўчиш ходисаси терминларда кузатилмайди. Улар илм-фан, санъат ва техникага оид биргина тушунчани англатади, холос.

Шунга кўра, терминлар услубий жиҳатдан нейтрал бўлиб, ўзи ифодалаётган тушунчадан ташқари (“*калла*” ва “*чехра*” сўзлари сингари) қўшимча ижобий ёки салбий бўёқдорлик ифода этмайди. Ана шу икки жиҳати билан терминлар сўзлардан фарқ қилади. Демак, айтиш мумкинки, барча терминлар сўздир, лекин ҳамма сўзлар ҳам термин бўлавермайди.

Кўпинча юридик термин дейилганда юридик тушунчани ифодалаган бир сўз тушунилади. Терминларнинг бир неча сўзлардан ҳам тузилиши мумкинлиги эътибордан четда қолади. Ваҳоланки, бир сўздан тузилган термин ҳам бир тушунчани, бир неча сўзлардан тузилган термин ҳам биргина маънони ифодалайди. Масалан, *судланувчи* дейилганда иши судда кўрилаётган шахс тушунилади. *Икки ёки ундан ортиқ судланган шахс дейилганда* ҳам бир шахс, яъни

⁹⁶ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 19-б.

рецидивист тушунилади. Шунинг учун терминнинг бир неча сўзлардан ҳам иборат бўлиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, тузилиши жиҳатидан ўзбек юридик терминлари бир, икки, уч, баъзан тўрт ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топади. Масалан:

1. Икки сўздан ташкил топган терминлар: *жиноят кодекси, Олий суд, қонун ижодкорлиги, олий жазо, маъмурий ишлар, жиноий жазо* кабилар.

2. Уч сўздан ташкил топган терминлар: *озодликдан маҳрум этиш, жиноят-қидирув бўлими, суднинг бошқарув мажлиси, қонун чиқарувчи орган* кабилар.

3. Тўртта сўздан ташкил топган терминлар: *дастлабки ҳуқуқий ҳолатни тиклаш (реституция), тиббий характердаги мажбурлов чоралари* кабилар.

4. Бешта сўздан ташкил топган терминлар: *икки ёки ундан ортиқ судланган шахс (рецидивист), ҳокимият ва хизмат ваколатларидан четга чиқиш* кабилар.

Ўзбек юридик терминларининг асосий қисмини бир ва иккита сўздан тузилган терминлар ташкил қилади. Уч ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган терминлар жуда камдан кам учрайди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий юридик терминлар таркиби яратилаётган пайтда терминларнинг мумкин қадар қисқа тузилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, терминларнинг тўрт ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топиши терминларда ижобий ҳодиса ҳисобланмайди. Чунки бундай терминлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнидаги ҳуқуқий нормаларни тушунишни қийинлаштиради. Шунга кўра терминларнинг қисқа ва лўнда бўлиши уни қўлловчилар учун ҳам қулайлик туғдиради.

Шундай қилиб, юридик термин - маълум бир юридик тушунчанинг ташқи кўриниши, номланиши бўлиб, мантиқий жиҳатдан бир ҳуқуқий маънони ифодаловчи ва услубий жиҳатдан нейтрал бўлган сўз ёки сўзлар бирикмасидир.

Юридик терминлардаги энг муҳим масалалардан бири юридик терминларни таснифлаш (классификация қилиш)дир. Илмий юридик адабиётларда юридик терминларни тартибга солиш учун уларни таснифлаш зарурлиги алоҳида таъкидланса-да, лекин бу борада барча олимлар томонидан эътироф этилган яхлит бир принцип мавжуд эмас. Бу ҳақда А.С.Пиголькин ва Е.А.Прянишниковлар шундай ёзишади: “Афсуски, шу пайтгача юридик терминларнинг амалий жиҳатдан мантиқий ихтисослашуви принципи ва мезонлари илмий-назарий

жиҳатдан ишлаб чиқилган эмас. Бусиз юридик терминларнинг ҳар қандай таснифи схематик тарзда бир томонлама бўлади”.⁹⁷

Умуман, юридик терминларни қайси принцип ва мезонлар бўйича таснифлаш фақат бугунги куннинг муаммоси эмас. XX асрнинг бошларидаёқ ҳуқуқшунос П.И.Люблинский бу масалага тўхталиб ўтиб, у чор Россияси давридаги юридик терминларни: одатдаги (обыденные); техник; ясама терминларга бўлади.⁹⁸

В.М.Когон жиноят ҳуқуқига оид терминларни икки турга: ўз ва ўзлашган қатламга бўлишни таклиф этади. Ўз қатламга рус тилининг ўзининг сўзларини, ўзлашган қатламга бошқа тиллардан ўзлашган терминларни киритиш лозимлигини таъкидлайди.⁹⁹

А.С.Пиголькин ва Е.А.Прянишниковлар эса юридик терминларни горизонтал ва вертикал принцип бўйича таснифлашни таклиф этадилар. Вертикал терминларга умумюридик терминларни, горизонтал терминларга эса турли соҳаларга оид қонунчиликдаги терминлар киришини таъкидлайди.¹⁰⁰

Кўринадики, илмий адабиётларда юридик терминларни маълум бир тартибда тизимлаштиришнинг ягона принципи ва мезонлари мавжуд эмас. Бу принцип ва мезонларни ишлаб чиқмасдан туриб, миллий-юридик терминларни тартибга солиш ва юридик тилнинг илмий-назарий моделини ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда, юридик терминларни тасниф қилишдан олдин, биринчи навбатда, мақсад ва вазифани белгилаб олиш зарур. Агар мақсад юридик терминларни лингвистик нуқтаи назардан ўзига хос жиҳатларини аниқлаш бўлса, унда В.М.Когон¹⁰¹ сингари ўз ва ўзлашган қатламга ажратиш ҳамда П.И.Люблинскийдек¹⁰² юридик терминларнинг таркибий тузилишига эътибор қаратиш мумкин.

Таснифдан мақсад юридик жиҳатдан миллий юридик тилдаги барча терминларни тартибга солиш, юридик тилнинг илмий-назарий моделини ишлаб чиқиш бўлса, у ҳолатда ҳуқуқнинг том мазмунидан келиб чиқиб терминларни ҳуқуқнинг соҳалари бўйича тизимлаштириш мақсадга мувофиқ.

⁹⁷ Язык закона. – 69 с.

⁹⁸ Люблинский П.И. Техника, толкование и казуистика уголовного кодекса. – П., 1917. – 12 с.

⁹⁹ Когон В.М. Логико-юридическая структура советского уголовного закона. – Алма-Ата: 1966. – 50 с.

¹⁰⁰ Язык закона. – 69 с.

¹⁰¹ Когон В.М. Логико-юридическая структура советского уголовного закона. – Алма-Ата: 1966. – 50 с.

¹⁰² Люблинский П.И. Техника, толкование и казуистика уголовного кодекса. – П., 1917. – 12 с.

Маълумки, Ўзбекистон ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қуйидаги асосий тармоқларини ўз ичига олади:¹⁰³

1. Конституциявий ҳуқуқ;
2. Маъмурий ҳуқуқ;
3. Фуқаролик ҳуқуқи;
4. Жиноят ҳуқуқи;
5. Ер ҳуқуқи;
6. Аграр ҳуқуқ;
7. Меҳнат ҳуқуқи;
8. Ижтимоий-таъминот ҳуқуқи;
9. Экологик ҳуқуқ;
10. Молиявий ҳуқуқ;
11. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи;
12. Жиноят-процессуал ҳуқуқи;
13. Хўжалик-процессуал ҳуқуқи;

Бу ҳуқуқ тизими Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими бўлиб, ундан ташқари халқаро ҳуқуқ тизими ҳам мавжуд. Бундан ташқари, шундай юридик терминлар мавжудки, улар ҳуқуқнинг барча соҳаларида тенг равишда қатнашади. Шу нуқтаи назардан юридик терминларни ишлатилиш соҳасига кўра қуйидагича таснифлаш (классификация қилиш) мумкин:

1. Умумюридик терминлар: *қонун, суд, модда, прокуратура, адвокатура, суд таркиби, судья, прокурор, милиция, гувоҳ, халқ маслаҳатчилари, суд мажлиси, ҳуқуқ, ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқ тизими, юриспруденция* кабилар;

2. Конституциявий ҳуқуқ терминлари: *ҳукумат, ҳокимият, давлат, конституциявий тузум, давлат тузилиши, суверенитет, мустақиллик, миллий мафкура, суверен тенглик, виждон эркинлиги, сиёсий партия, байроқ, герб, мадҳия* кабилар;

3. Маъмурий ҳуқуқ терминлари: *маъмурий жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жазо, маъмурий қамоқ, жамоат қоидаларини бузиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар* кабилар;

4. Фуқаролик ҳуқуқи терминлари: *фуқаронинг исми, исми ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш, олди-сотди шартномаси, сотувчининг жавобгарлиги, муаллифлик ҳуқуқи* кабилар;

5. Жиноят ҳуқуқи: *жиноий ҳаракат, жиноят иши, қилмиш, оғир жиноят, жиноятларни таснифлаш, жиноий жавобгарлик,*

¹⁰³ Саидов А., Таджиханов А. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. – 48-б.

қилмишининг жиноийлиги, ўлим жазоси, озодликдан маҳрум этиш кабилар;

6. Ер ҳуқуқи терминлари: *ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, ер кадастри, ерни тасарруф этиш, ердан фойдаланиш қоидаларини бузиш* кабилар;

7. Аграр ҳуқуқ терминлари: *деҳқон хўжалигини юритиш ҳуқуқи, давлат хўжаликлари ҳуқуқи, жамоа хўжаликлари ҳуқуқи, режани бажариш мажбурияти, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи* кабилар;

8. Меҳнат ҳуқуқи терминлари: *меҳнат интизоми, меҳнат шартномаси, ишга қабул қилиш, меҳнат муносабатларини бекор қилиш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат низолари* кабилар;

9. Ижтимоий-таъминот ҳуқуқи терминлари: *пенсия олиш ҳуқуқи, ногиронлик нафақаси, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя* кабилар.

10. Экологик ҳуқуқ терминлари: *атроф-муҳитни соғломлаштириш, ҳавони тозалаш, экологик вазият, экологиянинг ўзгариши* кабилар.

11. Молиявий ҳуқуқ терминлари: *даромад солиғи тўловчилар, фавқулодда даромадлар, молиявий жазо чоралари, юридик шахсларни даромад солиғидан озод қилиш, солиқни ҳисобга олиш қоидалари* кабилар;

12. Фуқаролик процессуал-ҳуқуқи терминлари: *фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби, фуқаролик процессул ҳуқуқ лаёқати, процессуал ҳуқуқий ворислик, фуқаролик иши* кабилар;

13. Жиноят-процессуал ҳуқуқи терминлари: *жиноят ишларини юритиш тартиби, жиноят ишини қўзғатиш, судда жиноят ишларининг ошкор кўрилиши, жиноят процесси иштирокчилари* кабилар;

14. Хўжалик-процессуал ҳуқуқи терминлари: *хўжалик суди, хўжалик судлов низолари, хўжалик судлов иштирокчилари, хўжалик судининг ажрими* кабилар.

15. Халқаро ҳуқуқ терминлари: *халқаро ташилотлар ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи* кабилар.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юридик терминларни бундай таснифлаш анча нисбий ҳисобланади. Чунки ҳуқуқнинг соҳалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлганидек, юридик терминларни ҳам тамоман бир-биридан холи тарзда тушунмаслик лозим.

Бундан ташқари, академик В.А.Виноградов терминларнинг лингвистик нуқтаи назардан таснифланиши мумкинлигини назарда тутиб: “Ҳар бир терминнинг тўла маъносини аниқламасдан туриб,

уларни тартибга солишга ҳаракат қилиш натижасиз яқунланади”, – деб ёзган эди.¹⁰⁴

Шунга кўра юридик терминлар лексик-семантик жиҳатдан ҳам таснифланиши мумкин. Бунда юридик терминлар қуйидаги гуруҳларга умумлаштирилади:

1. Ҳуқуқий соҳанинг маъмурий органлари ва бу органлардаги айрим бўлим номлари: *адвокатура, юридик маслаҳатхона, суд, ўртоқлик суди, халқ суди, қамоқ, турма, колония, лагерь, ички ишлар бўлими, прокуратура, автомобиль назорати, карцер (ашаддий маҳбуслар сақланадиган жой), суд президиуми, жиноят-қидирув бўлими* кабилар.

2. Ҳуқуқий соҳада фаол қўлланиладиган айрим ҳужжат номлари: *конституция, қонун, кодекс, модда, амнистия (авф этиш), айбнома, аноним хати, даъво аризаси, жиноят кодекси, жиноят процессуал кодекси, маъмурий жавобгарлик кодекси, прокурорнинг хусусий протести, кассацион шикоят (суд ҳукмидан норозилик), фабула (жиноят ишида айбдорга қўйиладиган айбнинг изчил баёни), диспозиция (модданинг бош қисми)* кабилар.

3. Ҳуқуқий соҳада ишлайдиган шахсларнинг мансаб ва лавозимлари: *судья, адвокат, ҳимоячи, терговчи, прокурор, айбловчи, суд ижрочиси, халқ маслаҳатчиси, сержант, капитан, подполковник, полковник* кабилар.

4. Ҳуқуқий соҳа билан алоқадор шахсларнинг номлари: *судланувчи, қўпоровчи, айбланувчи, айбдор, холис, гувоҳ, гумон қилинувчи, кафилик берувчи, маҳбус, меросхўр, ворис, даъвогар, мансабдор шахс* кабилар.

5. Жиноят турларининг номлари: *мансабдорлик жинояти, жинсий жиноят, хўжалик жинояти, ҳарбий жиноят, давлатларга қарши жиноят* кабилар.

Умумидабий тилдаги барча юридик терминлар бу тартибда таснифланганидан кейин, ҳуқуқнинг ҳар бир соҳаси мутахассиси томонидан ҳар бир термин ҳуқуқий тушунчанинг моҳиятини қанчалик тўғри ифодалаш ифодамай ёки ифодамай олмагани нуқтаи назардан кўриб чиқилиши лозим.

4. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ

Ҳар бир халқнинг терминлар тизимида шакл ва мазмуннинг бирлиги ҳамда уларнинг мутаносиблиги масаласи муҳим ўрин тутади. Чунки мазмун – объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг онгда

¹⁰⁴ Вопросы терминологии. – М., 1961. – 8 с.

акс этиши бўлса, шакл (ном) эса шу тушунчанинг ташқи белгиси, рамзий кўринишидир. Шу боис тушунчаларга ном беришда терминлар қанчалик тўғри танланса ва тушунча билан термин ўртасида узвий алоқадорлик қанчалик кучли бўлса, термин тушунчани шунчалик аниқ ифодалайди.

Аксинча, тушунча билан термин ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлмаса, термин шу тушунчанинг моҳиятидан келиб чиқиб тўғри танланмаса, бу шу соҳада қутилган натижаларни бермайди, турли хил чалкашликларга олиб келади ва, ўз навбатида, қонунларнинг турлича шарҳланишига ҳам сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунининг 19-моддасида: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва терминлар уларнинг амалдаги қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади”, - дейилади.

Қонун лойиҳаларини тузишда бу вазифани амалга ошириш қонуншуноздан жуда ҳам катта иқтидор ва масъулиятни талаб этади. Шунингдек, юридик терминлар, уларга қўйиладиган талаблар ҳамда уларни қонун матнларида ишлатиш усуллари ҳақида ҳам мукамал билимларга эга бўлиши лозим.

Илмий адабиётларда терминларга қуйидаги энг муҳим талаблар қўйилади: 1) ҳар қандай термин она тилининг қонун-қоидалари асосида яратилмоғи лозим; 2) термин тушунчани тўғри ва аниқ ифодалаши керак; 3) терминлар синонимияси ва омонимиясига йўл қўйилмайди; 4) термин мумкин қадар ихчам ва қисқароқ бўлиши лозим.¹⁰⁵

Бунинг учун юридик терминларни таҳлил этувчи мутахассис юридик билимлар билан бирга ўз она тилининг фонетик, лексик-грамматик қонун-қоидаларини ҳамда терминларга қўйиладиган талабларни яхши ўзлаштирган бўлиши лозим.

Кўринадики, илмий адабиётларда терминларга бир термин фақат биргина тушунчани ифодалаши лозимлиги ҳамда бир тушунча фақат бир ном билан ифодаланиши зарурлиги каби муҳим талаблар қўйилади.

Шунинг учун ҳар бир халқ ўз терминлар тизимини яратаётган пайтда бу талабларга тўла риоя қилишга ҳаракат қилади. Лекин бу вазифанинг мураккаблигидан терминлардаги шакл ва мазмуннинг бирлиги талабини тўла амалга ошириб бўлмайди.

¹⁰⁵ Дониёров Р. Ўзбек тили, илмий-техник терминологиясини тартибга солиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1979. – 3-сон. – 32-б.

Айниқса, узоқ йиллар давомида мустамлакачилик сиёсати асоратида бўлиши натижасида тили камситилган ва ҳаётнинг барча соҳасида уни (тилни) тўла қўллай олмаган халқ, ўз озодлигига эришганидан кейин ҳам, унинг терминлар тизимида, юридик терминларида бир қанча муаммолар йиғилиб қолади. Терминлар ҳаётнинг барча соҳасида кенг қўлланиб, уларни ҳам вақти-вақти билан илмий асосда таҳлил этиб турилмаса, шу соҳанинг тилида айрим муаммолар пайдо бўлади.

Иккинчидан, айниқса, бу нарса бошқа соҳаларнинг терминларига нисбатан, юридик терминларда кўпроқ сезилади. Чунки юридик терминлар мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий тизимини акс эттирувчи тил воситачиси ҳисобланади. Шунга кўра мустамлакачилик сиёсати бошқа соҳаларга нисбатан, юридик терминларга кўпроқ салбий таъсир этади. Тарихдан маълумки, кўпинча қарам мамлакатнинг барча қонунлари ва ҳужжатлари мустамлакачи халқнинг тилида юритилади, қарам халқнинг тилида олиб борилишига йўл қўйилмайди.

Мамлакатимизнинг ҳам узоқ йиллар давомида аввал Чор Россияси, сўнгра шўролар давлати томонидан босиб олиниши натижасида бугунги кунда ўзбек миллий юридик терминлар тизимида, айниқса, уларнинг шакл ва мазмун бирлиги мутаносиблигида бир қанча муаммолар мавжуд. Бу айрим юридик терминларимизнинг шакли мазмунига тўғри келмаслигида, бир ҳуқуқий тушунчанинг турли шакл(ном)лари мавжудлигида ёки, аксинча, бир шаклнинг турли тушунчаларни англатишида кўринади.

Юридик терминларнинг шакл ва мазмуни билан боғлиқ бундай муаммоларни қуйидаги уч гуруҳга умумлаштириш мумкин:

1. Юридик терминларда шакл ва мазмуннинг ўзаро номутаносиблиги муаммоси;
2. Бир ҳуқуқий тушунчанинг турли номлар асосида юритилиши муаммоси (юридик терминларда синонимия муаммоси);
3. Бир юридик терминнинг хилма-хил ёки бир-бирига яқин тушунчаларни ифодалаши муаммоси (юридик терминларда омонимия ва полисемия муаммоси).

Юридик терминларда шакл ва мазмуннинг ўзаро номутаносиблиги муаммоси. Ҳар бир соҳанинг ривожини, тараққиёти билан шу ихтисосликка турли-туман терминлар кириб келади, аксинча, эскирган терминлар эса истеъмолдан чиқа бошлайди. Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан бугунги кунда юридик терминларимиз ҳам ўз асл моҳиятини инкишоф этмоқда. Собиқ шўролар даврида ўзбек юридик терминларига эътиборсизлик туфайли айрим юридик терминларимиз ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини нотўғри ифодалар,

тўғри ифодаласа ҳам тўла мазмунини очиб бера олмас эди. Истиклолдан кейин янги миллий-ҳуқуқий тизим шаклланиши натижасида рус тилидан мазмунан эмас, сўзма-сўз кўчирилган кўпгина юридик терминларнинг муносиб вариантлари ишлаб чиқилиб ҳуқуқий амалиётга жорий этилди. Бундай терминлар жумласига *маъмурий-ҳудудий тузилма, суднинг сайёр мажлиси, одил судлов, эҳтимолий ҳуқуқ, фармойиш мажлиси, обуначи, муаллифлик ҳуқуқи, гумон қилинувчи, қилмиш, қонун устунлиги, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, вазир, вазирлик, ҳокимлик, давлат маслаҳатчиси, давлат котиби, ички ишлар идоралари, ҳуқуқий тартибот, миллий-ҳуқуқий тизим, миллий-ҳуқуқий қонунчилик, ўзбек давлатчилиги* каби бир қанча терминларни келтириш мумкин. Ҳатто, узоқ йиллар давомида ўзбек юридик тилида ишлатиб келинган, лекин мазмун ва моҳияти шаклига тўғри келмайдиган айрим терминларнинг муносиб вариантларини ишлаб чиқишга ҳам эришилди. Масалан, рус тилидаги *гражданский истец, гражданский иск, гражданский ответчик* бирикмалари ўзбек тилида истиқлолга қадар *гражданлик даъвогари, гражданлик даъвоси, гражданлик жавобгари* тарзида ишлатилиб келинди. Кейинчалик уларни ўзбекчалаштириш мақсадида *фуқаролик даъвогари, фуқаролик даъвоси, фуқаролик жавобгари* тарзида ўзгартирилди. Ўзбекчалаштирилган бу бирикмалар ҳам шу ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини тўла оқламас эди. Чунки *гражданский истец* дейилганда даъво қилаётган шахс фуқаро сифатида ўз ҳуқуқини талаб қилиши назарда тутилади, *фуқаролик даъвогари* бирикмаси эса фуқаро бўлиш учун даъвогарлик қилаётган шахс (*олимлик даъвогари* каби) тушунилади. Шунинг учун янги қонун ҳужжатларида, жумладан, Жиноят-процессуал кодексда *фуқаровий даъво, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар* тарзида ишлатилди.

Шунингдек, рус тилидаги *подозреваемый* термини истиқлолга қадар юридик тилимизда *гумондор* тарзида ишлатиб келинди. *Гумондор* терминининг луғавий маъносига эътибор берилса, у гумон қилинаётган шахсни эмас, балки гумон қилаётган шахсни ифодалашини кузатиш мумкин. Шу боис бу термин ҳозирги кунда *гумон қилинувчи* тарзида қабул қилинди. Бу ном юқоридаги тушунчани тўла ифодалайди.

Афсуски, юридик терминларимизда *гумондор* сўзи сингари шакл ва мазмун жиҳатидан бир бирига тўғри келмайдиган терминлар талайгина. Мисол сифатида *тўғри қасд, эгри қасд, юқори прокурор, қуйи прокурор, депутатлик тафтиши, виждон эркинлиги* каби бир қанча терминларни келтириш мумкин.

Бу терминларнинг номи ўзлари ифодалаган ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини тўла акс эттира олмайди. Мисол сифатида *тўғри қасд* ва

эгри қасд терминларига тўхталиб ўтсак. Жиноят кодексининг 21-моддаларида бу терминлар ишлатилган. Бунда *тўғри сўзи қасд сўзи* билан биргаликда рус тилидаги *прямой умысел* терминининг маъносини ифодалаш учун хизмат қилган.

Юриспруденциянинг муҳим соҳаси бўлган жиноят ҳуқуқида шундай ҳуқуқий норма мавжудки, унга мувофиқ агар жиноят содир этган ёки содир этмоқчи бўлган субъект ўз қилмишининг ижтимоий хавфли жиҳатларини англаса, шунда ҳам жиноят содир этишга ҳаракат қилса, бундай ҳолат рус тилида *прямой умысел* деб юритилади. Бу термин ўзбек тилига сўзма-сўз *тўғри қасд* деб таржима қилинган. Лекин бу ном юқоридаги ҳуқуқий нормани ифодалай олмайди. Юристарлар ҳар ҳолда *тўғри қасд* дейилганда, юқоридаги ҳуқуқий нормани тушунишар, лекин бошқа касб эгалари бу ҳуқуқий нормани англамайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳуқуқий норма учун икки сўздан иборат муносиб ном топиш анча мураккаб вазифа. Шунинг учун назаримизда, бу ҳуқуқий нормани *тўғридан тўғри қасд қилиш* деб номлаш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, *эгри қасд (косвенный умысел)* терминини *эгри ниятда қасд қилиш* деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар А.Саидов, М.Қосимова, Л.Каримовалар бугунги кундаги айрим юридик терминлар, масалан, *депутатское расследование - депутат тафтиши* тарзида (аслида депутат текшируви) *вышестоящий прокурор – юқори прокурор* тарзида (аслида юқори поғона прокурори), *нижестоящий прокурор – қуйи прокурор* тарзида (аслида қуйи поғона прокурори) нотўғри таржима қилиниб қонун матнларида ишлатилаётганлигини жуда тўғри таъкидлайдилар.¹⁰⁶

Шуни қайд этиш жоизки, айрим сўзларнинг маъноси яхши фарқланмаган ҳолда қўлланиши ҳам қонуннинг мазмунига зарар етказди. Масалан, русчадаги *ранее судимый* ибораси *муқаддам судланган* тарзида қўлланиб келинади. *Гарчи, илгари, аввал, муқаддам* сўзлари синонимлар бўлса ҳам *илгари, аввал* сўзлари ўрнида *муқаддам* сўзининг қўлланиши тил қонунияти нуқтаи назаридан ўзини оқламайди. *Муқаддам* сўзи чиқиш келишигидаги сўз шаклини доимий равишда талаб қилиб туради, яъни бу сўз шакли *муқаддам* сўзи учун кучли синтактик валентликдир. Шунинг учун бундай ҳолатларда *илгари, аввал* сўзларини қўллаш тўғри бўлади.

¹⁰⁶ Саидов А., Қосимова М., Каримова Л. Кўрсатилган мақола. – 4-б.

Бундан ташқари, ўзбек юридик терминларида синонимия ва омонимия муаммолари ҳам мавжудки, улар ҳақида кейинги мавзуларда тўхталиб ўтамиз.

5. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИДА СИНОНИМИЯ МАСАЛАСИ

Ўзбек юридик терминларининг истиқболлари ҳақида гап кетганда, юридик терминларнинг синонимия муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки барча тиллардаги терминларда бўлгани сингари ўзбек миллий юридик терминларида ҳам синонимия ҳодисаси анча кенг тарқалган бўлиб, бу муаммони ҳал қилмасдан қонунларнинг сифат жиҳатидан юқори бўлишига эришиб бўлмайди.

Илмий адабиётларда қайд этилганидек, борлиқдаги айни бир предмет ёки ҳодисанинг турли ном асосида юритилиши синонимия ҳодисаси ҳисобланади. Масалан, *касал*, *хаста*, *бемор*, *бетоб* сўзлари бир маънони, яъни бирор шахснинг тоби йўқлигини билдиради.

Тилшунослиқда синонимия ижобий ҳодиса ҳисобланиб, у шу тилнинг бойлигидан дарак берувчи энг муҳим омил сифатида қаралса, терминларда салбий ҳодиса ҳисобланади. Бу ҳақда илмий адабиётларда шундай дейилади: “Синонимия ҳар бир тилнинг кўрки ва хусни. У нутқимизнинг нафислиги ва хилма-хиллигини таъминлайди. Бироқ ҳар бир тилнинг шундай ўзига хос қатлами мавжудки, унда айнан мана шу ҳолат инкор этилади. Бу тилнинг терминология системасидир”.¹⁰⁷

Шунинг учун ҳам юридик терминларга бағишлаб ёзилган барча рисола ва мақолаларда юридик терминларда синонимия ҳодисасига йўл қўйилмаслиги, бу юридик терминларга қўйиладиган энг муҳим талаб эканлиги алоҳида таъкидланади.¹⁰⁸

Юридик терминнинг сўздан фарқ қиладиган энг муҳим белгиси махсус ҳуқуқий тушунчанинг фақат бир ном билан юритилишидир. Яъни, математик тил билан айтганда, “бир тушунча ҳар доим бир номга тенг бўлиши лозим”. Акс ҳолда, бир тушунча бир нечта сўзлар билан ифодаланса, бу ҳолат шу терминнинг терминлик хусусиятига зид ҳодиса ҳисобланади.

¹⁰⁷ Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари. – Т.: Фан, 1991. – 6-б.

¹⁰⁸ Қаранг: Язык закона. – 76-88 с.; *Савицкий В.М.* Язык процессуального закона. – 30-35 с.; *Ушаков А.А.* Очерки советской законодательной стилистики. – 171 с.; *Боголюбов С.А.* Стиль правовых актов // Сов. государство и право. – 1973. – №10.; *Боголюбов С.А.* Язык правоприменительных актов // Сов. юстиция. – 1973. – №15.; *Сырых В.М.* Критирии и способы выявления смысловых отношений между правовыми понятиями// Проблемы совершенствования советского законодательства. Труды ВНИИС 3, вып.5. – М.: 1976.

Ҳуқуқшунос олим В.М.Савицкий терминларда синонимия ҳодисасининг ижтимоий ҳаётда қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тўхталиб ўтиб шундай ёзади: “Бир тушунчани турли тил воситалари (сўзлар - Ш.К.) билан берилиши бу тушунчани англашни нафақат қийинлаштиради, балки ижтимоий ҳаётда ёмон оқибатларга олиб келади. Қонунни қўлловчи ёки уни бажарувчи киши қонун чиқарувчининг юксак обрўси (саводхонлиги - Ш.К.) ни назарда тутиб, қонунларда хато берилмайди деган фикрга келади. Агар у қонунда бир ҳуқуқий тушунчани турлича шаклда кўрса, қонунни ҳам турлича талқин қилиб, шунга мос равишда ҳаракат қилади. Бундай ҳолатларда бошқача иш тутиши лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу нафақат ҳуқуқни қўлловчилар, балки ҳуқуқшунос олимлар учун ҳам қийинчилик туғдиради, улар матнда маънони уқиб олиш учун қанча куч ва вақт сарфлайдилар”.¹⁰⁹

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида: “Лойиҳада ишлатиладиган тушунчалар ва терминлар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади”, – деб таъкидланиши жуда ҳам тўғридир.

Кўринадики, юридик терминларда синонимия ҳодисасига йўл қўйилиши ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, қонун устунлигини ҳамда ҳуқуқий тартиботни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбек юридик терминлари бўйича кузатишларимиз шуни кўрсатдики, юридик терминларда синонимия ҳодисаси жуда кенг тарқалган. Фикримизнинг далили сифатида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

Бугунги юридик тилимизда рус тилидаги *показание* термини ҳозирда қонунларда *кўрсатув* шаклида ишлатилмоқда. Бундан ташқари, бу термин турли ҳужжат ҳамда ҳуқуқшунослик фанига оид илмий-оммабоп нашрларда *кўрсатма*, *кўргазма*, *кўргазув* каби шаклларда ҳам учрайди. Ҳуқуқшунос олимлар А.Саидов ва Ғ.Аҳмедовлар бу терминнинг юридик тилимизга кириб келиши ҳақида шундай ёзишади: “1959-1960 йилларда Ф. Бакиров томонидан жиноят-процессуал қонунларига киритилган *кўрсатув* (показание), *суриштирув* (дознание), *боиқарув мажлиси* (распорядительное заседание) каби терминлар шунча йиллар ўтса-да, амалиётга кирмади. Масалан, *кўрсатув* деган сўзни юздан бир терговчи ёки судья ишлатади. Шунинг учун аввалги тажрибага қайтиб, бу сўзни *гувоҳлик*, *сўроқ*, яъни *гувоҳнинг берган гувоҳлиги*, *айбдор ёки гумон қилинаётган шахснинг берган сўроғи* деб ишлатиш дуруст бўлса керак”.¹¹⁰ 1993 йилги “Юридик терминлар ва иборалар луғати”да ҳам бу термин *кўрсатув*, *гувоҳлик*, *сўроқ* *берили*

¹⁰⁹ Савицкий В.М. Язык процессуального закона. – 35 с.

¹¹⁰ Давлат тили: муаммолар ва ечимлар. – 67-б.

тарзида берилади. Кўринадик, бу термин ўзбек тилида *кўрсатув, кўрсатма, кўргазма, кўргазув, гувоҳлик, сўроқ бериш* каби олтига термин билан ифодаланапти.

Рус тилидаги *прекращение (дело), окончание (дело), приостановление (дело)* терминларининг ўзбекча вариантлари турли-туман шаклларда маъноси фарқланмаган ҳолда ишлатилмоқда. Масалан, *прекращение (дело)* термини Жиноят-процессуал кодексда (373,374-моддаларда), хўжалик-процессуал кодексда (86, 87-моддаларида) *(ишни) тугатиш* тарзида берилган бўлса, “Юридик терминлар ва иборалар луғати”да эса *ишни ётқизиш, бекор қилиш* тарзида ифодланган. Шунингдек, бу термин айрим ҳужжатларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларнинг тилида *(ишни) тамомлаш, (ишни) тугаллаш* шаклларида ҳам ишлатилади.

Кўринадик, бу термин ўзбек юридик тилида *(ишни) тугатиш, ётқизиш, бекор қилиш, тамомлаш, тугаллаш* сингари бешта шаклда берилмоқда. Бундай ҳолатларда *(ишни) тугатиш* шаклини расман қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, биринчидан, у аксарият қонунларда шу шаклда ишлатилган. Иккинчидан, бошқа терминларга нисбатан юқоридаги ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини айнан ифодалайди. Учинчидан, юридик тилда *окончание (дело), приостановление (дело)* терминлари ҳам мавжуд бўлиб, *окончание (дело)* терминини *(ишни) тамомлаш*, *приостановление (дело)* терминини *(ишни) тўхтатиш* тарзида ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юридик терминларнинг синонимияси жуда ҳам кенг тарқалган бўлиб, кўплаб терминларимиз ўзининг бир қанча шаклларига эга. Бундай терминлардан айримларини қуйидаги жадвалда ифодалашга ҳаракат қилдик:

Терминнинг русча номи	Терминнинг ўзбек юридик тилидаги шакллари
потерпевший	жабрланувчи, жабрдийда
уголовное дело	жиноят иши жиноий иш,
подозреваемый	гумон қилинувчи, гумондор, гумонланувчи, шубҳа остига олинган шахс
обороноспособность	мудофаа қудрати, мудофаа қобилияти, мудофаа салоҳияти
охрана	қўриқлаш, муҳофаза этиш, ҳимоя қилиш

административное принуждение	маъмурий мажбурлов, маъмурий мажбурлаш, маъмурий мажбур этиш
исполнитель	ижро этувчи, бажарувчи, ижрочи
умышленно	билиб туриб, била туриб, билган ҳолда, қасддан
исполнительная власть	ижро ҳокимияти, ижро этиш ҳокимияти, ижро этувчи ҳокимият, ижроия ҳокимияти
возобновление	тиклаш қайта тиклаш
уголовное судопроизводство	жинойт-судлов ишлари, жиноят-судлов ишлари
труп	ўлик, мурда
дознаватель	суриштирувчи, суриштирувчи шахс
борьба с преступностью	жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятчилик билан кураш, жиноятчилик билан курашиш
склонение	қизиқтирувчи, ундовчи
задержанный	ушланган шахс, ушланувчи
ущерб	зарар, зиён, шикаст
ответственное лицо	жавобгар шахс, масъул шахс
стороны	томонлар, тарафлар
заключение под стражу	қамокқа олиш, ҳибсга олиш
давность	муҳлат, муддат ўтган муддат кучини йўқотиш муддати

дoгoвop	шaртнoмa, aҳднoмa, битим
устав	низоm устав
законный интерес	қонуний манфаат, қонун билан қўриқланадиган манфаат
соучастник	қатнашчи, иштирокчи

Кўринадики, ўзбек юридик терминларида синонимия ҳолати жуда ҳам кенг тарқалган. Бунга асосий сабаб, биринчидан, собиқ шўролар пайтида узоқ йиллар давомида ўзбек юридик терминларига бефарқ қаралгани бўлса, иккинчидан, ҳозирги кунда аксарият қонунларнинг аввал рус тилида тайёрланиб сўнгра ўзбек тилига таржима қилинишидир. Айниқса, ҳуқуқий билимлардан ҳамда юридик терминлардан хабарсиз бўлган бошқа соҳа мутахассис-таржимони маълум бир ҳуқуқий нормани ифодалашда юридик тилда қабул қилинган терминларни эмас, балки шунга яқин маъноларни ифодаловчи сўзларни ишлатади. Натижада бундай сўзлар қонун матнига кириб қолиб, юридик терминларда синонимия ҳодисасининг кўпайишига сабаб бўлган.

Шу боис, юридик терминларда синонимия ҳолатини бартараф этиш учун шу соҳага бағишланган махсус илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, унда асосий эътибор юридик тилдаги барча юридик терминларни шакл ва мазмун жиҳатидан ўрганишга, уларнинг ягона шаклларини ишлаб чиқишга ва амалиётда уларни барқарорлаштиришга қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу ўзбек ҳуқуқшунослари ва тилшунослари олдидаги энг муҳим долзарб вазифалардан биридир.

6. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИДА ОМОНИМИЯ МАСАЛАСИ

Ҳар бир халқнинг тил бойлигини кўрсатувчи энг муҳим воситалардан бири омоним сўзлардир. *Омоним* сўзи грекча “*homos*” ва “*опута*” сўзларидан олинган бўлиб, “бир хил ном” деган маънони беради. Талаффузи ва ёзилиши бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар деб юритилади (Масалан, *от* сўзи исм, ҳаракат ва уй ҳайвони маъноларини англатади). Демак, айтиш мумкинки, омоним сўзлар ҳар бир тилнинг кўрки ва нафосатини намоён этади.

Бироқ терминларда омонимия ҳодисасининг мавжудлиги ижобий ҳодиса ҳисобланмайди, балки шу соҳа тилининг ҳали такомиллига

етмаганлигидан дарак беради. Чунки терминлар тизимида омонимиянинг мавжудлиги, терминларнинг бир маънолилик хусусиятига зиддир. Шунинг учун терминларга бағишлаб ёзилган барча илмий адабиётларда терминларда омонимия ҳодисасига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.¹¹¹ Чунки терминларда омонимия ҳодисаси мавжуд бўлса, матнни шарҳлаш учун кенг йўл очилиб, ҳар ким ўзи билганича талқин қила бошлайди.

Айниқса, қонун матнларида бундай ҳолатларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Қонуннинг турлича талқин қилиниши ижтимоий ҳаётда турли оғир оқибатларга олиб келади. Шунинг учун, биринчи навбатда, юридик терминлар тизимида омонимия ҳодисасини бартараф этиш мақсадга мувофиқ.

Афсуски, ҳозирги пайтда айрим юридик терминларимизнинг лексик маъносига эътибор берилса, улар ўзларининг асосий маъноси билан бирга шу тушунчага мазмун жиҳатдан яқин бўлган маъноларни ҳам ифода этади. Масалан, рус тилидаги *личный досмотр* термини икки хил шаклда, яъни: *шахсни кўриқдан ўтказиши*, *шахсий кўриқдан ўтказиши* шаклида ишлатилади. Бу, биринчидан, ҳуқуқий нормаларнинг хилма-хил шакллари яъни синонимиясининг вужудга келишига сабаб бўлса, иккинчидан, *шахсий кўриқдан ўтказиши* деб берилиши хато ҳисобланади. Чунки рус тилидаги *личный досмотр* терминини *шахсни кўриқдан ўтказиши* бирикмаси тўла ифодалайди, *шахсий кўриқдан ўтказиши* эса бу ҳуқуқий тушунчанинг мазмунини очиб бера олмайди. Чунки *шахсий кўриқдан ўтказиши* термини қуйидаги икки маънони ифодалайди: 1) бир масъул шахс томонидан бир ёки бир неча кишининг кўриқдан ўтказилиши; 2) бир нечта масъул шахс томонидан фақат бир кишининг кўриқдан ўтказилиши.

Кўринадики, юридик терминларда омонимия муаммоси жуда ҳам долзарб бўлиб, энг хавотирлиси у қонунларнинг турли мазмунда талқин қилинишига кенг йўл очиб беради.

Бугунги кунда миллий юридик терминларимизда омонимия ҳодисаси шунчалик кучлики, ҳатто, айрим юридик терминлар ўзларининг асл маъносига тескари, қарама-қарши маъноларни ифода этади. Бу, айниқса, рус тилидаги *уголовный сўзининг* ўзбек тилига

¹¹¹ Қаранг: Язык закона, – 76-88 с.; *Савицкий В.М.* Язык процессуального закона. – 30-35 с.; *Ушаков А.А.* Очерки советской законодательной стилистики. – 171 с.; *Боголюбов С.А.* Стиль правовых актов // Советское государство и право. – 1973. – №10.; *Боголюбов С.А.* Язык правоприменительных актов // Советская юстиция. –1973. – №15.; *Сырых В.М.* Критерии и способы выявления смысловых отношений между правовыми понятиями. // Проблемы совершенствования советского законодательства. – Труды ВНИИС 3, вып.5. – М.: 1976.

жиноят ва жиний тарзида таржима қилинганлигида кузатилади. Қуйидаги юридик терминларнинг луғавий маъносига эътибор беринг:

ТЕРМИННИНГ НОМИ	ТЕРМИННИНГ БИРИНЧИ МАЪНОСИ	ТЕРМИННИНГ ИККИНЧИ МАЪНОСИ
Жиноят қонуни	Жиноят ва жазо тўғрисидаги қонун	Гўёки жиноят қилиш ҳақидаги қонун
Жиноят кодекси	Жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунлар мажмуаси	Жиноят қилиш ҳақидаги қонунлар мажмуаси
Жиноят-процессуал кодекси	Жиноят муҳокамаси ҳақидаги қонунлар мажмуаси	Жиноят жараёни ҳақидаги қонунлар мажмуаси
Жиноят-ижроия кодекси	Жиноятга белгиланган жазони ижро этиш тартиби ҳақидаги қонунлар мажмуаси	Жиноятни ижро этиш тартиби ҳақидаги қонунлар мажмуаси
жиноят ҳуқуқи	Юриспруденциянинг бир бўлими	Жиноятчиларнинг ўзаро ҳуқуқлари.
жиноят процесси	Юриспруденциянинг бир бўлими	Жиноятнинг жараёни
жиноят психологияси	Жиноятни ўрганувчи психология	Жиноят қилишни ўргатувчи психология
жиний-синов ҳуқуқи	Юриспруденциянинг бир бўлими	Жиноятчилар томонидан синаш ҳуқуқи
жиноят-кассация коллегияси	Жиноятни кўриб чиқувчи кассация коллегияси	Жиноятчилар уюшмаси
жиноят иши	Жиноят ва жазо тўғрисидаги ҳужжатлар тўплами	Жиноят қилиш ҳақидаги иш
жиний иш	Жиноят ва жазо тўғрисидаги ҳужжатлар тўплами	Жиноят қилиш ҳақидаги иш
жиний таъқиб (уголовное преследование)	Жиноятчини маъмурий органлар томонидан таъқиб қилиш	Бирор шахснинг жиноятчилар томонидан таъқиб қилиниши
жиний жазо	Жиноятга суд томонидан белгиланган жазо	Жиний гуруҳлар томонидан бирор шахсга белгиланган жазо
жиний жавобгарлик	Суд томонидан жиноят	Жиний гуруҳлар

	учун белгиланган жавобгарлик	томонидан белгиланган жавобгарлик
фуқаролик ҳуқуқи	Юриспруденциянинг бир соҳаси	Инсоннинг фуқаро сифатидаги ҳуқуқлари
фуқаролик процесси	фуқаролик ишларини юритиш жараёни	Ҳар бир инсоннинг фуқаро сифатидаги ҳаёт жараёни

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир термин пайдо бўлишининг ўз тарихи бор. Агар бир термин дастлабки даврда хато қабул қилинса, бу кейинчалик кўплаб терминларнинг хатолигига олиб келади. Чунки бир термин пайдо бўлганидан кейин шу термин билан биргаликда яна кўплаб терминлар ясалади ва натижада бу терминлар ҳам масаланинг моҳиятини тўғри ифодамайди.

Худди шу сингари ўзбек тилига рус тилидаги *уголовный* терминининг дастлаб *жиноят* ёки *жиноий* тарзида таржима қилиб ишлатилиши ҳозирда юридик терминларда кўплаб чалкашликларга олиб келди.

XX асрнинг бошида Россиянинг зиёли олимлари рус юридик тилига *уголовный* терминининг кириб келишига қарши фикр билдирганлар

Бу атаманинг келиб чиқиш тарихини кузатадиган бўлсак, *уголовный* сўзи қадимги рус тилида *у* (*префикс*)+*головный* сўзидан олинган бўлиб, *қотил* маъносини англатган. Ўз навбатида, рус тилидаги *-ьн* (*н*) суффикслари билан ясалган *головный* сўзи *от голова*, яъни *боши олинган мурда* маъносини берган.¹¹²

В.М.Савицкийнинг ёзишича, XI асрда “Русская правда”да агар қотил топилмаса, “*то вирьвную платити, въ чьей же верви голова лежит*” (яъни, пул жаримасини мурданинг танаси топилган қабила тўлайди) деб таъкидланган.

1471 йилда Новгород суди ёрлиғи (грамота)да қотиллик *головшиной* ва *поголовшиной* деб аталади. Кейинчалик рус тарихий манбаларида *головник* сўзи *қотил* маъносида қўлланади. *Головник* сўзи жиноятчини қатл этишни эмас, балки жиноятчининг ўзини, яъни *калакесар* маъносини англатган.¹¹³

Шу боис, XX асрнинг бошларида айрим россиялик ҳуқуқшунос олимлар, совет қонунлари илк бор номланаётган пайтда, жиноят кодекси “*Уголовный кодекс*” тарзида номланишига қарши фикр

¹¹² Шанский Н.М., Иванов В.В., Шанская Т.В. Краткий этимологический словарь русского языка. – М.: Просвещение, 1971. – 460 с.

¹¹³ Савицкий В.М. Язык процессуального закона. – 8 с.

билдиришган. Жумладан, ҳуқуқшунос олим Н.Н.Полянский “Уголовный кодекс” ва “Уголовно-процессуальный кодекс” тарзида қонунларнинг номланишидан воз кечишни таклиф қилади. Унинг фикрича, ушбу қонунларнинг номланишида *уголовный* атамасини ишлатиш билан анахронизмга ¹¹⁴ йўл қўйилган деб ҳисоблайди. Олим бу атама, биринчидан. Этимологик жиҳатдан инсониятни таҳқирласа, иккинчидан, жиноят ва жазо ўртасидаги фарқларни ажратиб бера олмаслигини қайд этади. Н.Н.Полянский бу қонунни “Уложения о преступлениях и наказаниях” деб номлашни тавсия этади.¹¹⁵

Н.Н.Полянский 1824 йилда Давлат кенгашида тасдиқланган “Уголовное уложение” лойиҳасидаги қуйидаги фикрларга асосланиб, юқоридаги қонуннинг номини ўзгартиришни таклиф этади: “Уголовное наказание суть те, где дело идёт о голове, т.е. о жизни, *diminitio capitalis*, а жизнь каждого лица в обществе есть тройная: физическая, политическая и гражданская, две последние именуются правами состояния. Всякое наказание, непосредственно удручающее или умаляющее бытие или состояние лица, есть наказание уголовное”.¹¹⁶

Шундан кейин, Н.Н.Полянский *уголовное наказание* атамаси 1845 йилда ишлаб чиқилган ва октябрь тўнтаришига қадар Россияда амалда бўлган “Уложения о наказаниях и исправительных” қонунига кириб қолганлигини қайд этади ва эндиликда инсониятни камситувчи *уголовный* атамасидан воз кечишни таклиф қилади.¹¹⁷

В.М.Савицкий эса Н.Н.Полянскийнинг бу фикрига қарши фикр билдириб, *уголовный* атамасидан воз кечиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини, бу атаманинг Н.Н.Полянский таъкидлаганидек, инсониятни камситувчи *каллакесар* маъноси кўпчиликка маълум эмаслигини, уни фақат ҳуқуқ тарихи билан шуғулланувчи мутахассисларгина билишини таъкидлайди ва бу атама эндиликда *жиноятга доир* деган маънони беришини айтади.¹¹⁸

Табиат ва жамиятдаги барча предметлар ўзгаришда бўлгани сингари тил ҳам ривожланиб боради. Тилда олдин мавжуд бўлган сўзлар вақт ўтган

¹¹⁴ “Анахронизм” атамаси ўзбек тилида қуйидаги маъноларни англатади: 1) тарихий саналарни кўрсатишда хатоликки йўл қўйиш; 2) бир даврни тасвирлашда бошқа бир даврни унга хос деб кўрсатиш; 3) ўз замонасига мос келмайдиган эски қарашлар, урф-одатлар. Қаранг: Русча-ўзбекча луғат. 2 томлик. 1-том. – Т., 1983. – 32-б. Н.Н.Полянский асосан бу сўзнинг иккинчи ва учинчи маъноларини назарда тутади.

¹¹⁵ Полянский Н.Н. О терминологии советского закона // Проблемы соц. права. – 1938. - №5. – 122-124 с.

¹¹⁶ Ўша жойда. – 123 с.

¹¹⁷ Ўша жойда. – 123 с.

¹¹⁸ Савицкий В.М. Язык процессуального закона. – 120 с. Ҳақиқатан ҳам “уголовный” атамаси ҳозирги пайтда рус тилида «жиноятга доир» деган маънони беради. Қаранг: Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: Советская энциклопедия, 1968. – 8 с.

сайин эскириб. Истеъмолдан чиқиши ёки ўзининг дастлабки маъносини ўзгартириб, янги маъно касб этиши мумкин. Масалан, *кодекс* атамасининг ўзи ҳам дастлаб *китоб* маъносини англатган бўлса, ҳозирда *қонунлар тўплами* маъносида ишлатилади. Ёки *паспорт* атамаси дастлаб италянчадан *портга кириш рухсатномаси* ни англатган бўлса, ҳозир фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.¹¹⁹

Шу сингари *уголовный* атамаси XI асрдан XIX аср охириларига қадар *каллани кесиш, каллакесар, қотил* маъносини ифодалаган бўлса, XX асрнинг бошларидан то ҳозиргача, қонун тилида кўп қўлланиши натижасида, бу атама бугунги кунда *жиноятга доир* маъносини ифодаламоқда.¹²⁰

Шу боис бу термин рус тилида *уголовный кодекс, уголовное дело* каби терминларни ифодалашда тўғри ишлатилмоқда. Лекин бу термин ўзбек тилига *жиноят* ва *жиноий* тарзида сўзма-сўз таржима қилиниб, катта хатоликка сабаб бўлмоқда. Чунки бу сўзлар ўзбек тилида *жиноятга доир* деган маънони билдирмасдан балки, *жиноятнинг бевосита ўзини* англатади. Шунинг учун бу сўз билан ясалган юридик терминлар ҳам асл маънодан ташқари қарама-қарши тушунчаларни англатади.

Бу сўз билан ясалган ҳамма терминлар масаланинг моҳиятини нотўғри ифодалайди десак хато бўлади. Масалан, *жиноят-қидирув бўлими* каби терминлар мантиқий жиҳатдан тўғри маъно ифода этади. Лекин аксарият терминлар анча мунозаралидир. Шу боис *жиноят* сўзи билан ясалган барча терминларни мазмун нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, ҳуқуқий тушунчанинг моҳиятини тўғри ифодалайдиган шакллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг назаримизда, бу терминларга қуйидаги муқобил номлар берилиши лозим:

- жиноят кодекси – жиноят ва жазо кодекси;
- жиноят-процессуал кодекси – жиноят муҳокама кодекси;
- жиноят-ижроия кодекси – жазони ижро этиш кодекси;
- жиноят ҳуқуқи – жазо ҳуқуқи;
- жиноят процесси – жазолаш процесси;
- жиноят иши – жиноят ва жазо иши; ёки айблов иши;
- жиноий жавобгарлик – жиноят учун жавобгарлик;
- жиноий таъқиб – жиноят учун таъқиб;
- жиноий рўйхат – жиноят ва жазо ишлари рўйхати.

Кўринадики, ўзбек миллий юридик терминларида омонимия муаммосини ҳал этиш ўта муҳим вазифа бўлиб, бу йўналишга

¹¹⁹ Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. – Т.: Адолат, 1999. – 5-б.

¹²⁰ Ожегов С.И. Словарь русского языка. – 811 с.

бағишланган махсус тадқиқот объектларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда барча терминлар ҳуқуқнинг ҳар бир соҳаси бўйича ўрганиб чиқилиб, сўнгра омонимия ҳодисалари мавжуд бўлган терминларнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш лозим.

Юридик терминларни тартибга солиш бениҳоя муҳим, бениҳоя долзарб муаммо. Аммо қонунлардаги терминларни йўл-йўлакай, исталган пайтда тартибга солиш, номаъқулини маъқули билан алмаштириш мумкин эмас, чунки қонун доимо қўлланишда, жамият ҳаёти билан доимий равишда боғлиқликда. Ҳатто, бир терминнинг йўл-йўлакай алмаштирилиши қонуннинг нотўғри талқин қилинишига, барча томонидан бир хил тушунилмаслигига олиб келади, қонунларни қўллашни қийинлаштиради.

IV. БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА АМАЛИЁТ

1. ЮРИДИК МАТНДА ТЕРМИНЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ

Маълумки, юридик тил терминлашган тил бўлиб, унда кўплаб терминлар ишлатилади. Қонуншунос қонун матнини тузаётганида оддий сўзларга нисбатан мумкин қадар терминларни кўпроқ ишлатишга ҳаракат қилади. Албатта, бунда ҳам маълум бир чегаралар ва мезонлар бўлиб, қонун ижодкорлиги фаолиятида терминлардан тўғри фойдаланишнинг маълум бир усуллари мавжуд. Шунга кўра мукамал қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тузишда терминлардан тўғри фойдалана билиш масаласи муҳим ўрин тутаяди.

Бу масала илмий юридик адабиётларда етарли даражада ёритилган бўлиб, қонун матнларини тузаётганда терминлардан фойдаланишнинг илмий-назарий қоидалари тўла ёритилган. Ҳуқуқшунос А.С.Пиголькин ва тилшунос Е.М.Сморгуновалар қонун матнларида терминлардан фойдаланишнинг қуйидаги талабларини ишлаб чиқишган.

1. Қонун матнларида ўзи ифодалаётган ҳуқуқий тушунчани аниқ акс эттирувчи терминларни қўллаш лозим: Ноаниқ ва кўп маъноли терминларни қўлламаслик керак.

2. Терминларни ҳаммага маълум маъноларда ишлатиш керак.

3. Қонун матнларида ишлатилаётган терминлар барча учун оддий ва тушунарли бўлиши лозим.

4. Эскирган ва адабий тилда фаол ишлатилмайдиган терминларни қўлламаслик зарур.

5. Идоравий маҳдуд (канцеляризм) ва тўрачиликка (бюрократияга) оид терминлардан воз кечиш лозим.

6. Қонун матнларида ҳамма биладиган терминларни кўпроқ ишлатиш мақсадга мувофиқ.

7. Қонун лойиҳаларини тузаётганда юридик терминлар бирлиги ва барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

8. Юридик терминларни услубий жиҳатдан тўғри ишлата билиш лозим. (Бунда юридик терминларга маъно кўчиши, уларнинг ижобий ёки салбий маънони ифодаламасдан нейтрал бўлиши назарда тутилади).

9. Қонун лойиҳаларида қисқартма (аббревиатура) терминларни, мумкин қадар, камроқ ишлатиш керак.

10. Келиб чиқиши бир ўзакдан ясалган (ўзакдош) терминларнинг бирлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

11. Терминларнинг ўта қисқа бўлишига катта эътибор қаратиш зарур.

Ҳақиқатан ҳам, бу талабларда қонун лойиҳаларида терминларни ишлатишнинг тўла илмий-назарий қонидаси ўз ифодасини топган бўлиб, унга риоя қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини яратиш қонуншуносдан катта тажриба, масъулият, билим ва салоҳиятни тақозо қилади. Бу талабларни билмасдан туриб қонун лойиҳаларини яратиш шу қонуннинг номукамаллигига ва амалиётда яхши самаралар бермаслигига ва, ўз навбатида, қонунни қўлловчилар учун маълум бир қийинчиликларнинг туғилишига олиб келади.

Терминларни қўллашдаги барча нуқсонларни тўрт гуруҳга умумлаштириш мумкин:

1. Айрим қонун лойиҳаларида барча учун тушунарсиз бўлган, ҳали оммалашмаган, ўта ихтисослашган терминлар кўп ишлатилади.

2. Терминларнинг бирлиги, яхлитлиги ва барқарорлигини сақлашга етарли даражада эътибор берилмайди.

3. Қонуншунос томонидан ўзи билганича термин ясаш ҳолатлари учрайди.

4. Терминларнинг нейтрал маъно эмас, балки услубий жиҳатдан кўчма маъно касб этиб ижобий ёки салбий бўёқдорлик ифода этиш ҳолатлари учрайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда бу масаланинг муҳимлигини назарда тутиб, ҳатто, муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов 1997 йилнинг майида ҳуқуқий тартибот идоралари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар билан учрашувда тилимизда *объект, субъект, мониторинг* каби терминлар қўлланишини, лекин шу сўзларнинг маъносини кўпчилик билмаслигини таъкидлаган эдилар ва бундай сўзлар қўлланганда уларнинг ёнига маъносини бериш лозимлигини уқтирган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам, қонун ижодкорлиги фаолиятида шундай тажриба мавжудки, қонунда барчага тушунарсиз термин ишлатилса, бу терминнинг қисқача изоҳи шу қонун матнида берилади. Бу ҳақда румин ҳуқуқшунос олими А.Нашиц шундай ёзади: “Қонунда ишлатилган терминнинг изоҳини шу қонун матнида бериш унинг амал қилиш соҳасини белгилашга ёрдам беради ва унинг амалиётда самарадорлигини оширади”.¹²¹

Бу тажриба Ўзбекистон қонунчилик амалиётида ҳам қўлланилмоқда. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида: “Зарур ҳолларда

¹²¹ *Нашиц А.* Правотворчество. Теория и законодательная техника. – 194 с.

махсус терминлар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади” - деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида эса: “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус терминларнинг таърифлари берилиши мумкин”, - дейилади.

Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонуннинг 17-моддаси *Ратификация ёрлиғи* деб номланган бўлиб, сўнгра модданинг бошида *ратификация ёрлиғи* терминига қуйидагича таъриф берилади:

17-модда. Ратификация ёрлиғи

Ратификация ёрлиғи - Олий Мажлис халқаро шартномани кўриб чиққанлигидан гувоҳлик берувчи ва халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси учун мажбурийлигига рози эканлигини ифодаловчи махсус ҳужжат.

Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасида шундай дейилади:

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари опционлар, фьючерслар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқарилиши мумкин.

Опцион - шартнома бўлиб, унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш ҳуқуқини беради.

Фьючерс - қимматли қоғоз (шартнома) бўлиб, муайян қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларни ёки товарларни шартномада белгилаб қўйилган нархда белгиланган келгуси санада харид қилиш ёки сотишдан иборат сўзсиз мажбуриятни тасдиқлайди.

Кўринадики, бу қонунларда *ратификация ёрлиғи, опцион, фьючерс* терминларининг изоҳи берилиб тўғри иш қилинган.

Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай терминларнинг кўпроқ ўзбекча шакллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Миллий юридик тилимизда бундай сўзларнинг таркиби ошиб кетиши яхши оқибатларга олиб келмаслигини собиқ шўролар даврида кўрдик. Шунинг учун, биринчи навбатда, бундай терминларнинг мумкин қадар ўзбекча шаклини ишлаб чиқиш лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса, нотаниш терминларнинг қонун матнларида изоҳини бериш анъанасини кўпроқ қўллаш мақсадга мувофиқ.

Халқаро қонун ижодкорлиги фаолиятида тан олинган бундай илғор тажрибалар ўзбек қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг охирида кўпгина юридик терминларнинг изоҳи келтириладики, бу қонунни қўлловчилар учун ҳамда терминларни бир хил тарзда талқин

қилиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бундай усулни қонунчилик фаолиятида кўпроқ қўллаш мақсадга мувофиқ.

Қонун матнларида терминларни қўллашга доир энг муҳим талаблардан яна бири терминлар бирлиги, яхлитлиги ва барқарорлигини сақлаш принциpidир. Бу талаб терминларда синонимия, омонимия, полисемия муаммоларининг олдини олади, терминларнинг ягона шаклларда ишлатиши учун хизмат қилади.

Қонун тузиш ишининг мураккаблигидан ҳамда қонун тузувчи ёки уни таржима қилувчи шахснинг мавжуд юридик терминлардан тўла хабардор бўлмаслиги сабабли, айрим ҳолатларда, бирор юридик терминнинг олдиндан мавжуд шакли бўлса-да, шу терминга яқин сўзлар билан берилади. Бу эса ўз-ўзидан терминларнинг бирлиги ва барқарорлиги принциpigа зид ҳодиса ҳисобланади, бир юридик терминнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Қонун матнларида терминларнинг барқарорлигини сақлаш ҳақида гап кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим ҳолатларда қонуншунослар ҳуқуқий нормаларни тузаётганда бир гап таркибида бир терминни бир неча марта ишлатишдан ўзларини тийишиб, шу терминнинг халқ тилидаги бошқа шаклларини беришга ҳаракат қилишади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонун матнларида терминларку терминлар, ҳатто, сўзларнинг ҳам бир гап таркибида бир неча марта такрорланишига йўл қўйилади.

Бундан ташқари, қонун ижодкорлиги фаолиятида шундай тажриба мавжудки, юридик тилда умумадабий тилга қабул қилинган, шу тилда оммалашган сўзларни ишлатиш мақсадга мувофиқ. Қонунда умумадабий тилда мавжуд бўлмаган янги сўз ясаш ҳолатлари салбий ҳодиса сифатида баҳоланади. Чунки қонун матнида ишлатилган шу сўз умумадабий тилга ўзлашиши ҳам мумкин, ўзлашмаслиги ҳам мумкин.

Умуман олганда, қонун матнларида терминларни тўғри ишлата билиш ўта мушкул ва, ўз навбатида, шарафли вазифа бўлиб, у қонуншуносга катта масъулият юклайди. Қонунларнинг амалиётда самарали натижалар бериши ва фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг ошиши ҳуқуқий нормаларни ифодалашда терминлардан тўғри фойдаланишга чамбарчас боғлиқ.

2. ЮРИДИК ТИЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ АМАЛИЁТИ

Ҳар қандай матннинг мукамал даражада тузилиши, фикрнинг тингловчига тўлақонли етказиши учун шу матнга қўйиладиган талабларни илмий асосда ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир. Айниқса,

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнига қўйиладиган талабларни илмий тадқиқ этиш қонун устунлигини таъминлашнинг, қонунларнинг сифат жиҳатдан мукамал бўлишининг муҳим омилidir. Қонуншунос қонун лойиҳаларини тузаётганда, биринчи навбатда, юридик тил талабларини мукамал билиши ва шу талаблар асосида қонунларни ишлаб чиқиши зарур.

Юридик тилга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни расмий, қатъий ва, ўз навбатида, нейтрал ифодаланган бўлиши лозим.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни энг юқори даражада (максимал) аниқ ифодаланиши керак.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда бўлиши зарур.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ифодаланаётган фикрлар мантиқий кетма-кетлик асосида изчил баён этилиши лозим.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини тузишда уни ҳуқуқшунос мутахассислар яхши тушуниши нуқтаи назаридан эмас, балки барча фуқароларнинг идрок этиш имконидан келиб чиқиб тузиш керак.

Юридик тилни бу талаблар асосида мукамал тузиш қонуншуносдан катта билим ва салоҳиятни тақозо қилади. У бу талабларнинг мазмун ва моҳияти ҳамда уни амалга ошириш усулларини мукамал ўзлаштирган бўлиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида расмийлик, қатъийлик, нейтралликни таъминлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Шундай усуллардан энг асосийси юридик тилнинг сўз танлаш мезонини белгилашдир. Юридик тил умумадабий тил доирасида иш кўрса-да, ундаги барча сўзларни қабул қилавермайди.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, юридик тилнинг бундай илмий хусусиятлари қонунларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасига бу ҳақда алоҳида ҳуқуқий норма киритилган бўлиб, унда шундай дейилади: “Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўз ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди”. Юридик тилнинг бундай хусусиятлари умуммажбурий норма сифатида ифодаланишини қонунчилигимиздаги ижобий жиҳатлардан бири сифатида баҳоламоқ керак. Чунки бу ҳуқуқий норма қонуншунос фаолияти учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга бу ҳуқуқий нормани яна ҳам такомиллаштириш лозим. Юқоридаги қонуннинг 19-моддасида қандай қилиб бунга

эришиш йўллари, яъни: “Қонун матнида асосан терминлардан ва бир маъноли сўзлардан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ”, деб кўрсатиш зарур.

Ҳақиқатан ҳам қонун матнида эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўз ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар ишлатилиши унинг аниқлик, расмийлик, қатъийлик, нейтраллик талабларига путур етказди.

Бундан ташқари, юридик тилда қуйидаги сўзларнинг ҳам ишлатилиши мақсадга мувофиқ эмас:

1. Айрим ҳуқуқий тушунчаларнинг умумадабий тил нормасига кирмаган халқ тилидаги вариантлари, масалан: *прокурор - қораловчи, адвокат - оқловчи, судья - ҳакам, жабрланувчи – жабрдийда, озодликдан маҳрум этмоқ - кесмоқ, афв этмоқ - оқламоқ, аноним хати - юмалоқ хат, қамоқ - турма, номусга тегиши - зўрлаш, сушиқасд қилиши - ўлдирмоқчи бўлиши* кабилар.

2. Эскирган сўзлар: *қози (судья), муддаи умуми (прокурор), тузук (кодекс), тилмоч (таржимон), фирқа (партия), жумҳурият (республика), қурултой (съезд), байналхалқ (байналмилал), мирза (котиб), синовчи (эксперт)* кабилар.

3. Оғзаки сўзлашувга хос сўзлар: *шарманда қилиши, кўндаков қилиши* кабилар.

4. Жаргонлар: *лой (пул), соққа (пул), кўк (валюта)* кабилар;

5. Поэтик лексика: *ораз, жамол, жилвакор, париваш, сулув, васф, таъзим, илҳом париси, шабада* кабилар.

6. Шевага хос сўзлар: *момо, маяк, тегра, така, ўжаск, шоти, эна* кабилар.

7. Варваризмлар (бошқа тиллардан ўринсиз равишда сўз ишлатиш): *Но так что мен эртага келмайман* сингари.

8. Вульгаризмлар: *(қарғиш ва уят сўзлари)*.

Бундай сўзларда услубий бўёқдорлик ўта кучли бўлиб, улар юридик тилнинг расмийлик, қатъийлик ва нейтраллик талабларига зиддир. “Юридик тил субъектив ҳиссиётларга бефарқ бўлиши, у бир маромда хотиржам, нейтрал оҳангда ифодаланиши лозим. Унда дабдабалилик, тантанаворлик, кўтаринкиликка ҳамда турли маъно кўчишларига йўл қўйилмайди. Юридик тилнинг “гўзаллиги ва нафосати” унинг содда ва лўнда, қисқа ифодаланганлигида, ҳуқуқий нормаларнинг энг юқори даражада аниқ акс эттирилганлигидадир”.¹²² Шунинг учун бундай сўзларни юридик тилда ишлатмаслик лозим.

¹²² Керимов Д.А. Законодательная техника. – М.: Наука, 2000. – 61 с.

Қонун матнларидаги ҳуқуқий нормаларнинг фуқаролар томонидан тез ва аниқ тушунилишини таъминлаш мақсадида, таъкидланганидек, эскирган сўзлар ва шевага хос сўзлар ишлатилмайди. Улар ҳуқуқий нормаларни тушунишни оғирлаштиради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнига қўйиладиган энг муҳим талаб – юридик тилнинг энг юқори (максимал) даражада аниқликка интилишидир. Албатта, ҳар қандай услубга оид матнга қўйиладиган энг муҳим ва бирламчи талаб аниқликдир. Лекин бу жиҳатдан юридик тил ўзига хос хусусиятга эга.

Бадиий ва публицистик (роман, ҳикоя, шеър кабиларда) услубларда матн ўта аниқ тузилмаса ҳам уни қайта-қайта ўқиш жараёнида муаллиф айтмоқчи бўлган маънони уқиб олиш мумкин. Бу жамиятда унчалик ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Лекин ҳуқуқий нормаларни ифода этишда бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки юридик матн аниқ тузилмаса, ҳар ким қонун матнини ўзича тушунади ва ўзи тушунганича иш тутади. Бу жамиятда турли бошбошдоқликка олиб келади, ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликка йўл очиб бериши мумкин.

Шу нуқтаи назардан юридик тилга қўйиладиган энг муҳим ва асосий талаб аниқликдир. Сўнгги йилларда, қонунларимиз матнида аниқликни таъминлаш мақсадида, Парламентимиз томонидан кўпгина чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ аксарият қонунларимизда аниқлик таъминланган. Бунинг ёрқин мисоли қомусимиз – Конституциядир. Конституцияни ифода усули нуқтаи назаридан кузатсак, унда ҳуқуқий нормалар ниҳоятда аниқ ва равшан берилганлигини, ҳар бир сўз ўз ўрнида ишлатилганлигини, гаплар ниҳоятда содда ва қисқа тузилганлигини, бирор бир тушунарсиз жумла йўқ эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шунга кўра Конституциямиз нафақат юридик жиҳатидан, балки ифода усули жиҳатидан ҳам бошқа қонунларга асос, намуна бўлиши лозим.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганлигига йигирма йил тўлди. Шу давр ичида Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолияти туфайли кўплаб қонунлар қабул қилинди, жамиятнинг асосий ҳуқуқий пойдевори яратилди. Қабул қилинган қонунларнинг салмоғи нафақат уларнинг сони ва юридик кучи, балки бу қонун ҳужжатларининг сифати, жаҳон стандартлари даражасига жавоб бериши, хусусан, ўзининг содда ифода усули ва унга амал қилувчилар манфаатидан келиб чиққан ҳолда аниқлик даражаси билан ҳам ўлчанади.

Бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида ўта аниқликни таъминлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Шундай самарали усуллардан асосийси - ҳуқуқий норманинг кичик-кичик гапларга бўлиб

берилиши, гапларнинг максимал даражада қисқа тузилишидир. Гаплар қанчалик қисқа тузилса ҳамда унда ортиқча сўзлар бўлмаса, шу ҳуқуқий норманинг фуқаролар томонидан тушунилиши шунчалик осон кечади. Бу эса қонуннинг амалиётда самарали натижалар беришига замин ҳозирлайди. Шунинг учун бутун дунё қонун ижодкорлиги фаолиятида қонун лойиҳаларидаги гапларнинг қисқа тузилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳақда профессор Д.А.Керимов шундай ёзади: “Қонун аҳолининг барча қатламлари учун тушунарли бўлиши керак. Бунга, биринчи навбатда, қонуншунос фойдаланадиган сўз захирасининг оддийлиги билан эришилади. Қонунни билмаслик, табиийки, унга риоя этмаслик учун асос бўлмайди. Шу боис қонун ҳамма тушунадиган тилда, содда ва аниқ ёзилиши керак. Унда мумкин қадар кенг қўлланадиган, кишилар тушуниши осон бўлган оддий сўз, термин ва жумлаларни ишлатиш лозим. Мураккаб ҳуқуқий конструктив жумлаларни ишлатмаган маъқул. Гаплар иложи борица содда ва қисқа тузилиши керак”.¹²³

“Қонунчилик фикри (тили – К.Ш.) жуда ҳам чекланган миқдордаги сўз ва терминлар билан ифодаланиши лозим, – деб ёзади А.С.Пиголькин. Ортиқча сўзлар ва такрорлашлар, предметни ипидан-игнасигача батафсил тасвирлаш қонунчилик услубига хос эмас. Қонун матни қанчалик қисқа (албатта, маълум даражада) ифодаланса, ижрочилар томонидан яхши қабул қилинади. Ҳуқуқий норманинг қисқа ифодаланиши ижрочиларнинг куч ва вақтини ҳам тежайди”.¹²⁴

Бутун дунё қонунчилик амалиётида шундай тажриба мавжудки, қонунлар қанчалик қисқа тузилган бўлса, шу қонун мукамал қонунлар сирасига киради. АҚШ Конституцияси дунё миқёсида энг қисқа ифодаланган Конституция сифатида тан олиниб, унда ҳаммаси бўлиб 9500 атрофида сўзлар мавжуд. Агар шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Конституцияси матнларидаги сўзлар ҳисоблаб чиқилса, АҚШ Конституциясига нисбатан бизнинг Конституциямизда қарийб икки баробар сўз кам ишлатилганини кўриш мумкин.

Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра Конституциямизда ҳаммаси бўлиб 5421 та сўз ишлатилган. Шунга кўра Конституциямиз бутун дунё конституцияшунослик тизимида юқори ўринлардан бирида туради ва ўрни келганда, бошқа халқларнинг Конституциялари учун намуна вазифасини ўташи ҳам мумкин.

¹²³ Керимов Д.А. Законодательная техника. – М.: Наука, 2000. – 64 с.

¹²⁴ Гаврилов О.А., Колдаева, Н.П., Пиголькин А.С. Научные основы советского правотворчества. – М.: Наука, 1981. – 297 с.

Бундан ташқари, Конституциядаги ҳар бир ҳуқуқий норма ўта қисқа ифодаланган, гапларда ноўрин ёки ортиқча қўлланилган сўзни топиш амри маҳол. Конституциядаги гапларнинг қисқа тузилганлигини нисбий бўлса-да, қуйидаги тажрибада кузатиш мумкин:

Конституциянинг биринчи бўлимида ҳаммаси бўлиб 30 та гап мавжуд. Бу гапларнинг қисқа, яъни ҳар бир гапнинг қанча сўзлардан тузилганлиги нуқтаи назаридан кузатилганда қуйидаги ҳолат аниқланди:

1-10 та сўздан иборат бўлган гаплар	-	11 та;
11-20 та сўздан иборат бўлган гаплар	-	14 та;
20-30 та сўздан иборат бўлган гаплар	-	4 та;
30-40 та сўздан иборат бўлган гаплар	-	1 та.

Кўринадики, Конституцияда ҳуқуқий нормаларни ифодалашда қисқалик принципига тўла амал қилинган. Бу ҳам Конституциянинг фуқароларимиз меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиши учун, ўз навбатида, муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

У БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА ҚОНУНЧИЛИК УСЛУБИЯТИ

1. ҚОНУНЧИЛИК УСЛУБИЯТИ НАЗАРИЯСИ

Юридик тилнинг энг марказий муаммоларидан бири қонунчилик услубияти масаласидир. Шу нуқтаи назардан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик тилга қўйиладиган талаблар асосида ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши, шу мамлакатда қонунчилик услубияти масалалари қанчалик ишлаб чиқилганлигига ҳамда амалиётда қонуншуносларнинг бу билимларни ўзлаштириб қўллай билишига чамбарчас боғлиқ.

Қонунчилик услубияти, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича мукамал билимга эга бўлиш учун, уни юридик фанлар доирасидагина тушунтиришнинг ўзи кифоя қилмайди. У фақат юридик билимлар нуқтаи назаридан текширилганда, унинг моҳияти, туб мазмуни очилмай қолади. Чунки қонунчилик услубияти юридик ва лингвистик билимлар ўртасидаги маълум бир илмий йўналиш бўлиб, шунга кўра юридик ва лингвистик билимларнинг ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади. Қонунчилик услубияти билан шуғулланувчи мутахассисдан ҳам юридик, ҳам лингвистик билимлардан хабардор бўлиш талаб қилинади. Қонунчилик услубияти деган бирикманинг ўзиёқ шундан далолат берадики, қонунчилик юридик билимларга, услубият эса лингвистик илмларга тегишлидир. Шунинг учун қонунчилик услубиятининг предмети, мақсад ва вазифаларини юридик ва лингвистик фанларнинг орасидан қидириш мақсадга мувофиқ.

Стилистика (услубият) французча *stilus* сўзидан олинган бўлиб, *учи ўтқир таёқча* деган маънони англатади, лингвистик термин сифатида эса, биринчи марта, 1840 йилда қўлланган.¹²⁵ Шундан бери услубият - лингвистик билимларнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у ўтган асрнинг охирларидан бери мустақил фан сифатида ўрганилиб келинмоқда. Ҳозирги кунда у филология фанининг “тожи”, олий чўққиси ҳисобланади.

Илмий адабиётларда “услуб” тушунчасига турлича таъриф берилади. Шунга кўра илмий адабиётларда ҳар бир тил таркибида қуйидаги вазифавий (функционал) услублар мавжудлиги таъкидланади: илмий услуб, публицистик услуб, сўзлашув услуби, бадиий услуб, расмий иш услуби.

Бу вазифавий услублар маълум бир ижтимоий фаолиятга хосланади. Масалан, илмий нутқнинг мақсад ва вазифаси илмий

¹²⁵ Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Т., 1988. – 56-б.

алоқадан, бадий услубники эса ҳаёт воқеликларини бадийлаштириб, умумлаштириб, ҳаққонийлик билан ёритиб беришдан, бундан ташқари, тингловчига эстетик-эмоционал таъсир кўрсатишдан иборат. Бу услубда роман, қисса, ҳикоя, умуман, бадий асарлар яратилади. Бунда асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш учун ёзувчи тилнинг барча лексик ва грамматик воситаларидан, шунингдек, турли бадий тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланишга, янги-янги ифода воситаларини яратишга ҳаракат қилади.

Сўзлашув услуби кишиларнинг ўзаро кундалик фаолияти давомида қўлланади. Публицистик услуб эса оммавий ахборот воситаларида иш кўради. Расмий иш услуби эса расмий доирада, турли ҳужжат ва норматив акт лойиҳаларини тузишда, иш қоғозлари: ариза, тилхат, тавсифнома кабиларни тўлғизишда қўлланади.

Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бу услубларни тасниф қилиш улар бир-биридан тамоман фарқ қилишини ёки бу умуман бошқа-бошқа тил тушунчасини англамайди. Уларнинг ҳаммаси умумидабий тил доирасида яхлит ҳолатда иш кўради. Фақатгина бу услублар маълум бир фаолиятга хизмат қилиши туфайли адабий тилга хос тил бирликларининг маълум бир жиҳатларини кўпроқ, айрим қирраларини эса камроқ, баъзи хусусиятларини эса умуман акс эттирмайди. “Вазифавий услублар деганда тилдан фарқ қиладиган қандайдир алоҳида нарса тушунилмайди, балки шу аниқ адабий тил системасининг ичида қаратиладиган, ўзига хос хусусиятлари, хизмат қилиш доираси билан бир-бирларидан фарқ қилиб турадиган ёрдамчи система тушунилади”.¹²⁶

Адабий тил фонида қонунчилик услубининг ўрнини белгилашда В.Д.Бондалетова, С.С.Вартапетова, Э.Н.Кушлина, Н.А.Леоновалар расмий иш услубини қуйидагича гуруҳларга ажратадилар:

1. Қонунчилик услуби.
2. Ҳар хил иш қоғозлари услуби.
3. Дипломатик иш қоғозлари услуби.¹²⁷

Қонунчилик услуби расмий иш услуби доирасига кирувчи услубларнинг энг асосий тури ҳисобланади. У жамият ижтимоий фаолиятининг ҳуқуққа дахлдор бўлган соҳасигагина хизмат қилади. “Қонунчилик услуби - деб ёзишади “Юридик тил” китобининг муаллифлари, расмий иш услуби доирасига кирувчи барча кенжа услубларнинг шаклланиш ва ривожланиш йўлини белгилайди,

¹²⁶ Қўнгуоров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т., 1992. – 8-б.

¹²⁷ Бондалетова В.Д., Вартапетова С.С., Кушлина Э.И., Леонова Н.А. Кўрсатилган манба. – 88-б.; Язык закона. – 14 с.

қонунчилик услубининг турли иш қоғозлари матнининг услубиятида ва лексикасида ўз аксини топади. У бу иш қоғозларининг шакл ва мазмунига ўз таъсирини ўтказади, идоровий ҳужжатларнинг ва маъмурий иш юритишнинг намунаси бўлиб хизмат қилади”.¹²⁸

Бунинг сабаби, қонунчилик услубининг ҳам лингвистик фанлар доирасига тегишлилигидир. Уни ўрганиш учун юрист бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Юрист ҳуқуқий нормани қоғозга тушириб ёзар экан, хоҳлайдими-йўқми лингвистик билимларга эҳтиёж сезади. Тилшунос эса юридик терминлардан, маълум бир ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлмай туриб, бу соҳани ўргана олмайди. Ўрганиши ҳам мумкин, фақат унинг тадқиқотлари лингвистик доирада, яъни тилнинг айрим лексик-грамматик қонун-қоидаларини “кашф этиш” учун қаратилади.

Шундай қилиб, “қонун тили муаммоси ҳуқуқшунослик фанида жуда ҳам кам ўрганилган. Бу муаммо фанлараро муаммо ҳисобланади, у ҳуқуқий билимлар ва лингвистикага дахлдор бўлиб, бундай тадқиқотлар бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам лингвистик таҳлилни тақозо этади. Бу мавзунинг кам ўрганилишига сабаб шундаки, ҳуқуқшунослар етарли даражада лингвистик билимлардан хабардор бўлмайдилар ва шунинг учун улар юридик тил ҳақида гап кетганда “қонунларни аниқ, равон, қисқа ёзиш керак” деган фикрдан нарига ўтмайдилар”.¹²⁹

Шундай қилиб, ҳар қандай қонун ўз мазмун ва моҳияти билан жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларни тартибга солишга, уларнинг нозик қирраларини ҳал этишга қаратилади. Шунга кўра қонун ҳажми, тузилиши бўйича мураккаб мазмунга эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси эса ушбу ҳуқуқ нормаларининг қандай ҳолатда ва тартибда, қай усулда ифода этилиши билан боғлиқ. Агар уларнинг ифода этилиши усули қанчалик мураккаб, узундан-узун, ноаниқ тузилса, бу қонун ҳаётда ижобий самаралар бериш ўрнига жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик миқдорининг ошишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг ифода этилиш усули давлат фаолиятида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Шу боис қонунчилик услубининг предмети – ҳуқуқий нормаларни ифода этишнинг халқчил, энг қулай, халқ манфаатини кўзловчи усулларини ишлаб чиқиш, уни қонун ижодкорлиги фаолиятида жорий этиш, умуман, ҳуқуқ тилининг маълум бир андазаларини ишлаб чиқиш, жамият ривожига ва ҳуқуқ такомили

¹²⁸ Язык закона. – 14 с.

¹²⁹ Язык закона. – 4 с.

билан уни ҳам ривожлантириб боришдан, ҳуқуқ тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Жамиятнинг, ҳуқуқнинг ривожланиши билан бир вақтда қонунчилик услуби ҳам такомиллаштирилиб, ҳуқуқнинг ҳар даврига нисбатан илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб борилиши зарур. Бунда иш бермаётган, ҳуқуқнинг ривожига тўсқинлик қилаётган, эски ифода усулларидан воз кечилиши, уларнинг ўрнига ҳуқуқнинг мазмунини тўла очадиган, халқимизга яқин ва тушунарли бўлган янги-янги ифода усулларини қидириб топиш мақсадга мувофиқ. Демак, қонунчилик услубини ҳам ҳуқуқ билан қадам-бақадам ривожлантириб бориш зарур.

Ҳуқуқ мазмун моҳияти жиҳатидан қанчалик халқчил, халқаро меъёрлар даражасида бўлмасин, агар қонун ҳужжатлари матнида бу ҳуқуқ нормаларини ифодалашда энг қулай ифода усуллари топилмас экан ёки у эски, “ноаниқ” тилда ифодаланар экан, бу фуқароларда ҳуқуққа, шу қонунга нисбатан меҳру муҳаббатни сўндиради. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятсизлигига олиб келади. Фуқароларни қонунлардан бездиради. Чунки фуқаро қонун матнини бир неча марта ўқиб ҳам тушунмаса, бу ҳол фуқаронинг ҳуқуқий саводсизлигига ва ҳуқуқий маданиятсизлигига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, қонунни турли-туман шарҳлашга кенг йўл очилади, натижада жамиятда турли салбий ҳолатлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг авж олишига туртки бўлади. Порахўрликнинг кучайишига сабаб бўлади.

Шунинг учун, бу масалаларни ўрганиш қонунчилик услубиятининг объекти ҳисобланади. Ҳуқуқшунос олима Л.М.Бойко қонунчилик услубиятининг вазифалари хусусида тўхталиб шундай ёзади: “Қонунчилик услубияти қонун ҳужжатларида тил воситаларини қўллаш қонуниятларини, усулларини ўрганади. Унинг ёрдамида ҳуқуқий нормаларнинг тўғри ифода этилиш муаммолари ҳал этилади. Қонун чиқарувчи тил қонунчилик иродасининг, ҳуқуқий асар нутқий шаклининг ҳақиқий ифодачиси бўлиши учун, нутқий фаолиятнинг энг муҳим шакллари танлаб олади. Юридик тил учун ҳам лексик, ҳам грамматик тадқиқотлар жуда муҳимдир. Чунки бунинг натижасида қонунчиликда юридик тилнинг зарур белгилари шаклланади, юридик тил воситаларининг қонуниятлари таркиб топади. Унда шундай мақсад қўйиладики, юридик тил ҳуқуқнинг ривожига хизмат қилади”.¹³⁰

Демак, қонунчилик услубияти қонуншуноснинг тилини, нутқини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиши, қонунчилик услубининг услубий хусусиятларини аниқлаши, юридик тил, унинг ўзига хос

¹³⁰ *Бойко Л.М.* Кўрсатилган манба. – 72-б.

жиҳатларини белгилаши лозим. Бундан ташқари, қонунчилик услубини бадиий услуб билан қиёслаш, қонунчилик услубининг энг нозик қирраларини яна ҳам аниқроқ очиш имкониятини беради. Бу эса қонунчилик услубининг амалиётда энг қулай ва оптимал вариантларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнайди.

Юридик тил - ҳуқуқ мазмунининг, моҳиятининг шаклий ифодаси бўлса, қонунчилик услуби эса бу ифода усулининг илмий-назарий жиҳатларини ўрганади.

Шундай қилиб, қонунчилик услубиятини ҳуқуқшуноснинг ёзма сўз усталиги ҳақидаги илм деб аташ мумкин. Бу усталикнинг ҳам ўзига хос қоидалари, хусусиятлари мавжуд бўлиб, у юристга ҳуқуқий нормаларни ифодалашда гап қандай усулларда қурилса, ҳуқуқнинг моҳияти янада яққолроқ очилади каби масалаларни ўрганиш имконини беради. У амалий аҳамиятга эга бўлиб, қонуншуносга ўзи ишлаётган ҳуқуқий грамматик қолип (конструкция) ва гапларнинг мавжуд талабларга қанчалик жавоб бериши ёки бермаслигини аниқлаш имконини яратади. У қонуншуносни қонунда ифодалаётган ҳар бир сўзга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашишга ундайди. Қонун лойиҳаларининг ниҳоятда мукамал тузилишига, унинг юксак санъат асари даражасига кўтарилишига имкон беради ва ҳуқуқнинг янада раванқ топиши учун энг муҳим асосий восита бўлиб хизмат қилади.

2. ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИ ИФОДАЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Қонунчилик услубиятининг энг асосий масалаларидан бири - ҳуқуқий нормаларнинг ифода усулларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиб, эскириб амалиётда иш бермаётган ифода усулларини аниқлаш, уларнинг ўрнига фуқаролар томонидан осонлик билан тушуниладиган, ўз навбатида, уларнинг дилига ва руҳиятига яқин бўлган ифода усулларини ишлаб чиқишдир. Чунки қонунларнинг амалиётда қандай натижалар бериши, уларнинг ҳуқуқий кучи билан биргаликда, қонун матнини тузишда сўз ва терминлардан тўғри фойдаланишга, ҳуқуқий фикрнинг грамматик жиҳатдан қандай қурилишига ҳам маълум маънода боғлиқ. Агар ҳуқуқий нормани тузишда халққа яқин бўлган грамматик қурилмалар (конструкция) дан фойдаланилмасдан, гаплар узундан-узун тузилиб, фикрларни ифодалашда ўта аниқлик, қисқалик ва мантиқий изчиллик каби принципларга риоя қилинмаса, бу ҳуқуқий норма ўта мавҳумлик касб этади. Натижада уни ҳар ким ўзи билганича тушунади, бу эса турли ножўй ҳаракатларга сабаб бўлади.

Қонуншунос учун соддагина ҳуқуқий ахборотни ҳуқуқий норма сифатида шакллантириш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Лекин, аксарият ҳолатларда жуда ҳам мураккаб ва кенг ҳуқуқий ахборотни ҳуқуқий норма сифатида қонун матнида ифодалашга тўғри келади. Бу эса қонуншуноздан катта тажриба, масъулият ва, ўз навбатида, ҳуқуқий нормаларни ифодалаш усуллари билан боғлиқ билимларни ўзлаштиришни талаб этади.

Ҳуқуқий нормаларни ифодалаш усуллари аниқлаш жуда ҳам мураккаб вазифа бўлиб, бунинг учун, таъкидланганидек, ҳуқуқшунос бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу соҳа билан шуғулланувчи муатахиссис юридик билимлар билан бирга лингвистик ҳамда муҳаррирлик сирларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан илмий юридик адабиётларда ҳуқуқий нормаларни ифодалаш усуллари жуда ҳам кам ёритилган. Бу масалаларга оид фикрларни, асосан, чет эллик ҳуқуқшунос олимлар, жумладан, руминиялик А.Нашиц, франциялик М.Валин, Ж.Дабэн, Ф.Жени каби олимларнинг ижодида кузатиш мумкин.¹³¹

Бу масалага бағишлаб француз олими М. Валин “Юридик методда эмпиризм ёки концептуализм керакми? Ёки йўқми?” номли мақоласида ҳуқуқий нормаларни тузишда мавҳумлаштириш (абстракция) усулидан кенг фойдаланиш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳуқуқий нормаларни ҳар бир ҳаётий майда икир-чикир воқеаларга мослаб ёзиш мумкин эмас. Бундай ҳаётий воқеалар умумий қоида, принцип ва тушунчалар асосида ҳал этилади. Шунингдек, ҳуқуқий нормаларни ўта расмийчилик руҳида ифодалаш ҳам ҳуқуқни реал ҳаётдан узоқлаштиради, мантикий “ифода” ларга айлантириб қўяди ва ҳуқуқ ифода усуллариининг методологик асосини яратиш учун тўсқинлик қилади.¹³²

Ҳуқуқшунос олимлар ичида ҳуқуқий нормаларни ифодалаш усули бўйича руминиялик олим А.Нашицнинг фикри алоҳида диққатга савордир. У бу масалалар юзасидан бошқа олимларга қараганда анча реал фикр юритиб, чуқур илмий-назарий таҳлил этади. Унинг фикрича, ҳуқуқни типиклаштиришда қуйидаги энг муҳим усуллардан фойдаланилади:

1. Таърифлаш;

¹³¹ *Нашиц А.* Правотворчество: теория и законодательная техника. – М.: Прогресс, 1974.; *Waline M.* Melanges en l honneur de J. Dabin. Paris, Sirey, 1963.; *Dabin J.* La technique de l elaboration du droit positif, specialement du droit prive, Bruxselles, 1935. *Geny F.* Science et technique en droit prive positif. Nouvelle contribution a la critique de la methode juridique. Paris, 1924

¹³² *Waline M.* Melanges en l honneur de J. Dabin. – Paris, Sirey, 1963. – P. 359-371.

2. Таснифлаш;
3. Юридик конструкция;
4. Презумпция ва фикция.¹³³

А.Нашиц таърифлаш усулида ҳуқуқий нормаларнинг асосий элементи бўлган тушунчаларни ўта аниқ ифодалаш лозимлигини таъкидлайди. Бунда, айниқса, ўта аниқлиликни таъминлашда терминлар муҳим ўрин тутишини қайд этади, шунинг учун терминларни қўллаш усуллари билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтади.¹³⁴

Таснифлаш эса – таърифлаш пайтида ишлаб чиқилган тушунчаларни маълум бир мезонларга кўра гуруҳларга ажратиш йўли билан ҳуқуқий материални тўплаш усули ҳисобланади, деб қайд этади А. Нашиц.¹³⁵

“Юридик конструкциянинг ўзига хос вазифаси, – деб ёзади А. Нашиц, - ҳуқуқий нормаларнинг мантиқий изчиллигини таъминлашдир. Бу ҳуқуқий нормалар бирлигига асос солади ва етишмаётган ҳуқуқий нормаларни яратиш лозимлигини кўрсатади. Шундай қилиб, ҳуқуқий конструкция ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, системага солиш ҳамда ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва қўллаш билан боғлиқ масалаларни қамраб олади”. Шунингдек, олим ҳуқуқий нормаларни шакллантиришда презумпция ва фикция усуллари ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлайди.¹³⁶

Умуман, А.Нашиц томонидан келтирилган ҳуқуқий нормаларни ифодалашнинг таърифлаш, таснифлаш, юридик конструкция, презумпция ва фикция усуллари нафақат қонунчилик техникаси, балки ҳуқуқнинг бутун мазмунидан келиб чиқилган ҳолда ишлаб чиқилган назарий қоидалардир. Шунинг учун ҳуқуқий нормаларни айнан лингвистик нуқтаи назардан қандай ифодалаш лозимлиги ҳақидаги масалаларни тўла қамраб ола олмайди.

Бизнинг назаримизда, ҳуқуқий нормаларни шакллантиришда унинг нималарни акс эттириши ва уларни қайси тартибда тузиш (боб, модда, қисм, бандларга ажратиш) билан бирга, ҳуқуқий нормаларнинг бевосита ифодаланиш усуллари ҳам аниқлаш муҳимдир.

Умуман, қонун ижодкорлиги фаолиятида қонуннинг ифода шаклига аҳамиятсиз деб қаралмаган. Бу ҳақда эстониялик ҳуқуқшунос олим Х.Р. Рандалау шундай ёзади: “Қонуннинг мазмунидан унинг ифода шаклини ҳеч қачон ажратиб бўлмайди, яъни қонун нимани акс

¹³³ *Нашиц А.* Правотворчество: Теория и законодательная техника.– 193-194 с.

¹³⁴ Ўша жойда. – 194-208 с.

¹³⁵ Ўша жойда. – 209-213 с.

¹³⁶ Ўша жойда.– 214-220 с.

эттиряпти деган масала қанчалик муҳим бўлса, у шу мазмунни қандай ифодалаш ҳам шунчалик муҳимдир”¹³⁷.

Шу боис ҳуқуқий нормаларнинг ифода усулларини аниқлаш мақсадида, халқаро қонунчилик ҳамда мамлакатимиз қонунларининг ифода усулларини ўрганиб чиқдик. Унга кўра, ҳуқуқий нормаларни ифодалашнинг, асосан, қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Одатдаги баёний усул.
2. Ҳуқуқий нормани хатбоши (абзац) орқали қисмларга бўлиб ифодалаш усули.
3. Ҳуқуқий нормани ҳарфлар орқали қисмларга бўлиб ифодалаш усули.
4. Ҳуқуқий нормани рақамлар орқали қисмларга бўлиб ифодалаш усули.
5. Ҳуқуқий ахборотни дастлаб рақамлар орқали қисмларга бўлиш, сўнгра шу қисмдаги фикрларни ҳарфлар орқали бандларга ажратиб ифодалаш усули.
6. Ҳуқуқий нормани жадвал асосида ифодалаш усули.

Бу усуллардан қайси бирини қўллаш берилаётган ҳуқуқий ахборотнинг қанчалик содда ёки мураккаблигидан келиб чиқади. Агар ифодаланувчи ҳуқуқий ахборот унчалик мураккаб бўлмаса ва унда грамматик жиҳатдан уюшган гаплар бўлмаса (ёки кам даражада бўлса), унда ҳуқуқий норма одатдаги баёний усулда ифодаланади. Масалан:

Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар

(Жиноят кодекси 5-м.).

Ҳуқуқий нормаларни ифодалашда кўпроқ одатдаги баёний усулдан фойдаланилади.

Юридик норма сифатида ифодаланаётган ҳуқуқий ахборот жуда мураккаб ва кенг бўлган тақдирда қонун ижодкорлиги фаолиятида бу нормани хатбоши, ҳарф, рақамлар орқали қисмларга бўлиб ифодалаш усулидан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича бу усул тўрт хил йўл билан ифодаланади:

1. Гапда асосий (предикатив) фикрни ифодаловчи, грамматик жиҳатдан эга ва кесимдан (уларга боғланган бўлақлардан) тузилган бош гап берилиб, сўнгра уюшган гаплар санаб ўтилади. Масалан:

¹³⁷ Рандауа Х.А. О научном исследовании теоретических вопросов совершенствования законодательства.// Изв. АН ЭССР, 1964. Сер. Обществен. наук. – №4. – 298 с.

Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиши учун;

3)

(Меҳнат кодекси 164-м.).

2. Гапнинг эгаси ва у билан боғланган бўлақлар берилиб икки нукта қўйилади ва шундан кейин уюшган бўлақлар бандма-банд берилиб, якуний фикрни ифодаловчи - кесим ҳар бир қисмнинг охирида берилади. Масалан:

Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиши инспекцияси: муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкумларни рўйхатга олади; маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этишларини текширади;

... .

(Жиноят-ижроия кодекси 22-м.)

3. Гапнинг эгаси берилиб икки нукта қўйилади ва уюшган бўлақлар қисмма-қисм санаб ўтилиб, энг охирги бандда якуний фикр - кесим ифодаланади. Масалан:

Маҳкумлар:

жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишига;

жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришига мажбурдирлар.

(Жиноят-ижроия кодекси 13-м.).

4. Эргаш гаплар қисмма-қисм берилиб, охирги қисмда асосий фикрни ифодаловчи бош гап берилади. Масалан:

Башарти:

1) ушлаб берилиши талаб қилинаётган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса;

2) жиноят Ўзбекистон Республикасида содир этилган бўлса;

3) ... бўлса;

4) ... бўлмаса;

5) ушлаб бериш тўғрисидаги талабнома асос бўлган қилмиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича жиноят ҳисобланмаса, шахсни ўзга давлатга ушлаб беришига йўл қўйилмайди

(Жиноят-процессуал кодекси 10-м.).

Ҳозирги қонун ижодкорлиги жараёнида мураккаб ҳуқуқий ахборотни ҳуқуқий норма сифатида шакллантиришда, асосан, шу тўртта усулдан фойдаланилади. Ҳуқуқий нормаларни бу усулда

ифодалаш, қонун ижодкорлиги жараёнида ижобий ҳолат деб қаралади. Чунки бу усул орқали ифодаланган ҳуқуқий норманинг қисмма-қисм бўлиб берилиши натижасида тушунарлилик даражаси юқори бўлади.

Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий норманинг асосини, лингвистик тил билан айтганда, предикатив бирикма – эга ва кесим ифодалайди. Шунинг учун ҳуқуқий нормани шакллантираётганда умумлаштирувчи бўлак сифатида эга ва кесим асосида бош фикр ифодаланиб, сўнгра уюшган бўлақлар қисмма-қисм берилса, бу ҳуқуқий нормани тушуниб олиш анча осон кечади. Қонунни қўлловчи, дастлаб, матнда нима ҳақида гап боришини, яъни қонуншуноснинг мақсадини англаб, сўнгра уюшган бўлақлардаги фикрларни уқиб олади. Масалан:

Суд фуқаролик ишини қуйидаги ҳолларда қўзғатади:

1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича;

2) прокурорнинг аризаси бўйича

(Фуқаролик-процессуал кодекси 5-м).

Мураккаб ҳуқуқий ахборотни ифодалашнинг юқоридаги 3- ва 4-турларида эса, аввал, уюшган бўлақлар қисмма-қисм берилиб, сўнгра, энг охирги қисмда, якуний фикрни ифодаловчи кесим берилади. Бу типдаги гапларни тезликда осонлик билан илғаб олиш фуқаролар учун бир мунча ноқулайлик туғдиради. Чунки фуқаро ҳамма қисмларни ўқиб то охирги гапдаги якуний фикрни уқиб олмагунча, гап нима ҳақида бораётганлиги, қонуншуноснинг мақсадини англаб ола олмайди. Масалан:

Қуйидаги ишлар бўйича:

1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;

2) соқовлар, қарлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;

3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;

4) жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;

5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;

6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;

7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт

(Жиноят-процессуал кодекси 51-м.).

Бундай ҳолатларда, дастлаб, асосий фикрни ифодаловчи умумлаштирувчи бўлақлар берилиб, сўнгра уюшган бўлақлар санаб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, юқоридаги модда қуйидаги тартибда берилса, ҳуқуқий норманинг аниқлик даражаси юқори бўлар эди:

Қуйидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши мажбурийдир:

1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;

2) соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсонли ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиши ҳуқуқини амалга оширишига қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;

3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;

4) жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;

5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;

6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;

7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда.

Шундай қилиб, мураккаб ҳуқуқий нормаларни ифодалашда кўпроқ асосий фикрни ифодаловчи умумлаштирувчи бўлақни олдин бериб, сўнгра уюшган бўлақларни санаб ўтиш усулидан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқий нормаларни ифодалаш усулларида яна бири уларни жадваллар асосида акс эттиришдир. Жумладан, Солиқ кодексининг 23, 30,55-моддаларида шу усулдан фойдаланилган. Масалан:

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаларидан олинган, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадига (фойдасига) манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

дивидендлар ва фоизлар	15 фоиз
таваккалчиликларни суғурта қилишга ёки қайта суғурта	10 фоиз

қилишга тўланган суғурта мукофотлари	
Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида ҳаракат қилишда халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар)	6 фоиз
роялти, ижарадан олинган даромадлар, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, бошқарув, маслаҳат хизматлари кўрсатишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар, даромад солиғи солинган даромадлар (фойда) бунга кирмайди.	20 фоиз

Жадваллар асосида ифодалаш усули қонун ижодкорлиги фаолиятида камдан-кам ҳолатларда, асосан, иқтисодиётга оид қонунларда берилаётган ахборотни математик усулда, яъни миқдор ва фоизларни кўрсатишда қўлланилади. Буни ижобий ҳолат сифатида баҳолаш лозим. Чунки бу кўрсаткичлар жадвалга солинмасдан, тавсифий йўл билан берилса, уни тушуниш бир мунча оғир кечади. Жадвал асосида берилиши қонунни қўлловчилар учун бир қадар қулайлик туғдиради.

Шундай қилиб, ҳуқуқий нормаларни ифодалашнинг хилма-хил усуллари мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ҳамда халққа тушунарли бўлган муносиб шаклларини қўллаш қонун мукамаллигининг асосий шартларидан биридир.

VI БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ТИЛ МУАММОЛАРИ

1. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТИЛ

Халқаро ҳуқуқда тил муаммолари билан боғлиқ энг муҳим жиҳатлардан бири тилларнинг халқаро ҳуқуқий мақоми масаласидир. Чунки ҳозирги пайтда дунё миқёсида уч мингга яқин тил бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий мақоми жиҳатидан бир хил асосга эга эмас. Уларнинг айримлари халқаро тил сифатида бутун дунё халқаро муносабатлари тизимида фаол қўлланса, аксарият қисми эса халқаро тил мақомини олмагани боис деярли ишлатилмайди.

Шунга кўра, ҳар бир миллат ва мамлакат ўз тилининг ривожини, унинг халқаро муносабатларда кенг қўлланиши, маълум маънода бошқа давлатларнинг тиллари устидан “хукмронлик” қилиши учун ҳаракат қилади. Чунки тил шу мамлакат ва халқнинг рамзий белгиси ҳисобланади. Унинг тили халқаро даражада кенг қўлланса, шу миллатнинг тараққиёти учун ҳам муҳим омил яратилади.

Бундан ташқари, бирор бир давлат халқаро доирада иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий жиҳатдан маълум бир мавқега эришиб, унинг халқаро обрў-эътиборини ошириб бораверса, унинг таъсири бошқа давлатларга ҳам ўта бошлайди. Бу жиҳатлар унинг тилида ҳам ўз аксини топиб, бошқа давлатларнинг тилларига ҳам таъсирини ўтказиши, дунё миқёсида фаол қўлланиб, халқаро тил мақомини олишга ҳаракат қила бошлайди. Шунга кўра, тилларнинг халқаро ҳуқуқий мақоми масаласи инсоният тарихида қадимдан фаол маъно касб этиб келган.

Ер юзида энг биринчи марта халқаро доирада кенг қўлланган тиллардан бири – хитой тилидир. Кейинроқ, бу вазифани қадимги юнон тили бажарди. Александр Македонский юнон тилини Марказий Осиёдан то Африка давлатларигача “олиб борди”. У минг йилдан ортиқроқ вақт давомида Византия мамлакатининг расмий тили бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик, юнон тилининг ўрнига халқаро тил сифатида лотин тили майдонга келди. Қадимги Рим империясида расмий тил вазифасини бажарди. Ҳатто, лотин тили Қадимги Рим давлати инқирозга юз тутганидан сўнг ҳам халқаро майдондан “тушмади”, энди у инсониятга илм-фан, маданият ва тараққиёт тили бўлиб хизмат қила бошлади.

Ислом оламида айнан шу вазифани узоқ асрлар давомида араб тили бажарди. VII-VIII асрларда Ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши жараёнида араб тили узоқ асрлар давомида, асосан, Шарқ халқлари ҳаётида илм-фан ва маданият тили бўлиб

хизмат қилди. У Испаниядан то Ироқ ва Ямангача бўлган катта худудда кенг тарқалган тил сифатида майдонга келди.

Шунингдек, милоддан олдин ва милодий аср бошларида она тилимиз ўзбек тилининг асоси бўлмиш туркий тил ҳам Шарқда халқаро тил сифатида кенг қўлланди. У Узоқ Шарқда – Татар бўғизидан, ғарбда – Дунай бўйлари-ю Ўрта ер денгизигача, Шимолда – Сибирдан тортиб, Жанубда – Ҳиндистону Тибетгача бўлган катта худудда халқаро тил сифатида кенг ёйилди. Шунингдек, “милодий X-XVI асрларда туркий тил уч қитъада - Осиё, Шарқий Европа, Шимолий Африкада асосий давлат тили ҳамда халқлараро ва мамлакатлараро асосий тил бўлиб хизмат қилди”.¹³⁸

Европада лотин тилидан сўнг Франция қироли Людовик XIVнинг давридан бошлаб тахминан 200 йил француз тили дипломатик тил сифатида қўлланилди. Италия тили эса Апенин ярим оролидаги республикаларнинг муомала воситаси сифатида ишлатила бошланди. Немис тили кўпгина герман қироллиги ва князликларида қўлланилди. Австрия-Венгрия империясининг юксалиши билан немис тили оммавий тил сифатида ишлатила бошланади.

АҚШнинг давлат сифатида майдонга келиши билан француз ва инглиз тилларининг ўртасида ўзаро рақобатни вужудга келтирди. АҚШ раҳбарияти инглиз тилининг халқаро тил сифатида эътироф этилиши ва кенг қўлланиши учун тинмай ҳаракат қила бошлади. Франция раҳбарияти эса халқаро муносабатларда фақат француз тили қўлланишининг тарафдори бўлиб, инглиз тилининг кенг қўлланишини хоҳламас эди. Дастлаб бундай курашлар яширин, зимдан олиб борилди, очикдан-очик айтилмади. 1919 йилда Версаль тинчлик шартномасини тузишда бу ҳолат яққол гавдаланди. Франциянинг премьер-министри Ж.Клемансо француз тилининг 200 йил атрофида халқаро тил сифатида ишлатилаётганлигини назарда тутиб, конференция фақат француз тилида олиб борилишини талаб қилди. Буюк Британиянинг премьер-министри Д.Ллойд Джорж ва АҚШ президенти В.Вильсон Ер юзидаги 170 миллиондан ортиқ аҳоли инглиз тилида гаплашишини ҳисобга олиб, конференцияда халқаро тил сифатида инглиз тили ҳам қўлланишини талаб қилишди ва улар инглиз тилида сўзга чиқишди. Шу даврдан бошлаб инглиз тили халқаро тил сифатида қўлланила бошланди.

Ҳақиқатан ҳам, инсоният тарихи давомида ҳар бир давлат ўз тилининг кенг ёйилиши учун ҳаракат қилган. Ҳатто, айрим мамлакатлар бу масала бўйича тўғридан тўғри тазйиқ ўтказганлар.

¹³⁸ *Иброҳимов А.* Тил – эл кўрикчиси. Давлат тили: муоммолар ва ечимлар. – Т., 1999. – 11-б.

Бунга мисол сифатида биринчи жаҳон уруши олдидан Германиянинг ҳаракатини келтириш мумкин.

Маълумки, шу даврда халқаро доирада инглиз ва француз тиллари юқори мавқега эга эди. Айнан шунинг учун ҳам Германия оммавий ахборот воситаларида немис тилининг инглиз ва француз тилларидан устун эканлиги, XX аср немис тили асри бўлиши, шу боис бутун дунё халқларининг, айниқса, инглиз ва французларнинг немис тилини ўрганишлари лозимлиги ташвиқ қилинди.

Шундай қилиб, халқаро муносабатларда ишлатилаётган тилларнинг сони кўпайиб борди. 1815 йилда ўтказилган Вена конгрессида фақат француз тили ишлатилган бўлса, 1919 йилдаги Версаль тинчлик конференциясида француз ва инглиз тиллари халқаро тил сифатида эътироф этилди. 1946 йилда ўтказилган Париж тинчлик конференциясида инглиз, француз ва рус тиллари расмий тил сифатида қўлланилди.

Шу тариқа XX асрдан бошлаб давлатлараро муносабатларда қўлланиладиган тилларнинг сони кўпайиб борди. Ҳар бир миллат ўз тилининг халқаро муносабатларда тенг қўлланиши ҳуқуқини талаб қила бошлади. 1936 йилда ўтказилган Миллатлар лигасида Эфиопия императори Хайле Селас-сие француз тилида эркин гапиришига қарамасдан, ўз она тили - амхар тилида нутқ сўзлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий тили - инглиз, француз, рус, араб, хитой ва испан тиллари ҳисобланади. Бу тилларнинг тенг равишда ишлатилиши мақсадида БМТ ихтисослаштирилган бўлимларининг ҳар бирининг ўз расмий тили мавжуд. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилотида – инглиз тили; Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида – инглиз ва француз тили; Халқаро валюта фондида – инглиз тили; Халқаро электр алоқалари иттифоқида – инглиз, испан, француз тиллари; Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилотида инглиз, француз, рус, испан тиллари; Халқаро почта иттифоқида – француз тиллари; Халқаро меҳнат ташкилотида - инглиз ва француз тиллари расмий тил сифатида ишлатилади.

Бундан ташқари, БМТ Халқаро меҳнат ташкилотида испан, араб, хитой, рус тиллари ишчи тил сифатида кенг ишлатилади. Халқаро амнистиялар инглиз, француз, испан ва араб тилларида чиқарилади.

ЮНЕСКОнинг расмий тили – дастлаб француз ва инглиз тиллари бўлиб, сўнгра испан, рус, араб ва хитой тиллари киритилди. Шунга кўра, ҳозирги пайтда инглиз, француз, рус, испан, араб ва хитой тиллари халқаро тил сифатида эътироф этилиб, халқаро муносабатлар шу тилларда олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ЮНЕСКОнинг бош конференцияси қайси мамлакатда ўтаётган бўлса, шу давлатнинг тилини ҳам конференцияда қўллаш одат тусига айланган. ЮНЕСКОнинг асосий нашри “Курьер ЮНЕСКО” ўттиз беш тилда тайёрланиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларига тарқатилади.

Халқаро Суд ўз фаолиятини француз ва инглиз тилларида олиб боради. Шунингдек, Судга томонлар ўз миллий тилларида чиқишни хоҳлаб мурожаат этишса, уларга шу ҳуқуқ берилади. Бундай ҳолатларда манфаатдор томон берилган оғзаки саволларга расмий тилларнинг бирида жавоб беради. Суд 15 судьядан иборат бўлиб, улар келиб чиқиши жиҳатидан турли миллатларга мансуб ва шунга кўра уларнинг она тили ҳам хилма-хилдир. Лекин уларнинг ҳар бири расмий халқаро тилларни билиши шарт ҳисобланади.

Европа Кенгашининг аъзолари 15 давлатдан иборат бўлгани боис у иш фаолиятини шу 15 та тилда олиб боради. Европа парламентида эса 518 та ўрин мавжуд бўлиб, уни турли мамлакатларнинг вакиллари эгаллаган. Парламент аъзолари 15 та тилда фаолият юритишади.

Ҳозирги пайтда кундан-кунга халқаро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотларининг сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг барчасида расмий ва ишчи тиллари турличадир. 1985 йилда Сан-Маринода Халқаро фанлар академияси ташкил этилди. Эсперанто, инглиз ва француз тиллари унинг расмий тили ҳисобланади.

Кўринадки, халқаро муносабатларда тил масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ҳар бир давлат ўз тилининг халқаро муносабатларда эътироф этилишига ҳаракат қилади. У ўз тилининг халқаро ташкилотларда расмий тил бўлиши талаби билан чиқади. Бундай ҳолатларда халқаро амалиётда, кўпинча, келишув йўли тутилади. Яъни, шу тил бирор халқаро ташкилотнинг расмий тили эмас, балки ишчи тиллари қаторига киритилади. Масалан, БМТ Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий тили - инглиз ва француз тиллари бўлса, ишчи тили - испан, араб, хитой, рус тилларидир.

Бинобарин, кишилик тарихи жараёнида Т. Мор, А. Лейбниц, Вольтер, Л. Толстой каби бир қанча олимлар томонидан ягона халқаро тилни яратиш ғояси илгари сурилган. Ҳатто, Черчилль ҳам халқаро тилни жорий қилиш тарафдори бўлиб, у инглиз тилининг соддалаштирилган шакли – “Бейсик инглиш”ни шундай тил сифатида тавсия қилади. Лекин “Бейсик инглиш” шу даражага кўтарила олмади.

XIX асрнинг охирида поляк олими Людвиг Заменгоф ташаббуси билан эсперанто тили пайдо бўлди. У сунъий яратилган тил бўлиб, бошқа тиллардан ўлароқ барча мамлакатлар учун умумий тил сифатида майдонга келди. Унинг ривожидан бирор бир давлат эмас, балки барча

халқлар манфаатдор эди. Чунки у бир мамлакатнинг ёки халқнинг сиёсий манфаатини акс эттирмайди.

Шу боис XX асрнинг бошларида эсперанто халқлар ўртасида анча оммалашиб кетди. Россия, Франция, Германия давлатларида кенг тарқалди. Айниқса, Германияда кенг тараққий топди. У Германия ҳукумати томонидан расмий тан олинди, бошланғич мактабларда эсперанто бўйича умуммажбурий курслар йўлга қўйилди, Лейпцигда эсперанто бўйича ўқитувчилар тайёрловчи миллий институт очилди. 1935 йилда немис миллатчилари эсперанто тилини ўрганишни тақиқлаб қўйишди. Уни ўрганмоқчи бўлганларни газ камерасида ўлдиришди.

ЮНЕСКО эсперанто тилини маъқуллади. БМТга аъзо бўлган давлатларнинг ўрта мактабларида уни ўқитишни тавсия қилди. БМТ тизимининг 27 ташкилоти эсперантони қўллаб-қувватлайди. Эсперантонинг парламент гуруҳи Англия парламентида кўп сонли лоббистлар гуруҳи ҳисобланади.

Кўринадики, ҳар бир давлат ўз тилининг халқаро тил сифатида қўлланишини, ўз тилининг бошқа тилларнинг устидан маълум маънода ҳукмронлик қилишини хоҳлайди. Чунки шу тилнинг халқаро майдонда эътироф этилиши, биринчи навбатда, шу мамлакат ва миллатнинг фахри ҳисобланади. Унинг тили бошқа халқлар томонидан кенг қўлланилганда, демак шу миллатнинг ҳам халқлар ичидаги тутган ўрни бир қадар юқори ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида шаклланиб, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ўзаро алоқалар ўрнатаётган бугунги кунда, она тилимиз – ўзбек тилини Ўзбекистон ташқи сиёсатининг барча соҳаларида кенг қўллашга эришиш энг муҳим вазифалардан биридир. Ўзбек давлатчилигининг муҳим рамзий белгиси сифатида ўзбек тилининг халқаро доирада қўлланиши, Ўзбекистон давлати тараққиёти учун муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади.

2. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТИЛИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида дунё мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаб, унинг халқаро обрў-эътибори ошиб бораётган бугунги кунда халқаро ҳуқуқ нормаларини, хусусан, унинг тили билан боғлиқ масалаларни ўрганиш энг муҳим вазифалардан биридир. Чунки жаҳон ҳамжамиятига кириб борган ҳар қандай давлатда халқаро ҳуқуқнинг нормалари билан бирга унинг тили ва услуби масалаларига ҳам алоҳида

эйтибор қаратилади, жаҳон тажрибасининг бу соҳадаги илғор ютуқлари ўрганилиб, шу асосда ҳар бир мамлакат ўз йўналишини белгилаб олади.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқ тили фақат юридик-техник жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки ҳар бир мамлакатнинг ташқи сиёсатида ҳам муҳим ўрин тутди.

Шунга кўра, халқаро ҳуқуқ тили бўйича бутун дунё ҳуқуқшунослари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилган. Бу соҳа бўйича бир қанча илмий тадқиқот ишлари, рисола ва мақолалар ёзилган.¹³⁹ Бу тадқиқотларнинг ичида инглиз олими А.Островернинг “Тил, Ҳуқуқ ва Дипломатия” номли илмий рисоласи (у икки томдан иборат бўлиб, 963 саҳифани ташкил қилади) алоҳида ўрин тутди. Бу рисолада асосий эйтибор дипломатик тил ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилади. Шунингдек, унда халқаро ҳуқуқ тили ҳам илмий-назарий жиҳатдан етарли даражада тадқиқ этилади.

Шу билан бирга А. Островернинг халқаро ҳуқуқ тили нуқтаи назаридан билдирган айрим фикрлари анча мунозаралидир. Жумладан, олим халқаро ҳуқуқ тилини таҳлил этаётиб, бирор мамлакатнинг на суверенитети, на давлатнинг тенг ҳуқуқчилиги принципи келажакда бирор бир тилнинг юридик расмий тил мақомини олиши учун тўсқинлик қила олмайди, деган фикрга келади. Тўғри, айрим мамлакатларда бирор бир тилнинг расмий тил мақомини олиши шу давлатнинг суверенитетлик ва тенг ҳуқуқчилик принципи билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бироқ, аксарият ҳолатларда, давлат мустақил бўлсагина, ўз давлат тилига эга бўлади.

Умуман, давлат мустақиллиги ва давлат тили тушунчалари бир-бирини тақозо қилувчи эгизак тушунчалардир. Бирисиз иккинчисининг бўлиши амри маҳол. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Илмий адабиётларда халқаро ҳуқуқ тили масаласи бўйича ҳуқуқшунослар ҳам, тилшунослар ҳам ўз фанлари нуқтаи назаридан кузатишлар олиб борган. Лекин халқаро ҳуқуқ тилини фанлараро йўналишда, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам лингвистик билимлар доирасида ўрганилган ишлар камчиликни ташкил қилади.

Айнан шу нуқтаи назардан украиналик профессор В.И.Евинтовнинг ишлари диққатга сазовордир.¹⁴⁰ Маълумоти жиҳатдан ҳам юрист, ҳам

¹³⁹ *Ostrover A. Language, Law and Diplomacy. 2 vol. Philad. – 1965. – 963 p.; Moore J. Digest of International Law. Vol. V.Wash. – 1906. – P. 180.; Treaties, Conventions, International Acts, Protocols and Agreements between the United States of America and other Powers (1776-1909). Vol. I. Wash. – P. 269.; Umozurike U. Unequal in Eyes of Law // Afrika Now. – 1985, March. – P. 33.; Евинтов В.И. Многоязычные договоры в современном международном праве. – Киев, 1981.*

¹⁴⁰ *Евинтов В.И. Многоязычные договоры в современном международном праве. – Киев: 1981. – 35 с.*

тилшунос бўлган В.И.Евинтов халқаро ҳуқуқ тилини бошқа олимларга нисбатан анча мукамал ва ҳар томонлама ўрганган. У асосан халқаро шартномалар тилини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этди.

Бинобарин, халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаини халқаро шартномалар ташкил қилади. Шунга кўра, ҳозирги пайтда халқаро ҳуқуқий муносабатларда давлатлар ҳамда нодавлат ташкилотлари ўртасидаги халқаро шартнома ва битимлар нормасининг роли ошиб бормоқда.

Айнан шу нуқтаи назардан халқаро ҳуқуқда юридик техника муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, халқаро шартномаларнинг қайси тилда тузилиши, икки ёки ундан ортиқ тилларда тузилган шартномаларнинг аутентлигидаги муаммолар алоҳида ўрин тутади. Айрим ҳолатларда эса шартноманинг қайси тилда тузилиши муҳим сиёсий-ҳуқуқий аҳамият ҳам касб этади. Шунга кўра, халқаро ҳуқуқда тил масаласининг асосий объектини давлатлар ўртасидаги шартноманинг тили ташкил этади.

Халқаро шартномалар тарихига мурожаат қилинса, Шарқда илк шартномалар Вавилон хонлиги тилида тузилганлигини кўриш мумкин. Чунки Вавилон давлати шу даврда анча гуллаб яшнаган бўлиб, инсоният тарихида жуда катта из қолдирди. Ҳатто, унинг шоҳи Хаммураппи ўз қонунларини жорий этишга ҳам муваффақ бўлдики, бу қонунлар бутун инсониятнинг илк ҳуқуқий нормаси сифатида қадрланиб келинмоқда.

VII-VIII асрлардан бошлаб эса, Ислом динининг шарқ халқларига кенг тарқалиши натижасида, шарқ мамлакатларида халқаро шартномалар асосан араб тилида (халқаро тил сифатида) тузилган.

Ғарбий Европада эса узоқ асрлар давомида халқаро шартномалар лотин тилида тузилган. Албатта, бунинг объектив сабаблари мавжуд эди. Маълумки, Рим классик ҳуқуқи ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида юксак чўққиларга эришди. Рим ҳуқуқи лотин тилида битилган бўлиб, унинг асосий терминлар қатламини лотинча сўзлар ташкил қилар эди. Бундан ташқари, шу даврларда лотин тили илм-фан, маданият, тараққиётга эришиш тили вазифасини бажарган. Шунинг учун, ғарбий Европада XVII асрнинг ўрталарига қадар халқаро шартномалар асосан лотин тилида тузилган. Лотин тилидаги энг охириги шартнома 1648 йилдаги Вестфаль тинчлик шартномасидир.

Европада мустақил миллий давлатларнинг пайдо бўлиши лотин тилининг халқаро тил сифатида ишлатилмаслигига сабаб бўлди. Халқаро шартномалар Европа халқларининг миллий тилларида тузила бошланди.

Бу даврда халқаро доирада Франциянинг обрў-эътибори ошиб борди. Бу эса француз тилининг халқаро тил сифатида кенг қўлланишига сабаб бўлди. Мамлакатлар ўртасидаги шартномалар француз тилида тузила бошланди. Давлатлар халқаро шартномаларни

француз тилида тузаётиб, бу ўз миллий тилларининг тенг ҳуқуқлик принциpidан воз кечишини англaтмаслигини алоҳида таъкидладилар.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, давлатлар ўртасида француз тилида тузилган шартномалар маълум бир изоҳлар билан жўнатилган. Бу изоҳда шартноманинг француз тилида тузилиши бошқа тилларнинг халқаро тил сифатида қўлланишига монелик қилмаслиги таъкидланган.¹⁴¹

Бу расман қайд этилса-да, лекин Франция ҳукумати бирор бир тилнинг халқаро тил мақомини олиб, француз тили билан баравар қўлланишини хоҳламас эди. Фақат 1919 йилга келибгина Версальс тинчлик конференциясида узоқ баҳслардан сўнг халқаро шартномалар инглиз тилида ҳам тузилди ва шу вақтдан бошлаб инглиз тили халқаро тил мақомига эга бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми қабул қилиниши билан рус тили ҳам халқаро тил мақомини олди. Айниқса, Шарқий Европа мамлакатлари ўртасида кўп томонлама битимлар тузишда рус тилидан кенг фойдаланилди.

Миллий тилларнинг халқаро тил сифатида тан олинishi учун курашда айрим давлатлар ўз тилларининг тенг ҳуқуқчилиги принциpidан ҳам бир оз чекинишга розилик билдиришган. Жумладан, 1903 йил 8 октябрда АҚШ ва Хитой ўртасида тузилган Шартноманинг XVII моддасида “агар шартноманинг инглиз ва хитой тилларида тузилган вариантларида ҳар хиллик келиб чиқса, унда инглиз тилидаги вариант тўғри деб топилади”- дейилади.¹⁴²

Кўринадики, Хитой давлати келажакда хитой тилининг халқаро тил мақомига эга бўлишини кўзлаб, хитой тилидан инглиз тилининг устунлигига ҳам розилик берган.

Икки томонлама шартномалар XVIII асрдан бошлаб шартнома тузаётган давлатларнинг тилларида тузила бошланди. Кўпгина давлатлар бундай шартнома тузиш амалиётини қўллаб-қувватлаб, ўзларининг бошқа давлатлар билан тузаётган шартномаларини икки тилда тузиш ташаббуси билан чиқдилар. АҚШ давлат котиби Джей 1785 йилдаги хатида: “Конгресс тузиш лозим деб ҳисоблаган шартнома ёки битим икки тилда: биринчиси, АҚШ тилида, иккинчиси, шартнома тузаётган бошқа давлатнинг тилида бўлиши лозим”лигини таъкидлаган.¹⁴³

¹⁴¹ *Евинтов В.И.* Многоязычные договоры в современном международном праве. – Киев: 1981. – 12-13 с.

¹⁴² *Treaties, Conventions, International Acts, Protocols and Agreements between the United States of America and other Powers (1776-1909).* Vol. I. Wash. – P. 269.

¹⁴³ *Moore J.* Digest of International Law. Vol. V. Wash. –1906. – P.180.

Халқаро шартноманинг қайси тилда тузилиши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Халқаро муносабатлар тарихида шундай ҳодисалар бўлганки, бунда кучли давлатлар халқаро шартномаларни махсус мураккаб тилда тузиб, уни ўз манфаати йўлида шарҳлаганлар. Жумладан, Европа давлатлари Африка мамлакатлари ва қабилалари билан тузган шартномаларини, асосан, Европа давлатлари тилида тузганлар. Бу шартномалар эса Африка давлатлари учун кўпинча тушунарсиз бўлган ёки Африка халқлари шартноманинг мазмунини тўла тушунишмаган ёхуд нотўғри шарҳлаганлар.¹⁴⁴ Ёки яна бир мисол. 1889 йилда Италия ва Абиссиния давлатлари ўртасидаги халқаро шартнома томонларнинг тилларида тузилади. Бироқ шартноманинг икки вариантида бир-бирига мос келмайдиган ўринларга атайин йўл қўйилади. Шартнома XVII моддасининг итальян тилидаги шаклида: “Абиссиния императори бошқа давлатлар билан бўладиган музокаралари тўғрисида Италия ҳукуматига маълум қилишга мажбур”, дейилади. Абиссиния давлати тилидаги шаклида эса: “Абиссиния императори бошқа давлатлар билан бўладиган музокаралари тўғрисида Италия ҳукуматига маълум қилиши мумкин,” – дейилади.¹⁴⁵ Бу эса кейинчалик икки давлат ўртасида келишмовчиликларга олиб келди.

Халқаро шартномавий-ҳуқуқий амалиётда, матнлар ўртасида ҳар хиллик давлатларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалга оширилган ҳоллари ҳам учрайди. Жумладан, 1699-1700 йилларда Россия ва Туркия ўртасидаги Тинчлик конференциясида узоқ баҳс ва мунозаралардан сўнг Туркия вакиллари шартноманинг рус тилидаги шаклида рус шоҳининг таърифи шартноманинг туркча матнидан ўзгачароқ ифодаланишига розилик беришади.¹⁴⁶

Икки томонли халқаро шартномаларни қабул қилиш амалиётида, кўпинча, шартнома ва битимлар шу икки мамлакатнинг давлат тилида қабул қилиш одат тусини олган. Ҳатто айрим ҳолатларда бирор мамлакатда бир нечта тил давлат тили мақомига эга бўлса, халқаро шартномалар шу давлат тилининг ҳаммасида тузилиб қабул қилинади. Жумладан, 1929 йилда СССР ва Финляндия ўртасида Божхона назорати тўғрисидаги шартнома рус, фин ва швед тилларида тузилган.¹⁴⁷ Ҳар учала шартнома ҳам бир хил кучга эгаллиги таъкидланган. Чунки Финляндияда давлат тили фин ва швед тиллари бўлиб, аксарият шартномалар шу икки давлат тилида қабул қилинади.

¹⁴⁴ Umozurike U. Unequal in Eyes of Law // Afrika Now. – 1985, March. – P. 33.

¹⁴⁵ Umozurike U. Кўрсатилган манба. – б.-33.

¹⁴⁶ Грабарь В.Э. Материалы к истории литературы международного права в России. – М., 1958. – 52-53 с.

¹⁴⁷ Документы внешней политики СССР. – Т. XII. – М., 1967.– 151 с.

Бу шу мамлакатда давлат тилларининг ўзаро тенг ҳуқуқлилигини таъминласа, иккинчидан, шу жамиятда яшовчи фин ва швед миллатларига мансуб фуқароларнинг ҳуқуқлари тенг равишда амалга оширилади. Учинчидан, халқаро шартномани барча аҳоли қатламлари орасида оммалаштиради ва натижада шартнома нормасининг фуқаролар томонидан тўла бажарилиши таъминланади.

Аммо халқаро шартномаларни томонларнинг тилларида тайёрлаш анча мураккаб ва ўта масъулиятли иш тури бўлиб, у шартномани қабул қилиш ишига узок вақт тайёргарлик кўришни тақозо этади.

Айрим кутилмаган вазиятларда эса халқаро шартномани қисқа муддат ичида тез қабул қилишга тўғри келиб қолади. Шартномани қисқа муддат ичида томонларнинг тилларида тайёрлашнинг имкони бўлмайди. Имкони бўлса ҳам тез ва пала-партиш тайёрланган шартномалар баёнида кейинчалик ҳар хилликлар келиб чиқиши мумкин.

Бундай ҳолатларда шартномалар халқаро тилларнинг бирида тузилади. Масалан, 1922 йилда СССР ва Норвегия ўртасидаги Қарз бериш ҳақидаги шартнома фақат француз тилида тузилган бўлса, 1957 йилда СССР ва Исландия ўртасида товар алмашиш ва тўловлар тўғрисидаги шартнома фақат инглиз тилида тузилган. Польша 1957 йилда Миср давлати билан маданий ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисидаги шартномани фақат инглиз тилида, 1957 йилда Япония билан нормал муносабатларни тиклаш тўғрисидаги шартномани фақат француз тилида тузади.¹⁴⁸

Халқаро шартномалар тузишнинг бундай усули анча самарали ҳисобланади. Чунки, бунда: биринчидан, шартномани тузиш ишлари соддалашади, натижада шартномани тузиш ва қабул қилиш ишлари тезлашади; иккинчидан, шартнома шошма-шошарлик билан бир нечта тилда тузилса, уларда бир-бирига ўзаро мос келмайдиган ўринларга йўл қўйилиши мумкин. Бу эса шартноманинг ҳуқуқий жихатдан кейинчалик бажарилмаслигига ва, ҳатто, давлатлар ўртасида келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Айниқса, шартноманинг халқаро тилларнинг бирида тузилиши миллий тили дунё бўйича кенг тарқалмаган давлатлар учун анча фойдали усуллардан биридир. Бунда шартнома тузувчи томонларнинг обрў-эътиборига путур етмайди, бу давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланган бўлади. Шунга кўра, бу усул, асосан, носийсий халқаро шартномалар тузишда кенг қўлланади.

¹⁴⁸Сборник действующих договоров, соглашений, заключенных СССР с иностранными государствами, 1957, Вып. XV, с. 64.

Бундан ташқари, икки томонлама халқаро шартномаларни уч тилда, яъни: икки томоннинг давлат тилида ҳамда халқаро бирор тилда тузиш усули ҳам кенг қўлланади. Бунда учта тилдаги шартноманинг бир хил кучга эгаллиги (аутентлиги) келишиб олинади. Агар томонларнинг шартномаларида бирор мунозарали ўринлар чиқиб қолса, унда масалалар халқаро тилдаги шартномага кўра ҳал қилинади. Жумладан, Польша маданий алоқалар тўғрисидаги шартномани Вьетнам билан поляк, вьетнам ва француз тилларида; Мўғулистон Халқ Республикаси билан поляк, мўғул ва рус тилларида тузган.¹⁴⁹

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, шартноманинг халқаро тилларнинг бирида қабул қилиниши сиёсий мазмун касб этмайди. Юқорида таъкидланганидек, Польшанинг Вьетнам билан тузган шартномасининг халқаро тил сифатида француз тилида тузилишини “демак, Польша ва Вьетнам Франция билан муносабати яхши экан” деган маънони англатмайди. Тўғри, айрим ҳолатларда бу омилларга ҳам қаралиши мумкин. Лекин бу аксарият ҳолатларда сиёсий мазмун касб этмайди.

Шундай қилиб, икки томонли халқаро шартнома тузиш амалиётида шартномаларни қуйидаги тилларда қабул қилиш усуллари мавжуд:

- 1) халқаро тилларнинг бирида;
- 2) икки томоннинг давлат тилида;
- 3) икки томоннинг давлат тилларида ҳамда халқаро тилларнинг бирида.

Халқаро шартномани тузишда қайси усулни қўллаш бу давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатидан, бу давлатларнинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни ҳамда шартноманинг мазмун ва моҳиятидан ва бошқа турли вазиятлардан келиб чиқади.

Кўп томонлама шартномаларни тузишда тил муаммоси икки томонламали шартномаларни тузишга нисбатан анча мураккаб бўлиб, шартномаларни бир қанча тилларда тузишга тўғри келади. Бундай ҳолатларда депозитар-давлатнинг ҳукуматига шартномани бошқа тилларга таржима қилиш топширилади. Жумладан, 1954 йилда тузилган Уруш жабрланувчиларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциясининг 55-моддасида шундай дейилади: “Ушбу конвенция француз ва инглиз тилларида тузилган. Швейцария Федерал Кенгаши Конвенциянинг рус ва испан тилларига таржима қилинишини таъминлайди”.¹⁵⁰

¹⁴⁹ Zbion umow miedzynarowych, 1957. – S. 60. // Ibid, 1958. – S. 121.

¹⁵⁰ Женевские конвенции о защите жертв войны. – М., 1954. – 33 с.

Кўп томонлама халқаро шартномаларнинг аутентик матнлари давлат ёки улар тилларининг номланишидаги бош ҳарфига кўра алфавит тартибида жойлаштирилади. Баъзан эса шартнома қайси давлатнинг ҳудудида тузилаётган бўлса, шу давлатнинг тилидаги шартнома биринчи ўринга қўйилади, қолганлари эса алфавит тартибида жойлаштирилади. Бу қоида таржима қилинган ёки аутент бўлмаган, лекин аутент матн ўрнини босадиган матнларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Халқаро шартномаларни тузиш ишининг энг мураккаб жиҳатларидан яна бири, олдин тузилган шартномага қўшимча ва ўзгартишлар киритишдир. Бунинг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, халқаро шартномалар тузиш ва унга қўшимчалар киритишда бу принципларга қатъий амал қилинади.

Бу қоидага кўра шартномага киритиладиган қўшимчалар ёки ўзгартишлар халқаро тилларда тузилади. Бироқ шартнома олдин қайси тилда қабул қилинган бўлса, матнга қўшимча ва ўзгартишлар шу тилда киритилади ва шундан сўнг ушбу шартнома аутент ҳисобланади. Қолган матнлар эса таржима мақомига эга бўлади. Жумладан, 1949 йил 4 майда Порнографик нашрларни тарқатишга қарши кураш ҳақидаги Протокол бешта тилда тузилган ва барчаси аутент ҳисобланади. Матнга тузатишлар илова қилинган. Протоколнинг 8-моддасида шундай дейилади: “Иловага мувофиқ ўзгартирилдиган шартнома фақат француз тилидаги илова аутент ҳисобланади, рус, инглиз, испан ва хитой тилидаги матнлар эса таржима ҳисобланади”.¹⁵¹

Кўринадики, шартномага қўшимча ва ўзгартишларнинг қайси тилда киритилиши ва уларнинг қайси бири таржима ёки аутент ҳисобланиши сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Умуман олганда, кўп томонлама шартномаларни тузиш жуда мураккаб иш бўлиб, у уни тузувчи шахсдан юксак билим ва малакани, шартнома тузилаётган тилларни мукамал билишни талаб қилади. Натижада бундай шартномаларни тузиш ишлари узоқ тайёргарликни тақозо қилади.

Шу нуқтаи назардан кўпгина халқаро ҳуқуқшунослар шартномани битта халқаро тилда тузишни маъқул деб биладилар. Халқаро шартномалар тузиш ишлари бўйича узоқ тадқиқот ишлари олиб борган ва халқаро шартномаларда тил муаммосини махсус ўрганган олим А.Островер ҳам шартномани битта халқаро тилда тузишни маъқуллайди.¹⁵²

¹⁵¹ Umozurike U. Unequal in Eyes of Law // Afrika Now, 1985, March, P. 38.

¹⁵² Ostrover A. Language, Law and Diplomacy. 2 vol. Philad., 1965, P. 568.

Украиналик халқаро ҳуқуқшунос олим эса кўп томонламали шартномалар тили устида фикр юритиб: “Халқаро шартномаларнинг кўп тиллилиги шартномаларнинг бажарилишида давлатларнинг иштирокини фаоллаштиради. Кўп томонламали шартномалар, асосан, Ер шарининг кенг тарқалган тилларида тайёрланади. Демак, бу шартномадан кўпчилик инсонлар хабардор бўлади. Бу эса шартнома қоидаларини чуқур тушунишга олиб келади. Бу шартномани бажарувчи давлат органининг шартнома мажбуриятларини бажариши учун қулай шароит яратади”, – дейди.¹⁵³

Бизнинг фикримизча, кўп томонлама халқаро шартномаларни халқаро тилларнинг бирида ёки бир неча тилларда тайёрлашнинг ҳар бирининг ўзига яраша ҳам салбий, ҳам ижобий жиҳатлари мавжуд. Халқаро тилларнинг бирида тайёрланган шартнома қисқа муддат ичида тузилиб, унда бир шартноманинг турли тиллардаги шаклларидаги номувофиқликларнинг олди олинади. Шу билан бирга профессор В.И.Евинтов таъкидлаганидек, бу шартнома аҳолининг барча қатламларига маълум бўлмаслиги натижасида шартноманинг тўла бажарилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Кўп тилларда тайёрланган шартнома эса, Ер шари аҳолисининг маълум бир қисмига тезда оммаланиши натижасида, уни бажариш учун қулай шароитни вужудга келтиради. Шу билан бирга кўп тилларда тайёрланган шартномаларнинг матнларида ҳар хилликлар юз бериши мумкин.

Шу нуқтаи назардан ҳар бир шартноманинг қайси тилда тузилиши ишига индивидуал ёндашиш, бунда шартноманинг мазмун-моҳиятини ва, шу билан бирга, халқаро муносабатларни ҳисобга олиш лозим.

Айрим шартномалар аҳолининг барча қатламларига тегишли бўлади. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги шартномалар барча фуқароларда қизиқиш уйғотади. Шунга кўра бундай халқаро шартномалар кўп тилларда тайёрланиши лозим.

Бундан ташқари, бу шартномаларнинг ифода усулига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Унда акс этирилаётган халқаро ҳуқуқий нормалар максимал даражада аниқ тузилиши лозим. Чунки бундай халқаро шартномалар фуқароларнинг халқаро ҳуқуқий онгини шакллантиради. Шунинг учун ҳам, халқаро шартноманинг кенг жамоатчиликда қандай фикр уйғотиши унинг аниқ тузилишига боғлиқ.

¹⁵³ *Евинтов В.И.* Многоязычные договоры в современном международном праве. – Киев: 1981. – 35 с.

Халқаро шартномалар ва уларнинг тили миллий ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгнинг таъсирида шаклланади. Шу билан бирга халқаро шартномалар миллий ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгнинг ривожланиши учун муҳим омил вазифасини бажаради. Шунингдек, халқаро шартномалар миллий ҳуқуқий тизимнинг такомиллашуви, унинг халқаро ҳуқуқ билан яқинлашуви учун таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг мукамаллашишида муҳим аҳамият касб этади, унинг миллий ҳуқуқ билан алоқасини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Айнан шу жиҳатлар халқаро ҳуқуқ тили ва миллий юридик тил тизимида ҳам ўз аксини топади. Халқаро юридик тилда қўлланилаётган кўпгина сўз ва терминлар миллий юридик тилга кириб боради ва, аксинча, миллий юридик тилдаги айрим сўз ва терминлар халқаро ҳуқуққа ўтади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий юридик терминларини қуйидаги тилларга оид сўзлар ташкил қилади. Масалан:

лотин тилидан ўзлашган халқаро юридик терминлар: *конституция, кворум, интеграция, декларация, диктатура, институт, император, ратификация, канцелярия, кодекс, коллегия, манифест, нота, орден, консул* кабилар;

француз тилидан ўзлашган халқаро юридик терминлар: *суверенитет, дипломатия, парламент, ордер, демарш, декрет, атташе, буржуазия, бюджет, бюллетень, жюри, деректива, комитет, компания, министр, паспорт, армия* кабилар;

немис тилидан ўзлашган халқаро юридик терминлар: *адъютант, абонент, вексель, лагерь, группа, ефрейтор, квартира* кабилар;

инглиз тилидан ўзлашган халқаро юридик терминлар: *рэкет, бандит, брифинг, брокер, блок, вариант, ваучер, грант, колледж, концерн, мистер, монополия, монархия, музей, некролог, гегемон, монография, демократия* кабилар;

итальян тилидан ўзлашган халқаро юридик терминлар: *штамп, фирма, фашизм, валюта, авизо* кабилар;

юнон тилидан ўзлашган халқаро юридик терминлар: *ипотека, гипотеза, амнистия, протокол, система, анархия, аноним, апатрид, архив, гегемония, геноцид, гипотеза, гомосексуализм* кабилар;

араб тилидан ўзлашган халқаро юридик терминлар *алкоголизм, адат, адмирал, алгоритм* кабилар.

Шуниси диққатга сазаворки, айрим халқаро юридик терминлар ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқий тизимида ўзгача маъно ҳам ифодалаш мумкин. Ҳатто, халқаро ҳуқуқда фаол қўлланувчи *тинчлик, адолат, инсон*

хуқуқлари каби тушунчалар халқаро муносабатларда юридик жиҳатдан турли маънолар касб этиши мумкин.¹⁵⁴

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Париж конференциясида СССР ва Финляндия вакиллари томонидан Европа асосида ҳуқуқий давлат қуришнинг умумҳуқуқий маконини белгилаш таклиф қилинди ва бу таклиф Австрия ва ГФР давлатлари томонидан қўллаб-қувватланди.¹⁵⁵

Шундан кейин кўпгина халқаро ҳуқуқшунослар умумюрidik халқаро терминлар тизимини яратиш ғоясини илгари сурдилар. Жумладан, В. Ступишин бу ҳақда шундай ёзади: “Умумий асосда қабул қилинган юридик термин ва иборалар мазмунини бир хил тушуниш орқали умумюрidik халқаро тилни яратиш амалий аҳамиятга эга, бу оммавий ҳуқуқ принцип ва қоидаларини бир-бирига яқинлаштириш ва бойитиш учун ҳам хизмат қилади”.¹⁵⁶

Шундай қилиб, кўп тилли шартномалар тузишнинг қатор ижобий жиҳатлари мавжуд. Шунга кўра, кўп тилли шартномалар тузиш ишларини амалий жиҳатдан жиддий ўрганиш ва бу соҳада кўп тилли халқаро юридик терминлар луғатини яратиш мақсадга мувофиқ. Шу муносабат билан Халқаро ижтимоий фанлар терминлари маркази директори М.Паенсон томонидан кўп ишлар амалга оширилди. У халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро қиёсий ҳуқуқ бўйича кўп тилли иккита луғатни нашр этди.¹⁵⁷

Кўп тилли халқаро шартномаларни тайёрлашдаги ўта мураккаб ишлардан бири, шартномани бошқа тилларга таржима қилишда уларнинг айнан бир хиллигини таъминлашдир. Шу муносабат билан В.И.Евинтов кўп тилли шартномаларни тузишда айнан бир хил таржима қилишнинг принципларини ишлаб чиқди.¹⁵⁸ Назарий жиҳатдан В.И.Евинтов ҳақ. Кўп тилли шартномалар устида узоқ муддат кунт билан ишлаганда уларда айнан бир хиллик таъминланиши мумкин. Бироқ, кўп томонлама шартномаларнинг давлатлар ўртасида жуда кўп тузилиши, улар сонининг кундан-кунга кўпайиб боришини ҳисобга олсак, ҳар доим ҳам амалиётда айнан бир хил таржиманинг амалга оширилишини таъминламайди.

¹⁵⁴ Language et politique. – Bruxelles, 1983. – P. 87.

¹⁵⁵ Док.. CSCE | CDHR. 17. P. 989, 16 juin.

¹⁵⁶ Ступишин В. У кого власть в правовом государстве// Международная жизнь. –1999. – №17. – 31.с

¹⁵⁷ Paenson I. Manual of the Terminology of Public International Law (Peace) and International Organizations. – Brussels, 1983. // English-French-Russian Manual of the Law of Armed Conflicts and of International Humanitarian Organizations. – Brussels, 1989.

¹⁵⁸ Евинтов В.И. Многоязычные договоры в современном международном праве. – Киев: 1981. – 35 с.

Бундан ташқари, ҳар хил ҳуқуқий тизимда юридик тушунчаларнинг турли маъноларда қўлланиши муаммоси ҳам, айнан бир хил таржимани амалга оширишга тўсқинлик қилади. Бу фикрни Халқаро ҳуқуқ комиссияси ҳам маъқуллаб шундай ёзади: “Бир ёки икки моддадан иборат бўлган кўп тилли шартнома матнларидагина айнан бир хиллик таъминланади”.¹⁵⁹

Ҳақиқатан ҳам, матнлар ўртасида айнан бир хилликни таъминлаш энг мураккаб вазифадир. Бундай ҳолатларда таржима ишини халқаро ҳуқуқ терминларининг миллий ҳуқуқий тизимда ифодалайдиган маъноларини ҳам ҳисобга олиб амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Халқаро шартномаларни таржима қилишда тил воситаларининг ишлатилишига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Шартномаларнинг амалда яхши самаралар бериши ҳамда уларни ҳар хил талқин қилишнинг олдини олиш мақсадида, барчага тушунарли бўлган сўз ва грамматик шакллардан фойдаланилади. Ҳатто, шартномаларни ҳар хил талқин қилиш ҳолатлари аниқланиб, шартномада айрим қоидаларнинг қандай талқин қилиниши лозимлиги кўрсатилади.

Кўп тилли шартномаларни тузишдаги яна бир муаммоли жиҳатлардан бири - халқаро шартнома қайси тилларда тайёрланган бўлса, шу тилларнинг тенг ҳуқуқлиги масаласидир. Халқаро шартномавий-ҳуқуқий амалиётда шартнома тайёрланган тиллар тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Кўп тиллардаги матнлар аутент ҳисобланади. Ҳатто, шартномада махсус қайд этилмаган бўлса-да, кўп тилли шартномалар аслига тенг кучга эга бўлади. Бу принцип қоида тусини олган. Инглиз ҳуқуқшунос олими А.Макнейр шартнома ҳуқуқига бағишланган илк асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Шартномада бир-бирига қарама-қарши ҳолатлар мавжуд бўлмаса, шартноманинг бир тилдаги шакли иккинчи бир тилдаги шаклидан устун ҳисобланмайди”.¹⁶⁰ Бу фикрни Ф.И.Кожевников ҳам тасдиқлайди.¹⁶¹ Бундан ташқари, бу қоида 1969 йилда халқаро шартномалар ҳуқуқи ҳақидаги Вена конвенциясида ҳам эътироф этилган.

Шундай бўлса-да, амалиётда бир шартноманинг турли тиллардаги матнларни шарҳлашда улар ўртасида ҳар хилликлар пайдо бўлиб қолади. Шунинг учун амалиётда бирор бир матннинг тил жиҳатдан ягона тахминий воситаси яратилади. Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссия дастлаб бу қоидани маъқуллайди. Аммо амалиётда шартномани бу тахминий йўналишлар бўйича тайёрлаш жуда кўп мураккабликларни юзага

¹⁵⁹ Yearbook of the International Law Commission, 1966. – №11. – P. 225.

¹⁶⁰ *Mcnair*. Law of Treaties. Oxf., 1938. – P.59.

¹⁶¹ Международная право. – М., 1951. – 404 с.

келтирди. Шу сабабли 1969 йилда Шартнома ҳуқуқи ҳақидаги Вена конференциясида бу қоида бекор қилинди. Шунга қарамасдан, бу конференцияда ҳуқуқий нуқтаи назардан томонлар томонидан маъқулланган бир шартнома бўлиши ва бу шартнома томонларнинг ўзаро манфаати йўлида хизмат қилиши зарурлиги таъкидланди.¹⁶²

Кўп тиллардаги шартномаларнинг аутентлиги ва тенг ҳуқуққа эгаллиги халқаро шартномани шарҳлашда амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қадимда тузилган шартномаларда турли тиллардаги матнлар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлса, барча матнларнинг аутентлиги тан олинади, деб қайд қилинар эди. Кейинчалик эса бу қоида амалиётда ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳақиқатан ҳам, халқаро шартномалар амалиётида *аутент* термини эътироф этилган. Унинг мазмун ва моҳияти шу соҳа ходимлари учун тушунарли. Шу боис *аутент* терминига изоҳ беришнинг ҳожати йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг кўпгина халқаро шартномаларида *аутент* термини “*иккала матн ҳам бир хил кучга эга*” ибораси билан алмаштирилди. Бу қоидага мувофиқ ҳар иккала томон шартнома мажбуриятларини амалга ошираётганда фақат ўз тилларидаги матнга асосланиб иш юритади.

Бироқ халқаро шартномавий-ҳуқуқий амалиётда фақат ўз тилидаги матнга асосланиб иш тутиш баъзан турли тушунмовчиликларга олиб келиши, айрим ҳолатларда эса томонларнинг ўзаро қарама-қаршилигига сабабчи бўлиши мумкин. Жумладан, АҚШ Олий Судининг XIX асрда бир масала бўйича чиқарган икки хил ҳукми бунинг мисоли бўлиши мумкин. 1828 йилда АҚШ Олий Суди Фастер ишини кўриб чиқади. Бунда суд шартноманинг инглиз тилидаги матнига асосланиб, шартнома мажбуриятлари бажарилмаган деб ҳисоблаб, масъул шахсларга тегишли чоралар кўрилади. Орадан беш йил ўтиб, яъни 1833 йилда шу шартноманинг испан тилидаги шаклига қараб, олдинги суд ҳукми бекор қилинади ва шартнома мажбуриятлари бажарилган, деб топилади.

Кўринадики, шартноманинг ҳар хил матнларини шарҳлашнинг асосий қоидаси аутент тушунчаси ҳисобланади. Аутентлик шартноманинг бир-бирига мослигини таъминлайди, улар ўртасида ҳар хиллик вужудга келса, уларни ўзаро мувофиқлаштиради.

Шунинг учун *аутент* термини “*иккала матн ҳам бир хил кучга эга*” деган иборага нисбатан кенг маънони ифодалайди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги принциpidан келиб чиққан ҳолда *аутент* тушунчасини халқаро юридик термин сифатида *аутент* сўзи билан ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бу сўз

¹⁶² Yearbook of the International Law Commission, 1951. – Vol. I. – P.153.

юнонча “*authentikos*” сўзидан олинган бўлиб, “асл нусха”, “дастлабки, бирламчи манба” маъноларини беради.¹⁶³

Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузадиган халқаро шартномаларида “*иккала матн ҳам бир хил кучга эга*” деган иборанинг ўрнига “*аутент*” сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасида халқаро шартномаларнинг тили ҳақида алоҳида ҳуқуқий норма киритилган бўлиб, унда шундай дейилади:

“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва ахдлашаётган бошқа томоннинг (томонларнинг) тили ҳисобланади.

Халқаро шартнома субъектларининг келишувига мувофиқ бошқа тил шартнома тили деб танланиши мумкин. Халқаро шартнома матни қайси тилда тузилган бўлса, у ушбу шартнома матнида кўрсатилади, унинг аутентлиги ва расмийлиги белгиланади.

Халқаро шартномалар қоида тариқасида ёзма шаклда тузилади.”

Кўринадики, бу модда ҳар жиҳатдан чуқур ўйланган ҳолда қабул қилинган бўлиб, у ҳозирги пайтда халқаро шартномаларнинг тили ҳақидаги талабларга тўла жавоб беради.

Бинобарин, халқаро шартномаларни талқин қилишдаги энг мураккаб ҳолатлардан бири - бир шартноманинг кўп тиллардаги матнлари ўртасидаги номувофиқликни тўғри шарҳлаш масаласидир.

Кўп тилли шартномалар бир нечта томонларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Шунга кўра турли тиллардаги матнларни шарҳлашнинг асосий мақсади шартноманинг умумий хоҳиш иродасидан келиб чиқиши лозим. Шу боис Вена конвенциясида халқаро шартномаларни шарҳлашда унинг умумий мақсади ва объектидан келиб чиқиш принципига асосланиш лозимлиги таъкидланади (33-модда, 4-банд).

Шунингдек, кўп тилли халқаро шартномаларни шарҳлашда, турли тиллардаги матнлар ўртасидаги ҳар хилликни ҳал этишда умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда уларни мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади. 1924 йилда Халқаро судловнинг доимий палатаси Мавроматис ишини ҳал этишда шуни белгиладики, “агар бир шартноманинг икки тилдаги матнида ҳар хиллик мавжуд бўлса ва уларнинг бири анча кенг маънога эга бўлса, унда суд икки томонни

¹⁶³ Словарь иностранных слов // Под ред. И.В. Лёхина. – М., 1954. – 86 с.

ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида чегараланган шарҳлашга суяниб иш тутишга мажбур”¹⁶⁴.

Халқаро ҳуқуқ комиссияси Мавроматис иши бўйича чиқарилган қарорга юқори баҳо берди. Шу билан бирга кўп тилли шартномалар ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлганда, юқоридаги қоидани умуммажбурий қоида деб билмаслик зарурлигини қайд этди.¹⁶⁵

Шундай бўлишига қарамасдан, бу қоида амалиётда кенг қўлланилади. Айниқса, халқаро судлар учун бу асосий қоида ҳисобланади. Халқаро суд бирор шартномани шарҳлашда ўз фаолиятдан шубҳаланса, ўз ваколатини чегараланган доирада юритиши лозим. Бу фикрни БМТнинг Халқаро Суди ҳам тасдиқлайди ва ўз фаолиятида шу принципга асосланади. Жумладан, 1988 йилда Халқаро Суд Гондурасга қарши Никарагуа ишини ҳал этишда “чекланган шарҳлаш принципи”ни қўллайди.¹⁶⁶

Кўп тилли шартномаларни шарҳлаш усули ҳақида гап кетганда, халқаро шартномалар амалиётида кенг ишлатилаётган яна бир муҳим усулни алоҳида таъкидлаш лозим. Халқаро шартномалар амалиётида “расмий матн” тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра кўп тилли шартномалар яна бирор халқаро расмий тилда тузилади. Унинг бошқа тиллардаги матнлардан фарқи, унинг аутентлиги таъкидланмайди. Шартноманинг турли тиллардаги матнлари ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлгандагина, айнан шу расмий матнга мурожаат қилинади.

Кўп тилли шартномалар ўртасидаги номувофиқликни ҳал этишнинг техник хусусиятга эга бўлган қоидалари ҳам мавжуд. Агар бирор масала бир матнда аниқ ифодаланиб, иккинчи бир тилдаги матнда ноаниқ ифодаланган бўлса, у ҳолда аниқ ифодаланган матннинг устунлиги тан олинади.

Кўринадикки, халқаро шартномаларда тил муаммоси муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Бугунги кунда бу масалаларни жиддий тадқиқ этиш ва шу асосда мамлакатимизда халқаро шартномалар тузишнинг узоқ келажакка мўлжалланган илмий-амалий стратегик йўналишини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.

¹⁶⁴ Mavrommatis Palestine Concessions // PCIJ (1924). Ser. A. No.2.P.19.

¹⁶⁵ Yearbook of the International Law Commission. 1996. Vol. II. P.226.

¹⁶⁶ Case Concerning Border and Transborder Armed Actions (Nicaragua v. Honduras). Jurisdiction and Admissibility. // Judgement. C. J.Reports, 1998. – P.93.

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш.....	3
I БОБ. ҲУҚУҚ ВА ТИЛНИНГ БИР-БИРИГА ЎЗARO ТАЪСИРИ МАСАЛАЛАРИ.....	5
1. КИШИЛИК ЖАМИЯТИДА ҲУҚУҚ ВА ТИЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....	5
2. ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖИДА ТИЛНИНГ ЎРНИ.....	8
3. ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲУҚУҚНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....	13
II БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА УНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	17
2.1. ЮРИДИК ТИЛНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.....	17
2. ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИ.....	23
3. ЮРИДИК ТИЛ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ.....	36
4. ЮРИДИК ТИЛ ЛЕКСИКАСИ ВА УНИНГ ТАСНИФИ.....	43
III БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ.....	48
1. ЮРИДИК ТИЛДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ.....	48
2. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИ ТАРИХИ.....	50
ВА ТАРАҚҚИЁТИ.....	50
3. ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ВА УНИНГ ТАСНИФИ.....	63
4. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН БИРЛИГИ.....	70
5. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИДА СИНОНИМИЯ МАСАЛАСИ.....	75
6. ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИДА ОМОНИМИЯ МАСАЛАСИ.....	79
IV. БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА АМАЛИЁТ.....	86
1. ЮРИДИК МАТНДА ТЕРМИНЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ.....	86
2. ЮРИДИК ТИЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ АМАЛИЁТИ.....	89
V БОБ. ЮРИДИК ТИЛ ВА ҚОНУНЧИЛИК УСЛУБИЯТИ.....	95
1. ҚОНУНЧИЛИК УСЛУБИЯТИ НАЗАРИЯСИ.....	95
2. ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИ ИФОДАЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	99
VI БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ТИЛ МУАММОЛАРИ.....	107
1. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТИЛ.....	107
2. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТИЛИ.....	111